

**411**

Ўттисз бешинчи йил чиқиши  
Рабиуссоний 1442ҳ – Декабр 2020м

*Ал-Варі*



Кенг кўламли,  
фикрий, сақоғий журнал

## ЭЙ МУСУЛМОНЛАР, ХУРСАНД БЎЛИНГ



**(ИСРОИЛ) ҲАЛОКАТИНИНГ БЕЛГИЛАРИДАН БИРИДИР**

Амирликлар, Саудия ва  
Миср раҳнамолигидаги янги  
дин... (2)

Мисрнинг Исломни ўзгар-  
тиришдаги роли

Капиталистик ҳазорат ҳамда  
унинг дарвинизм асосидаги  
кўз-қарашининг яроқсизлиги

**Ислом Умматининг  
ҳазорий ўзлиги**



411

Ўттиз бешинчи  
йил чиқиши  
Рабиуссоний 1442х  
Декабр 2020м

Ливан 1000 лира
Яман 30 риёл
Туркия 1 доллар
Покистон 1 доллар
Австралия 2,5 доллар
Америка 2,5 доллар
Канада 2,5 доллар
Германия 2,5 евро
Швеция 15 крон
Бельгия 1 евро
Швейцария 2 франк
Австрия 1 евро
Дания 15 крон

## Чибӯ сонга

- Эй мусулмонлар, хурсанд бўлинг, чунки яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш (Исройл) ҳалокатининг белгиларидан биридир..... 3
- Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг яроқсизлиги ..... 9
- Ислом Умматининг ҳазорий ўзлиги тараққиёт, уйғониш ва энг яхши умматлик мақомига эришишнинг кафолатидир ..... 20
- Амирликлар, Саудия ва Миср раҳнамолигидаги янги дин (3)...  
Мисрнинг Исломни ўзgartиришдаги роли.... 28
- **Оlam мусулмонлари хабарлари** .... 39
- **Қуръони Карим сұхбатида** ..... 46
- **Жаннат боғлари:** Қуръони каримнинг фазилати ва қироатининг савоблиги ҳақидаги ҳадислар ..... 55
- Ақлингни ишлат ва мослашувчан бўлиб қолма ..... 62
- **Рошид халифалар бўстонидан:**  
биринчи рошид Халифа Абу Бакр Сиддик ..... 66
- **Сўнгги сўз:** (Исройл) ижтимоий тармоқларни манипуляция қилиб, уларни ўз манфаати йўлида ишлатмоқда ..... 79
- «Фарб – ўғрилар ҳазоратидан бошқа нарса эмас» ..... 80

## ЭЙ МУСУЛМОНЛАР, ХУРСАНД БЎЛИНГ, ЧУНКИ ЯҲУДИЙЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ (ИСРОИЛ) ҲАЛОКАТИНИНГ БЕЛГИЛАРИДАН БИРИДИР

Мусулмонлар юртларида юз берган қўзғолонлар Умматнинг малай ҳукмдорларни қулатиш истагини очик кўрсатганидан кейин, Farb бу Умматни бўйсундиришга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, уни бўйсундира олмаслигини тушуниб етди. Шунинг учун мусулмонларни бундан кейин яна оёққа туриб, бирлаша олмайдиган аҳволга солиб қўйиш учун ўзининг шайтоний нафси тусаган барча ишларни амалга оширишга йўл очиб берадиган режаларни ишлаб чиқди. Farb бу режани амалга оширишни ўз қўлига олиб, малай ҳукмдорларга ўз динларига, пайғамбарларига ҳамда тақдирний масалаларига ошкора хиёнат қилиш босқичига ўтишни буюрди... Шунингдек, улардан мусулмонларга зулм қилишни, уларни қирғин қилишни, бошқа юртларга кўчишга мажбурлашни, қувғин қилишни, улардан ўч олишни ва юртларини вайрон қилишни ҳамда мазҳабпаратлик, ирқчилик ва тоифачиликни қўзғаш орқали бирликларини парчалашни талаб қилди... Мусулмонларнинг қўзғолонлар юз берган юртларида қўзғолон уюштирган одамлардан ўч олишида ва ҳамон ўч олишмоқда. Токи, улардан ўч олиниши қўзғолончилар издошларига сабоқ бўлсин ва уларни қўзғолончиларга эргашишдан тийиб қўйсин. Шундай қилиб, Росууллоҳ ﷺ:

«يُخَاطِئُونَ بِالظَّالِمِينَ مِنْ كُلِّ مَكَانٍ... وَلَا يَجِدُونَ عَلَى الْحُقْقِ أَعْوَانًا»

**«Уларни ҳар томондан золимлар ўраб олади ва улар ҳақиқат учун ёрдам берадиган одамни топа олмайдилар»,** деб айтганларидек, мусулмонлар ҳар томондан золимлар қуршовида бўлиб, ҳақ йўлда ёрдамчини топа олмаётган бир пайтда шу ишлар юз бермоқда. Бундан ташқари, Исломга қарши оламшумул урушлари кўринишларидан бири шу бўлдики, улар Ислом фақат ахлоқ ва ибодатга хос дин деб даъво қилиб, сиёсий Исломга қарши ёвузларча ҳужум қилишди... мусулмонлар учун энг муқаддас саналган кўринишларни тахқирлаб, Пайғамбар ﷺни ҳақорат қилишди. Улар сўнгги пайтларда мусулмонларни писанд қилмай ва энг катта муаммоларига парво қилмай яҳудий вужуди

билинг муносабатларни нормаллаштиришни ошкора эълон қилиши... Farb ўзининг жинояткорона режасини мана шундай очик тарзда амалга оширмоқда. Унга ҳеч қандай халқаро қонун ва қийматлар қаршилик қилмаяпти. Ундан мақсад, мусулмонларни ўз динлари борасида мағлубиятга учратишdir. Шунингдек, Farbdan халос бўлиш ва ўз ҳаётларини Роббилари томонидан бўлган нур узра қуриш орқали унинг мустамлакасидан озод бўлиш каби талабларини унуттиришdir. Лекин Farb учун бу ишларга йўл бўлсин.

Farbnинг мусулмонлар билан бўлган кечаги ва бугунги муносабати жиноят ва хиёнатга тўладир. Узок йиллар давом этган курашда бизнинг унга бўлган муносабатимиздан фарқли ўлароқ, у бизга ғазабини тўкиб, ўч олди. Лекин биз Farb билан бўлган узок вақт давомидаги курашимиз давомида ўша жаҳолат ботқоғига ботган Farbga илмни олиб бордик, уни ёввойиликдан ҳазорат нурига олиб чиқдик ва ахолисининг аксариятини динимизга олиб кирдик. Натижада, улар биродарларимизга айланиши... Лекин Farb бизга мустамлакачиликдан бошқа нарса олиб келмади... Аллоҳ Таоло бизга ушбу ташвиш ва ғамларни кетказиш ҳамда Farb ва бошқалар устидан яна ғалаба қилиш неъматини берса, биз бошқаларга фақат яхшилик улашамиз. Аллоҳ бизга душманни ҳидоятга бошлаш биз учун улардан ўч олишдан кўра яхшироқ эканлигини ўргатади. Улар бугун масхара қилаётган раҳмат пайғамбари Мұхаммад ﷺ айтадилар:

لَأَنْ يَهْدِي اللَّهُ بِكَ رَجُلًا وَاحِدًا خَيْرًا لَكَ مِنْ الدُّنْيَا وَمَضًا فِيهَا»

**«Аллоҳ сиз туфайли бир кишини ҳидоят қилиши сиз учун дунё ва ундаги барча нарсалардан яхшироқdir».** Ислом мабдаси ва ҳазоратининг кучи мана шундадир. Ваҳший капиталистик мабда бу куч олдида албатта қулайди... Лекин айни пайтда биз ҳақни излар эканмиз, ҳар қандай иш Аллоҳнинг буйруғи қаршисида ҳеч нарса эмас. Шунинг учун душманга йўлиққанда улардан қўрқмаймиз. Биз фақат Аллоҳдангина қўрқамиз ва унинг розилигини сўраймиз. Шунингдек, даъват билан қалбларга йўл топамиз ва жиҳод орқали қалбларга шифо берамиз.

Ушбу курашнинг эътиборли жиҳати шундаки, мусулмонлар ўзларига қарши содир этилган қанчадан-қанча жиноятларга қарамай, динларини янада маҳкам тутдилар ва Ислом қўрғонида яшаш учун қайтишга қаттиқроқ бел боғладилар. Уларнинг қалблари рошид Халифалик бошқарувига талпинмоқда. Чунки улар Рошид Халифаликни Пайғамбарлиқдан кейинги энг олий намуна деб биладилар ва уларни тақволи ҳаёт, имон, азизлик, имконият ва динни ёйиш каби ишлар билан таъминлайди деб ҳисоблайдилар.

Бу эса, Farb тузган режа ва мақсадларининг зиддиидир. Чунки Farb мусулмонларнинг таслим бўлишини ҳамда Аллоҳ билан бўлган алоқани узган, шаҳвоний ва ҳайвоний ҳаётга рози бўлишларини хоҳлади...

Сиёсий Исломга қарши туриш учун Farb минтақа ҳукмдорлари билан бирга Ислом асосидаги ҳар қандай сиёсий фаолиятни тақиқлашга ҳаракат қилмоқда. Бундан ҳам ачинарлиси, Ислом фақат руҳий ва ахлоқий дин, унда сиёсат мавжуд эмас, Халифалик шаръий ҳукм эмас, балки саҳобалар зарурат юзасидан қабул қилган тарихий босқичдир... демак, мусулмонлар Халифаликдан бошқа бошқарув низомини қабул қилишлари лозим, чунки у бугун учун яроқсизdir деган даъволар мавжуд. Бундан ҳам даҳшатлироғи, бугунги кунда ёмонлик уламолари мавжуд бўлиб, уларнинг фатволари ҳокимларнинг ҳаром ишларини ҳалол қилиш ва шариатдаги ҳалол ишларни ҳаромга чиқаришга тайёр. Яъни, уларнинг фатволари Аллоҳ томонидан бирорта ҳужжатга эга бўлмаган Америка, Франция ва Британия фатволаридир... Бу ўша уламоларнинг фитналари бўлиб, уларни гуноҳда ҳукмдорларга шерик қилиб қўяди.

Farbnинг ҳамда мусулмонлар юртларидаги ҳукмдорларнинг сиёсий Исломга ёки ўзлари айтиётган (исламизм)га қарши амалга ошираётган ишлари уларнинг Исломга қарши ҳужум қилишаётганини кўрсатади. У ишлар жараёни ундан илгарилаб кетаётганини кўраётгани ҳамда халқаро сиёсат саҳнасига Исломнинг тасодифан келиб қолишидан, шунингдек, унинг келишида ўзининг бузук ҳазорати учун хавф борлигидан қўрққани учун Исломга қарши туриш керак деб билмоқда. Аслини олганда, Farb ушбу ҳазорий курашда мағлуб бўлди, шу боис, у ўз ҳазоратининг қулашига йўл қўймаслик учун Исломга қарши курашмокда. Бу ерда эслатиб ўтиш жоиз бўлган нарса шуки, ҳазорий уруш қуроли фикрнинг кучлилиги ҳамда унинг ҳаёт ишларини хотиржамлик ва барқарорликка олиб борадиган даражада тўғри муолажа қилишга яроқлилигидир. Бугунги кунда дунё мухтож бўлиб турган нарса ҳам мана шудир.

Аммо вақти-вақти билан янгиланиб турган Пайғамбаримизнинг шаънини тўкиш масаласига келсак, ундан мақсад мусулмонлар томонидан бўладиган реакцияни билиш учундир. Яъни, улар заифлашиб, тинчландиларми ёки уларга яна босим бериш керакми, шуни билиш учундир. Мусулмонларнинг Пайғамбарларига нисбатан билдираётган реакциялари натижасида уларнинг душманлари бўлмиш Farb ҳукмдорлари ва унинг малайларидан иборат мусулмон ҳукмдорлар Умматнинг уйғониш томон кетаётганига ишонч ҳосил қилишди. Ушбу мавзунинг шу тарзда қўзғатилиши уларнинг

ҳазорати банкрот бўлганига далилдир. Айниқса бу ишга фан ва техника ҳамда фикрда илфор деб даъво қилинаётган шахсияларнинг бош-қош бўлиши мазкур фикрни янада қувватлайди. Агар уларда Ислом ва унинг элчисига қарши бирор муносабати бўлса, ўзларини пастга уриб, жарга отиш ўрнига уни баҳс ва мунозара қилиш учун ўртага ташласин. Разолатни «фикр эркинлиги»нинг услуби тарзида ушлаб олган анави илмонийларга айтамизки, агар чиндан ҳақиқатни билишни ҳамда мусулмонларнинг дини ва элчиси борасида баҳс қилишини истасангиз, бир овоздан мусулмонлар муфаккирларини баҳсга чорланглар. Чунки демократиянинг муваффақиятсизлиги, капитализмнинг зулми, илмонийликнинг қуруқ сафсаталиги ва уларнинг давлатларининг қора тарихи ҳақида айтган минглаб мусулмон муфаккирлар бор. Шундай экан, алоқа воситалари орқали тинч ва мақсадли мунозара, лексия ва анжуманлар ўтказинг. Ёки сизлар банкрот бўлиб, Аллоҳ ва мўминлар учун энг шарафли бўлган зотга ҳужум қилишдан бошқа нарсага кучингиз етмайдими...

Аммо босқинчи вужуд билан алоқаларни нормаллаштириш, уни яширин тарздан ошкора суратга кўчириш ва тезлаштириш масаласига келсак... Бу Аллоҳ Таолонинг:

﴿لَا تَحْسِبُهُ شَرًا لَّكُمْ بَلْ هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ﴾

**«Уни сизлар ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламанглар, балки у сизлар учун яхшилиkdir»** [Нур 11]

деган қавлига тўғри келади. Унинг яхшилиги шундаки, у мусулмон ҳукмдорларнинг барчаси Farbga малайлигини фош қилди ва фош қилмоқда. Уларнинг энг аввалгиси Оли Сауд бўлиб, малайликка муккасидан кетган ушбу шубҳали оиланинг ҳокимлари сўнгги пайтларда ўз аҳлига фисқ-фужурни олиб киришдан бошқа нарса ҳақида бош қотирмади. Ҳозир эса, (Исройл) билан муносабатларни нормаллаштириш тарафдорлари рўйхатига қўшилмоқчи... Муносабатларни нормаллаштириш масаласи ҳукмдорлар айтган нарсани тўтидек такрорлайдиган уламоларни ҳам фош қилди... Бундан ташқари, Умматнинг метиндек мустаҳкам эканини ва унинг дини ҳали тирик эканини кўрсатди. Чунки унинг ёшу қариси нормаллаштириш амалиётига қарши чиқмоқда. Уммат билан хоин, кўрқоқ ҳукмдорлар ўртасида жарлик янада кенгайди... Шунингдек, бу нарса Farb кучли позициядан эмас, балки заиф позициядан туриб иш юргизаётганини, одамлар ўртасида тинчликни рўёбга чиқара олмаганини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, Умматнинг анави ҳукмдорлар тузажётган келишувларни қабул қиласлиги ҳам ойдинлашди. Чунки бу келишув Уммат наздида мавжуд бўлмаган

(ноль) келишувлигича қолди... Бу ерда бир савол туғилиши табиийдир. У ҳам бўлса, ахвол шундай экан, мусулмонлар Фаластин масаласини қандай ечилишини хоҳлайдилар?

Мусулмонлар ечимга шаръий нусуслар орқали қарайдилар. Бу нусуслар муборак замин яҳудийлар билан жанг қилиш, уларни ўлдириш ва давлатларига барҳам бериш орқалигина қайтариб олинади дея баён қиласди. Мусулмонлар Фаластин анави малай ҳукмдорлар орқали эмас, балки Аллоҳнинг мўмин бандалари орқали олинади деб биладилар. Имом Бухорий Ибн Умар رضдан ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар айтади: Мен Росулулоҳ صни шундай деб айтиётгандарини эшитдим:

**«تُقَاتِلُكُمُ الْيَهُودُ فَتُسْلَطُونَ عَلَيْهِمْ، ثُمَّ يَقُولُ الْحَجَرُ: يَا مُسْلِمُ هَذَا يَهُودِيٌّ وَرَائِي، فَاقْتُلْهُ»**

**«Сизлар яҳудийларга қарши жанг қилиб, уларнинг устидан ғолиб бўласизлар. Сўнгра дараҳт ҳам, эй мусулмон, менинг ортимда яҳудий турибди, уни ўлдир дейди»...**

Мусулмонлар биладики, ҳукмдорларнинг (Исройил) билан муносабатларни нормаллаштириши ер юзига тарқалиб кетган яҳудийларга омонлик шуурини беради ва уларнинг Фаластинга йифилишига йўл очади. Аллоҳ Таоло бу ҳақида Ўз китобида шундай дейди:

**﴿وَقُلْنَا مِنْ بَعْدِهِ لِبَنِي إِسْرَائِيلَ أَسْكُنُوا الْأَرْضَ فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ جِئْنَا بِكُمْ لَفِيفًا﴾**

**«(Фиръавндан) сўнг, Бану Исройилга: Мана шу ерни маскан тутинглар, дедик. Бас, қачон кейинги (бузғунчиликнинг) вақти-соати келганида, сизларнинг барчангизни бир жойга жамлаймиз»** [Исро 104]

Яъни, улар жамланганларидан кейин, уларнинг бира тўла йўқ бўлиш даври келади. Бу ҳақда Аллоҳнинг китобида шундай дейилган:

**﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لِيُسْتَغْوَى وُجُوهُكُمْ وَلَيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوا أَوَّلَ مَرَّةً وَلَيُبَرُّو مَا عَلَوْا تَنْتَبِيرًا﴾**

**«Бас, қачон кейинги (бузғунчиликнинг) вақти-соати келганида, (улар яна) юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар киргандари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун ҳамда ўzlари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишлари учун (яна душманларингизни сизларнинг устингизга юборумиз)»** [Исро 7]

Воқелик шундан иборатки, яҳудийлар Аллоҳ билан бўлган алоқасини узишган ҳамда Исломга душман ва унга турли макр ҳийлаларни қиласидиган йирик капиталистик давлатлар билан алоқа

ўрнатишган. Уларнинг барчаси биргаликда биз юқорида айтиб ўтган нормаллаштириш амалиётини амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда... Айни пайтда мусулмонлар англамоқдаларки, шаръий нусуслар бизнинг замонамиз ваъда қилинган рошид Халифалик замони эканини баён қилмоқда. Халифаликки нафақат яхудийларга барҳам беради, балки у яхудийлар билан уларга иғбо борасида ёрдам бераётган Farb давлатлари ўртасидаги алоқани узади. Бу ҳақда Росулуллоҳ  шундай дейдилар:

﴿مَنْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ﴾

**«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади».** Ҳа, рошид Халифалик ва уни тиклаш даври келди, дарҳақиқат у йўлнинг катта қисмини босиб ўтди. Халифалик Аллоҳдан унга нусрат берадиган қувват аҳлини кутмоқда. Farb эса, буни ҳис қилиб, ундан огоҳлантируммоқда. Лекин у барча жиноятларига қарамай, уни тўса олмайди, шунинг учун кескинлик билан иш юритмоқда. Ер юзида тўғри даъват олиб борувчи етакчи ҳизбнинг мавжуд бўлиши Аллоҳнинг неъмати ва фазлидир. Дарҳақиқат, Ҳизб ушбу фарзни бажарап экан, катта масофани ва унинг босқичларини босиб ўтди ҳамда нусрат эшиги олдида турибди. Ҳа, бу Ҳизб ут-Тахрирдир. Ҳизб Уммат билан биргаликда Умматнинг тарихини ва умуман инсоният тарихини янгидан ёзиша ўз ролини бажармоқда.

Агар ояtlар, ҳадислар ва воқеликни бир-бирига боғласак, бу босқичда ҳукмдорлар яхудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришади. Сўнгра бутун оlamга тарқалиб кетган яхудийлар муборак заминга йиғилишади, кейин башоратга биноан ваъда қилинган рошид Халифалик бўлади, сўнгра ваъдага кўра уларнинг бира тўла йўқ бўлиши даври келади... Чунки Уммат (Исройл) давлатига барҳам берилишидан бошқасини қабул қилмайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَاللَّهُ عَالِيٌّ عَلَىٰ أَمْرِهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ الظَّالَمِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

**«Аллоҳ ўз ишида ғолибдир, лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар»** [Юсуф 21] □

## КАПИТАЛИСТИК ҲАЗОРАТ ҲАМДА УНИНГ ДАРВИНИЗМ АСОСИДАГИ КҮЗ-ҚАРАШИНИНГ ЯРОҚСИЗЛИГИ

Сорисий Мақдисий – Байтул Мақдис

**Британия бош вазири Борис Жонсон 2020 йил 3 марта** коронавирус пандемияси (*Kovid-19*) масаласида фуқароларини ҳайрон қолдириб шундай деди: «Мен сизларга ва бутун Британия халқига очиқ айтаман, жуда күп оиласлар пандемия тугашидан олдин ўз яқинларини йўқотадилар». «Британия ҳукуматининг катта маслаҳатчиси Патрик Валланс «жамоий иммунитет»га етгунга қадар коронавирус Бирлашган Қироллик аҳолисининг тахминан 40 миллионга, яъни аҳолининг 60 %ига юқиши мумкинлигини айтди». (Ал-Жазира Нет, 2020 йил 15 март). Америкада чиқадиган «*Foreign Policy*» (ташқи сиёsat) журнали ҳисоботида билдирилишича, Жонсон ҳукумати «вируснинг ёйилишига йўл бериш орқали иммунитетни яратиш» стратегияси муваффақиятсизликка учраганини тан олган. Халқаро Соғлиқни Сақлаш бош директори Тедрос Гебреисус бундай деди: «Мамлакатлар вирусни тўхтатиб қолишдан унинг оқибатларини юмшатишга ўтиши керак деган ғоя нотўғри ва хавфлидир». (Қабас, 2020 йил 14 март). Капиталистик ҳазорат фалсафаси доирасида Британия олиб борган «жамоий иммунитет» сиёsatининг пинҳоний томони нимадан иборат? Нима учун Британия бу сиёsatда муваффақиятсизликка учраб, ортга чекинди? Биз капиталистик ҳазоратнинг асосий тушунчаларини кўриб чиқиш орқали бу саволга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Ушбу мақолада капитализмнинг илдиз ва пойдевори яроқсиз эканлиги, чунки у дарвинизмнинг – табиий ҳуқуқ назарияси ва эволюция хомхәёлидан келиб чиқсан – ҳаёт ҳақидаги кўз-қарашига асосланганлиги ёритиб ўтилган. Ушбу дарвинизм кўз-қараши бир қатор Farb муфаккирлари, хусусан, капиталистик иқтисод қоидалари автори инглиз муфаккири Адам Смитнинг фикрларида кузатилган.

---

*Шуни таъкидлаб ўтамизки, Ал-Ваъй журнали ҳижрий 1440 йил зулқаъда ва зулҳижжа ойларида, милодий 2019 йил июль ва август ойларида чиқарган иккита (394-395) сонида «Капиталистик ҳазорат яроқсизdir ва у қулаш арафасида» сарлавҳали мақола нашр қилиб, унда капиталистик ҳазоратнинг яроқсизлигини ва унинг яроқсизлиги капиталистларнинг ўзларига ҳам аён бўлиб қолганини тушунтириб ўтган. Мақолада келишича, капитализмни*

Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг яроқсизлиги бошқа ҳазоратга, яъни социалистик ҳазоратга алмаштириш уринишлари бўлган. Бирок, социализм муваффақиятсизликка учраб, қулаган. Аммо, ўша сонларда биз унинг яроқсизлиги тафсилотига киришмаган ҳамда унинг яроқсизлиги капиталистик ҳазоратнинг асосий фикрида ва ундан келиб чиқсан низомларда намоён бўлишини баён қилмаган эдик. Чунки унда капитализмнинг яроқсизлиги капиталистларнинг ўзларига ҳам, социалистик мабда назариётчилари орасида ҳам аён бўлиб қолганини айтиб ўтиш билан кифоялангандик.

Шунингдек, унинг илдизларини илоҳий ҳуқуқ назариясига альтернатива сифатида тақдим этилган табиий ҳуқуқ, ижтимоий шартнома ва давлатнинг пайдо бўлиши назарияси эгаларида ҳам кузатиш мумкин. Буларга Томас Гоббс, Жон Локк, Жан-Жак Руссо, Роберт Мальтуслар мисол бўлади. Капитализмнинг дарвинизмга асосланган ҳаёт ҳақидаги кўз-қараши Чарлз Дарвина сайдаллаши. Кейинроқ айни шу кўз-қарашдан ижтимоий дарвинизм келиб чиқди.

Ушбу мақолада капиталистик ҳазоратнинг «дарвинизм, табиий ҳуқуқ ва илмонийлик» тушунчалари натижаларига асосланганлиги жиҳатидан яроқсиз экани, шунингдек, ушбу фикрий қоидадан балқиб чиқсан низомларни татбиқ қилиши жиҳатидан яроқсизлиги баён қилинган. Ҳаёт ҳақидаги дарвинизм назариясининг яроқсизлиги у асосланган асос-пойдеворнинг яроқсизлигига, шунингдек, капиталистик ҳазоратдан келиб чиқсан натижаларнинг яроқсизлигига бориб тақалади. Зоро, бу ҳазорат одамлар турмушини бузиши, сўнг руҳий изтиробни келтириб чиқариши ҳамда инсонни баҳтли қилиш ўрнига баҳтсизликка учратиши жиҳатидан ҳамон бутун инсоният учун хавфли бўлиб қолмоқда.

Дарвинизмга асосланган капитализмнинг ҳаётга бўлган кўз-қараши сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий бузилишларни, уруш ва можароларни, шунингдек, ирқчилик, миллатчилик ва бошқа ёвузликларни келтириб чиқарди. Ҳатто баъзи Фарб капиталистларининг ўзлари бу кўз-қараашнинг – айниқса, нацизм ва фашизм каби Европа ирқчилиги ғояларини авж олдирган ижтимоий дарвинизмнинг – разил ва жиноий кўз-қарааш эканига ишора қилишган.

Ушбу мақолада ҳаётга бўлган бузук дарвинизм кўз-қараши капитализмнинг барча ғоя ва низомларида айланиб юрадиган руҳ эканлигини баён қилишга ҳаракат қиласиз. Бу билан айрим давлатлар томонидан бир хил шароитни бошдан кечираётган тиббиёт соҳасида нима учун «жамоий иммунитет» сиёсати қабул қилинганини англаб етиш мумкин. Кейин, намуна сифатида қабул қилинган ушбу сиёсатнинг нега муваффақиятсизликка учраганини,

Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг яроқсизлиги шунингдек, нима учун Британия ва Америка ушбу сиёсатдан ортга чекинганини ҳам англаб етишимиз мумкин. Якуний хулоса шуки, модомики ушбу ёвуз капиталистик рух таг-томири билан йўқ қилинmas экан, башарият бузилишдан асло қутула олмайди. Айниқса, дарвинизм фақат ижтимоий дарвинизмгагина чекланиб қолмади, балки ундан ўтиб, ҳаётнинг умумий назариясига ҳамда капиталистик ҳазоратнинг бутун танасида айланниб юрадиган рухга айланди.

### **Ижтимоий дарвинизм капитализмнинг энг хунук ва бузук юзидир:**

Ижтимоий дарвинизм инглиз биологи Чарлз Дарвин тирик мавжудотларнинг эволюцияси ҳамда уларнинг тўқнашувда мослашиш ва тирик қолиш қобилияти хурофотини талқин қилишда илгари сурган табиий танланиш қонунига асосланиб пайдо бўлган. Герберт Спенсер ва Уолтер Бэджет каби ижтимоий дарвинистлар Дарвин назариясига ҳамда табиий танланиш қонунига асосланиб «инсоният ирқлари орасидаги танланган элита бошқа қолоқ ирқлардан устун бўлади», деган ғояни илгари сурадилар.

Спенсер «инсониятнинг баъзи синфлари бошқа қолоқлашган синфларга солиширганда мослашишга ҳамда иктиносидий ва илмий жиҳатдан ривожланишга қодир бўлади», деб ҳисоблаб устози Дарвин ва устозининг узтози Мальтуснинг йўлини давом эттириди. Унинг назаридаги, қолоқ синфларнинг ривожланган синфлар тарафидан эксплуатация қилиниши ёки қул қилиниши оддий ҳолдир, қолаверса, бўйин товлаб бўлмайдиган табиат қонунидир.

Ижтимоий дарвинизм атамаси илк бор 1879 йили Оскар Шмидтнинг мақоласида пайдо бўлди ва кейинчалик инглиз тилида сўзлашувчи дунёга аста-секин кириб бориб кўллана бошлади. Америкалик тарихчи Ричард Хофтадтер 1944 йили иккинчи жаҳон уруши даврида «Америка тафаккуридаги ижтимоий дарвинизм» китобини нашр қилди. Дарвиндан олдинги «маърифатпарварлик» асридаёқ Европада ижтимоий ва ҳазорий юксалишга доир назариялар кенг тарқалган эди. Бироқ шундай бўлса-да, ижтимоий дарвинизм Дарвиннинг биология соҳасидаги эволюция, зиддият ва энг кучлиларнинг тирик қолиши каби фикрларини қабул қилиш ҳамда ижтимоий тадқиқотлар ва сиёсий соҳаларда кўллаш билан ажралиб туради.<sup>1</sup>

Ижтимоий дарвинизмнинг ҳаётга бўлган кўз-қарашининг бузуқлиги ва унинг разиллиги ҳатто капиталистларнинг ўzlariiga ҳам очиқ равшандир. Чунки уларнинг ўzlari ҳам уни одамларни

(<sup>1</sup>) Қўшимча маълумот олиш учун Абдуллоҳ Солуманинг «эволюцион назария ва ижтимоий дарвинизм»га доир «эволюция қонуни» номли тадқиқотига мурожаат қилинг.

ирқ, ранг ва ташки кўринишга қараб ажратадиган, уруш ва низоларни авж олдирадиган ҳамда одамларни эксплуатация қилишга, мустамлака қилишга ва оммавий қирғин қилинишига олиб борадиган файриинсоний ирқчилик кўз-қараши деб биладилар. Барча ёвузликлар унда мужассам бўлгани учун улар ундан кутулишга ҳаракат қиласидилар ва унга қарши аёвсиз уруш қилишга чақирадилар.

### **Дарвин назарияси сабабли келиб чиқсан тарихий воқеаларнинг жиддийлиги:**

Ўн тўққизинч ва йигирманчи асрда сиёсий дарвинизм келтириб чиқарган хавфли натижалар иккинчи жаҳон уруши билан якунига етди. Капиталистлар бир-бири билан курашган бу урушда ғолиб томон Германия нацизми, Италия фашизми ҳамда Европанинг ҳар тарафида ёйилган ўнгчи ирқчилик каби ижтимоий дарвинизм назарияси ғояларини кўтариб чиқсан давлатларни мағлуб этди. Шундай қилиб, Farb ижтимоий ва сиёсий дарвинизм мактаби ғояларининг хавфлилигини ҳис қилиб, унга қарши курашишга ва уни йўқ қилишга киришди.

Капиталистик Farb ўзи учун дарвинизм ғоясининг хавфли эканлигини билганидан кейин ундан воз кечиш ва унга қарши курашиш даъвоси билан чиқди. Бироқ, ушбу бузукликни илдизидан бошлаб кўриб чиқмади. Яъни, ижтимоий дарвинизмнинг илдизи ва пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш орқали ундан қутулишга ҳаракат қиласиди. Аксинча, ўзига катта зарар келтирган ушбу ғоянинг натижаларини тузатиш билан кифояланди ва дарвинизмни келтириб чиқарган илдизни қандай бўлса шундайлигича қолдирди. Бу шундан далолат берадики, капиталистик ҳазорат ва унинг фикрлаш тарзида, хусусан, сабабийя ва телеологиядан узилиб қолган бузук фикрлаш тарзида ҳанузгача ўзига хос нуқсон бор.

Капиталистик ҳазоратдан келиб чиқсан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий фикр ва низомларни кўриб чиқадиган бўлсак, бу соҳаларни ҳанузгача дарвинизм назарияси ҳаракатга келтираётганини биламиз. Farb ҳанузгача капиталистик иқтисод низомини қўлламоқда. Ҳақиқий текширувдан сўнг биламизки, капитализмнинг иқтисод назарияси Дарвиннинг ҳаёт ҳақидаги айни шу назариясига асосланади ва унинг натижаларидаги хавф сиёсий дарвинизм натижаларидаги хавфдан кам эмас.

Тарих давомида Farbnинг ўзига ва бутун дунёга қарши содир этилган ёмонлик, жиноят, адолатсизлик ва бузуғчиликлар Дарвиннинг ҳаётга бўлган кўз-қарашидан келиб чиқсан хатарлар денгизининг бир томчиси, холос. Бироқ, ушбу капиталистик ҳазорат эгалари ўз ҳазоратлари асосланган пойdevорнинг бузуғлигини тан олишни исташмайди. Чунки улар ушбу ҳазоратни

Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг яроқсизлиги татбиқ этишда ҳамда куч ишлатиш, мустамлака қилиш, ёлғон маълумотлар тарқатиш, ўзларига қарам бўлган малай сиёsatчи ва муфаккирлар армиясини ишга солиш орқали уни бутун дунёга жорий қилишда катта масофани босиб ўтишди. Шунинг учун улар бузғунчи капиталист тўданинг ҳукмронлиги ва бу тўданинг ушбу шароитдан фойдаланиб вазиятни ўзгартиришни истамаётгани сабабли ўз бузғунчиликларидан чекинишни хоҳлашмайди. Кўз-қараш ва ҳаёт низомининг сақланиб қолиб, давом этишига таъсир этаётган давомий иннерция (фаолиятсизлик) кучли бўлгани туфайли капиталистлар ичкаридан ўзгартиришни бошлашга хоҳиш билдиришмайди.

Шундай қилиб, Farb иккита жаҳон урушида ижтимоий дарвинизмдан азоб чекканидан кейин бу ғояни рад этган бўлса-да, бироқ унинг сақланиб қолган таъсири ундан қутулишни қийин ишга айлантириб қўйди. Бу таъсир либерализм ва кучли компаниялар ёрдами билан куч тўплаган капитализм, шунингдек, ўзларини бошқалардан устун деб билган одамлар гурӯхига мансублик ғоясига асосланган миллий ўзлик кўринишида намоён бўлади. Уларнинг ҳазорати таг-томири билан йўқ қилиниб, ер юзи унинг бузғунчилигидан тозаланиши учун уларга бошқа альтернатива ҳазорат керак. Ўша альтернатива пайдо бўлгунига қадар ушбу капиталистик ҳазоратнинг эски тўнини ямаш, кейин, эволюция номи остида у дуч келган шароитларга мослашиш уринишлари давом этаверади. Капитализм янада таназзулга учраши, янада парчаланиши ва чириб йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин.

### **Сиёсий дарвинизм ва ирқий миллатчилик:**

Ижтимоий дарвинизм ғоясидан сиёсий дарвинизм ғояси келиб чиқиб, Европада миллий давлат тушунчаси ва ирқчилик фикрлари пайдо бўлишига олиб келди. Чунки миллатчилик тўйғуси бирор бир ирқий ёки диний синфни бошқа жамоалар ва бошқа динлардан устун деб биладиган ҳамда ирқчилик уруфини ўзида кўтариб юрадиган ғояга асосланади. Миллатчилик ғоясининг кўтарилиши ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрда Европа давлатлари ўртасида бир нечта урушлар юз беришига олиб келди. Миллатчи партиялар ҳатто шу бугунги кунгача ҳам кучайиб келмоқда.

Нацизм ёки сионизм каби миллатчи ҳаракатларнинг келиб чиқиши теран ва тубдан таңқидий таҳлил қилиб кўрилса, уларнинг тафаккурида ёки амалга ошираётган ишларида ижтимоий дарвинизм очик кўринади. Масалан, нацизм раҳбари Гитлер ногиронлар, касаллар ва заифларни, шунингдек, европалик бўлмаган ирқларни (унинг наздида) ривожланиб, атроф-муҳитга мослаша олмаганликлари учун ёқиб юборди. Улар юксак немис жамиятини ифлослантирувчи моддалар деб ҳисобландилар.

Сионизм ҳаракати фикрида ҳам айни шу нарсага гувоҳ бўламиз. Чунки сионизм «яҳудийлар Аллоҳнинг танланган халқи бўлиб, улар бошқа халқлар ҳақли бўлмаган нарсаларга ҳақлидир, чунки Аллоҳ бошқа халқларни яҳудийларга хизмат қилувчи эшак ўрнида яратган», деган ғояга асосланади.

Фарб дарвинизм назарияси келтириб чиқарган миллатчилик ғоясини ҳанузгача қабул қилиб келмоқда ҳамда миллатчилик ва миллатчиликка асосланган давлатлар инқирозга учраганига қарамай, ҳамон унга чақирмоқда. Фарб миллатчилик масаласини ҳал қилишда муваффақиятсизликка учради ва европаликлар турили миллатлар ўртасида чегара жорий қилиш учун қонли урушларга кирди. Миллатчилик ҳамда ватанпарварлик Европани кичик давлатчаларга ва бўлинган ватанларга бўлиб ташлади. Миллатчилик ва ватанпарварлик робиталари ирқчиликнинг ҳамда бъязи ирқларнинг бошқа ирқлардан ўзини устун деб билиш туйғусининг намоён бўлишидир.

Коронавирус пандемияси тарқалган пайтда Европа давлатларида ва Америкада шундай ҳолат кузатилди, ҳар бир давлат эпидемияга ҳамкорликда қарши курашмасдан ниқобларни ва респираторлар каби тиббий жиҳозларни қўлга киритиш учун бошқа давлатлар билан курашди. Бу ҳолат худбинликдан ҳамда ҳар бир мамлакатнинг хос манфаати ортидан интилишидан келиб чиқди. Бу – дарвинизмнинг «тирик қолиш учун курашиш» ғояси мустаҳкам ўрнашиб қолиши натижасидир.

### **Европа марказийлиги ва устунлиги ҳамда унинг мустамлакачиликка муносабати:**

Европаликлар, хусусан уларнинг орасидаги муфаккир ва сиёсатчилар ўзларини бошқа халқлардан устун деб билганлари учун, фарблик капиталистлар ўзларига тараққиётга эришган ва ривожланган одамлар сифатида қарай бошлишди. Масалан, немис муфаккири Макс Вебер ўзининг «Протестантлик этикаси ва капитализм руҳи» номли машҳур китобида «масиҳий протестант бўлмаган жамиятларда капитализм бўлиши мумкин эмас», деб ҳисоблади.

Бундан дунёни цивилизациялашган Фарб дунёсига ва бошқа қолоқ халқларга бўлиш тушунчаси пайдо бўлди. Бу тушунча улар учун Европадан ташқари дунё халқларини мустамлака қилиш хуқуқини оқлаб берди. Бунда уларнинг ўзларини бошқариш имкониятига эга бўлишлари учун ривожланиши керак бўлган халқларга мансублигини ҳамда уларни тараққиётга эриштириш учун Фарб ҳазоратини уларга бериш кераклигини баҳона қилишди. Бундан ташқари улар келажакда цивилизациялашган ирқлар бутун дунёдаги аксар ёввойи ирқларни йўқ қиласади, деб билишади.

## **Дарвинизмнинг капиталистик тафаккурдаги чуқур илдизлари:**

Капитализмнинг фикр ва асосларини белгилаган етук муфаккирларнинг асарларини кўриб чиқсан биламизки, улар ҳаёт ҳақидаги кўз-қараашларини бир хил асос ва илдиздан келиб чиқиб шакллантиришган. Ҳаёт ҳақидаги бундай кўз-қарааш инглиз биологи Чарлз Дарвина камолига етган. Шу боис, дарвинизмнинг ҳаётга бўлган кўз-қараши ҳақиқатини тушуниш учун Дарвин назариясига бироз ойдинлик киритишни маъқул кўрдик.

Дарвин ўз назариясида тирик организмларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг хилма-хиллигини ўз-ўзидан тасодифан пайдо бўлувчи эволюция қонунига боғлаб тушунтиришга ҳаракат қиласди. Унга кўра, энг афзал индивидлар ўз сифатларини яшаш учун кураш ва энг кучлиларнинг тирик қолиши дея номланган табиий механизм орқали келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириши учун эволюция қонуни уларни (индивидларни) танлаб олади. Демак, Дарвин назарияси тирик организмлар ўртасидаги зиддият фоясидан келиб чиқади. Унинг фикрича, бу зиддият битта турдаги организмлар ўртасида бўлишининг ёки хилма-хил организмлар ўртасида юз беришининг фарқи йўқ.

Дарвин назариясида даъво қилинишича, синфий курашнинг сабаби ёки сири тирик организмлар сонининг кўпайиб бориши ва табиат таъминлаб берадиган озуқа миқдорининг чекланганлигидадир. Бу назарияга кўра, озуқанинг кўпайиши рақамли кетма-кетлик қонунига мувофиқ жорий бўлган бир пайтда, тирик организмлар геометрик кетма-кетлик қонунига мувофиқ кўпаяди. Яъни индивидлар сонининг кўпайиши мавжуд озуқа миқдорининг кўпайишидан тезроқ бўлади. Демак, муаммо табиий ресурсларнинг чекланганлиги ҳамда кўплаб тирик организмларнинг ушбу ресурслар устидаги курашидир ва бу кураш оғир шароитларда тирик қолиш учун курашишдир. Бу курашда энг кучлилар ғолиб бўлади, бинобарин, энг кучлилар тирик қолади. Энг кучлилар бойликни эгаллаб олиш қувватига эга бўлганлар ва уни ҳимоя қила олганлардир. Улар ўз сифатларини келгуси авлодга мерос қилиб қолдириш учун табиат томонидан танлаб олинади. Бу қонун ташки кучнинг (яратувчининг) аралашувисиз тирик организмларнинг ривожланишига олиб келади. Қолаверса, содир бўлган ҳар бир нарсанинг сабаби ички табиий қонунлардир.

Европада кейин пайдо бўлган фикр ва назариялар Дарвин назариясига таянади. Дарвин назарияси унга асосланган ижтимоий дарвинизм ва мустамлакачилик каби назария ва фикрлар учун, шунингдек, нацизм, фашизм ва экстремистик миллатчилик каби ирқчилик назариялари учун ишончли илмий қонун ҳисобланади...

Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг яроқсизлиги

Шунингдек, у Дарвин назариясидан олдинги Мальтуснинг аҳоли сони назарияси ҳамда Адам Смитнинг сиёсий иқтисод назарияси каби фикрлар учун ҳам қонуний илмий йўналиш бўлиб қолди.

Ушбу мақолада биз капиталистик илменийлик мактаби таянган асосларни, шунингдек, унга эргашган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий назарияларни ҳамда ундан келиб чиққан барча низомларни дарвинизмнинг ҳаётга бўлган кўз-қараши деб номлаймиз. Бу билан буни Дарвин пайдо қилган ва унга асос солган демоқчи эмасмиз. Балки, у капиталистик мабда илк пайдо бўлган аср, яъни, милодий ўн олтинчи асрдаёқ айни мабдада илдиз отган кўз-қарашидир. Дарвин бу кўз-қараши аввалгилардан олган, лекин уни ўз қарашлари билан тўлиқлаштириб, табиатшунослик номи остида ёйган ва унга чақирган. Шундай қилиб, дарвинизм кўз-қараши капитализмнинг ҳаётга бўлган кўз-қарашига айланган.

Фарбликлар Дарвин назариясини қабул қилиб, уларнинг қалби унинг руҳи билан тўйинтирилганидан кейин, ижтимоий дарвинизм ижтимоий илмларда оддий ва мақбул иш бўлиб қолди. Чунки у илмий назария (Дарвин назарияси) ва табиат қонунлари асосида қонунийлашди. Дарвинизм назариясидан нацизм ва фашизм каби кўплаб ирқчилик фикрлари келиб чиқди. Социалистик ва экзистенциал фалсафалар, Ницше фалсафаси, шунингдек, Фрейднинг психологик назариялари ва бъязи адабий йўналишлар дарвинизм назариясидан таъсирланди. Бу назария капиталистик иқтисодга ҳам хизмат қилиб, уни табиатшунослик фани ва унинг қонунлари орқали қўллаб-қувватлади. Айнан шу фанни капиталистлар ҳақиқатга олиб борувчи манба сифатида кўкларга кўтарадилар.

### **Дарвин ва капитализм муфаккирлари:**

Доно лойиҳалаштирувчи (яратувчи) раҳбарлигисиз ҳаётнинг ривожланишини тушунтириб берган эволюция назарияси эркин бозор иқтисодиётининг ривожланишига ўхшайди. Чунки эркин бозор иқтисодида ҳар бир шахс ёки компания марказий режалаштирувчига (давлат аралашувига) эҳтиёж сезмасдан фаровонликин рўёбга чиқариш учун куч сарфлайди.

Дарҳақиқат, Дарвинга сиёсий иқтисодчиларнинг таъсир қилгани очиқ кўзга ташланади. Чунки Чарлз Дарвин кўп йиллар давомида Дэвид Юм, Адам Смит, Роберт Фергюсон ва Хатчинсонларнинг ғоялари ўртасида фикран кезиб юрган. У 1829 йили Кембриждалик пайтида ёзган мактубида шундай ёзади: «Менинг тадқиқотларим Адам Смит ва Жон Локк атрофида шаклланди».

Чарлз Дарвин ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: «Мен 1838 йили мунтазам тадқиқотларимни бошлаганимдан сўнг, Мальтуснинг «аҳолининг ўсиши» ҳақидаги китобини ўқиб, ҳайвонлар ва

Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг яроқсизлиги ўсимликлар одатларини узоқ вақт кузатиб боришим орқали тирик қолиш учун курашишнинг қийматини қадрлашга тайёр бўлдим. Мана шундай шароитда муносиб ўзгаришларнинг турларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлиши ва номуносиб ўзгаришларнинг йўқ бўлиб кетишга олиб келиши ҳамда бундай жараён натижасида янги авлодларнинг пайдо бўлиши мени ҳайратга солди. Шу ерда мен «энг кучиларнинг тирик қолиши» назарияси асосларини ушладим».

Ушбу мавзу ҳақида Мэтт Ридли шундай дейди: «Фикрлар жисмлар сингари ўзгаришларга қараб мутаносиб равища ривожланади. Дарвин ҳеч бўлмаганда шу фикрни иқтисодчилардан олган. Улар буни Локкдан бошлаб, Ньютон, Юм, Вольтер, Хатчинсон, Адам Смит, Мальтус, Рикардо, Дарвин ва Уоллесгача бўлган экспериментал файласуфлардан олишган. Дарвиндан олдин лойиҳалаштирилмаган низомнинг энг юксак намунаси Адам Смитнинг иқтисоди бўлган. У иқтисоднинг ривожланиши подшоҳ ёки парламентнинг аралашувисиз, шахсларнинг хатти-ҳаракатлари орқали ўз-ўзидан автоматик турда бўлишини айтган... Бошқача қилиб айтганда, Дарвин Аллоҳнинг (яратувчининг) бошқарувини тирик жонзорлардан қандай олиб ташлаган бўлса, Смит ҳукуматнинг иқтисоддаги назоратини шундай олиб ташлаган».

### **Дарвинизм кўз-қарашининг илдизлари:**

Дарвинизмнинг ҳаётга бўлган кўз-қараши капитализм кўз-қарашининг айни ўзиdir ва у капитализм фикрининг асосини ташкил этувчи кўз-қарашdir. Бу фикрнинг илдизлари Дарвиндан олдин капитализм файласуфларида пайдо бўлган. Чунки ҳаёт ҳақидаги бундай кўз-қарашга Дарвиннинг ўзи асос солмаган, балки, яшаш учун кураш, табиий ҳуқук, нисбий танқислик ва табиий ривожланиш каби капитализм назарияси асосларидан фойдаланиб, уларни «тирик организмларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши» тўғрисидаги фикр устида амалда қўллади, кейин ундан ўз назариясини хулоса қилиб чиқарди.

Дарвиннинг ҳаёт ҳақидаги кўз-қарашини синчковлик билан ўрганиб чиқсан биламизки, бу кўз-қараш Дарвин назарияси 1860 йили ёзилишидан олдин капитализм фикрлари асосчиларининг фикрларида чуқур илдиз отган. Дарвиндан олдин бу кўз-қарашининг уруғи Томас Мальтус исмли руҳонийда, улардан ҳам олдин 1776 йили Адам Смитда пайдо бўлган. Адам Смит ўзининг «халқлар бойлиги» номли китобида анъанавий капиталистик иқтисод қоидаларини асослаб берган асосчи ҳисобланади. Улардан ҳам олдин бу кўз-қараш Жан Жак Руссонинг (1770 йил) «ижтимоий шартнома» назариясида кузатилган. Бу кўз-қараш 1780 йили Жон

Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг яроқсизлиги

Локк томонидан ифодалаб берилган. Унинг асосий илдизларини 1651 йили Британияда Томас Гоббс ўйлаб топган.

Дарвин, Франциядаги тирик организмлар эволюцияси мактабидан таъсирланган. Маълумки, ушбу мактабга француз Жорж Де Буффон 1780 йили асос солган. Де Буффондан таъсирланган табиатшунос олимлардан бири Жан Ламаркдир. Эволюция назарияси унинг номи билан (Ламаркизм) деб аталган. Ламаркнинг 1820 йили нашр этилган «Умуртқасиз ҳайвонларнинг табиий тарихи» номли китоби бор.

### **Синфий кураш ва эволюция назарияси: Маркс ўзи яшаган муҳит таъсирида етишган Европа муфаккиридир:**

Синфий кураш ва табиий ривожланиш назарияси ўн тўққизинчи асрда Дарвин яшаган даврда буюк социалист муфаккир Карл Маркс ва унинг устози Гегельда яна қайта пайдо бўлди. Дарвин ўзининг дарвинизм назариясини (1860 йили) биология соҳасида қўллаганидек, Маркс ҳам ўша пайтда инсонлар устидан ҳукмонлик қилган айни шу кўз-қураш ва айни шу фикрлардан фойдаланган. Маркс шунга асосланиб, тарих ҳаракати, синфий кураш ва жамиятларнинг ривожланиши ҳақида ўз назариясини ишлаб чиқди ва у 1848 йили тарихий материализм дея номланди.

Шу боис, Европадаги капиталистик фикрий ҳаракатнинг ривожланиш йўналишига эътибор қаратадиган бўлсак шу нарса аён бўладики, Маркснинг тарихий материализми тарихий жиҳатдан ўша йўналишнинг бир қисми ҳисобланади. Ундан ажраган нарса эмас. Зоро, Маркс ўзининг фикрий таклифларини европача услубда келтиради ва фикрлари ҳам унинг бир бўлаги. Бу нарса ушбу ғоялар байрофини кўтариб, унга чақирадиган ва уни тарихий ҳаракатни талқин қила оладиган илм деб биладиганларга бир огоҳлантирувдир. Чунки коммунистик ғояларнинг ҳақиқати ва илдизлари бузук дарвинизмга асосланган Европадаги капиталистик фикрий ривожланишнинг бир натижаси, холос.

### **Эволюция назариясининг қулаши:**

Капиталистлар, шу жумладан социалистларнинг ҳаёт ҳақидаги дарвинизм кўз-қарашини ҳамда унинг илмий асосини, яъни Дарвин назариясини ҳимоя қилишга жон жаҳди билан ҳаракат қилиши ажабланарли эмас. Ривожлантириш ва модернизация қилиш номи остида Дарвин назариясига тузатиш киритиш ҳамда биология соҳасидаги сўнгги ўзгартиришларга уни мослаштириш уринишларида – айниқса, биологияяда ирсият сири кашф этилиб, анъянавий Дарвин назариясининг яроқсизлиги ва илмий жиҳатдан қулагани кўринганидан кейин – умидсизлик сезилмоқда. Чунки, тирик организмдаги мавжуд сифатларнинг Дарвин илгари сурган яшаш учун курашиш, энг кучлиларнинг тирик қолиши ва табиий

Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг яроқсизлиги танланишга доир даъволарга асло бўйсунмаслиги олимларга маълум бўлди. Маълум бўлишича, хромасомалардан иборат тирик организмларнинг генетик хусусиятларини бошқарадиган, организмлар моҳиятига хос бўлган ички қонунлар мавжуд. Танадаги аъзоларнинг ҳамда тирик организмдаги барча хусусиятларнинг шаклланиши шу қонунларга мувофиқ бўлади. Бу хусусиятларнинг Дарвин даъво қилган ташки шароитларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Шундай қилиб, Farb ва Шарқ олимларига ушбу назариянинг яроқсизлигини илм-фаннынг ўзи кўрсатиб берди. Ушбу назария таянган асосларнинг яроқсизлиги илмий жиҳатдан исботланган бўлгани учун, унга асосланган барча назария ва фикрлар ҳам илмий нуқтаи назардан олиб қараганда яроқсиз бўлади. Айниқса, капиталистларнинг ҳисоблашича, ягона мурожаат қилинадиган манба табиат қонунлари бўлиб, ушбу қонунларга зид бўлган нарса яроқсизdir. Шундай экан, улар дарвинизмга асосланган барча ижтимоий фанларни, шунингдек, капиталистик иқтисодни йўқ қилишлари керак. Улар буни қилишадими? Йўқ, асло бундай қилишмайди! Аксинча, ўз ҳазоратлари, фикрлари, назария ва низомларига, уларнинг яроқсизлиги фош бўлиб қолганидан кейин ҳам маҳкамроқ ёпишишади. Уларнинг қиладиган асосий иши ривожлантириш ва модернизация қилиш номи остида буларга тузатиш киритишдир. □

## ИСЛОМ УММАТИНИНГ ҲАЗОРИЙ ЎЗЛИГИ ТАРАҚҚИЁТ,

УЙГОНИШ ВА ЭНГ ЯХШИ УММАТЛИК МАҚОМИГА

ЭРИШИШНИНГ КАФОЛАТИДИР

Соир Салома, Абу Молик

**Қўшма Штатларнинг стратегик режалаштириш бўйича энг таниқли тадқиқотчиларидан бири, замонавий шарқшунос Бернард Льюис айтади: «Фарб оламида бизнинг ўрганиб қолган одатимиз шуки, шарқликлар қанчалик бизга қараб юзланса, биз ўзимизни фазилат ва тараққиёт намунаси қилиб кўрсатиш учун Фарбга шунчалик ёпишиб оламиз. Агар улар бизга тақлид қилишса, буни яхши иш деб ҳисоблаймиз ва агар тақлид қилишмаса ёмон деб ҳисоблаймиз. Демак (бизнингча), тараққиёт бизга тақлид қилинишидир, аммо улар бизга эргашишмаса, бу қолоқлик ва таназзулга юз тутишдир!! Бироқ, аслида бундай бўлмаслиги керак. Чунки, агар икки ҳазорат тўқнашса улардан бири ҳукмрон бўлиб, иккинчиси парчаланади. Идеалистлар (хаёлпастлар) ва муфаккирлар икки ҳазоратнинг энг яхши жиҳатларининг ўзаро қоришиб кетиши ҳақида осонликча гапиришлари мумкин. Бироқ, натижга бундай бўлмайди».<sup>1</sup>**

Юджин Ростоу<sup>2</sup> айтади: «Шуни тушунишимиз керакки, биз билан араб халқлари ўртасидаги қарама-қаршилик давлатлар ёки халқлар ўртасидаги қарама-қаршилик эмас. Аксинча, бу исломий ҳазорат билан насроний ҳазорат ўртасидаги қарама-қаршилиkdir... Тарихий шароитлар шуни тасдиқлайдики, Америка Фарб олами фалсафаси, ақидаси ва низомининг ажралмас қисмидир. Бу эса уни исломий шарқ оламиning Ислом динида гавдаланган фалсафаси ва ақидасига душманлик позициясида туришга ундаиди. Америка Исломга қарши сафда бўлиш ҳамда Фарб олами ва сионистик давлат томонида туриш билангина бундай позицияни эгаллай олади. Агар у бундай қилмаса, ўзининг тили, фалсафаси ва сақофатидан тонган бўлади». (Жалол Олам – «Фарб раҳбарлари: Исломни ва унинг аҳлини йўқ қилинг, дейишмоқда» – Қоҳира – Мухтор Исломий нашриёти, 2-нашр, 24-25-саҳифа. «Фарбдаги исломофобиянинг сабаблари ва кўринишлари ҳамда оқибатлари – Ийод Салоҳ Шокир – Илмий китоблар нашриёти. 50-саҳифа).

<sup>(1)</sup> Бернард Льюис – Фарб ва Яқин Шарқ – Набил Субҳий араб тилига таржима қилган – 60-саҳифа. Устоз Аҳмад Қасоснинг «Ислом ҳазоратининг пайдо бўлиши» китобидан олинди.

<sup>(2)</sup> АҚШ давлат департаментининг режалаштириш бўлими бошлиғи, давлат котибининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси ва 1967 йилгача собиқ АҚШ президенти Линдон Жонсоннинг Яқин Шарқ ишлари бўйича маслаҳатчиси) (Eugene Rostow.

Ҳар қандай умматнинг ўзига хос ҳазорий ўзлиги ҳаёт ҳақидаги муайян кўз-қарашга эга бўлиши билан шаклланади. Ҳаёт ҳақидаги бундай кўз-қараш ижтимоий қадриятлар, билимлар, эътиқодлар, илм-фан, ахлоқ, анъаналар ва фалсафага, яъни ҳаётни шакллантирувчи қонун ундан келиб чиқадиган ақидага асосланади. У турмуш тарзда гавдаланади ҳамда жамият маъқуллаган қадриятлар, давлат бошқарувининг асосини ташкил этувчи миқёс ва қаноатлар суратида акс этади. Шунингдек, у қонун доирасида ҳужжатлаштирилади. Яъни, конституцияда ҳамда ушбу қаноат, миқёс ва қадриятларни ҳимоя қилиб, уларни татбиқ этадиган қонунларда кўзга ташланади. Ҳатто у анъанага ва мустаҳкам ижтимоий урфга айланади. Бу эса, Умматнинг ўзлигини муайян кўринишида шакллантиради ҳамда унинг фикри, турмуш тарзи ва қадриятларини бир хиллаштириб, инсон учун баҳт ва хотиржамликни кафолатлади.

Инсоннинг турмуш тарзига қараб, унга уйғонган ёки таназзулга юз туттган деб баҳо бериш... шунингдек, унинг ижтимоий муносабатларига, яъни инсоннинг ҳаётини – уни индивидуал шахс ва жамиятнинг бир аъзоси деган эътиборда – шакллантирадиган низомга баҳо бериш борлиқ ҳақидаги ушбу кенг қамровли тасаввур (қараш)га асосланади. Турмуш тарзда гавдаланадиган ва фикрий етакчилик сифатида намоён бўладиган ҳаёт низоми ушбу тасаввурдан келиб чиқади. Ҳаётдаги ишларнинг тўғри ёки нотўғри, яхши ёки ёмон, ҳақ ёки ботил эканлигини ушбу тасаввур белгилаб беради. Инсон шунга мувофиқ ё бу ишларга киришади ёки улардан тийилади. Демак, биз инсон, жамият ва давлат ҳаётида тўғри ақидавий тасаввурга эга бўлишнинг мухимлигини англаб етмоғимиз лозим! Кимки ҳаётда мақсадсиз, миқёс, тушунча ва қаноатлариз яшашга ёки аралаш миқёс ва қаноатлар билан яшашга рози бўлса, бундай ҳаётда бир кун яхши бўлган нарса, бошқа куни ёмон бўлади. Шунинг учун бундай ҳаёт бизни қизиқтирмайди ва биз уни уйғониш модели қилиб олишни истамаймиз!

### **Исломий ҳазоратнинг асос ва хусусиятлари мўъжизадир! Қандай қилиб мусулмонлар уни бошқа ҳазорат билан алмаштиридилар?!**

Агар биз исломий ҳазоратнинг асосларини ва уни бошқа ҳазоратлардан ажратиб турадиган хусусиятларини кўриб чиқадиган бўлсак биламизки, у ўзининг коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурининг юксаклиги, шунингдек, бу тасаввурнинг кенг қамровли, куллий ақидавий манҳаж доирасида гавдаланиши билан ажралиб туради. Бу манҳаж яхлит телевизор (ҳамма нарса мақсадга мувофиқ яратилган деган таълимот) манҳаж бўлиб, у коинот ва ҳаётни тушунтириб беради ҳамда инсоннинг жуда катта-

қодир кучга<sup>1</sup> бўлган алоқаларини ҳамда уларнинг инсонга бўлган алоқаларини тўғри тарзда белгилайди. Шунингдек, у инсоннинг яшашдан кўзланган ғоясини ҳамда ҳаётдаги ўрни, масъулиятлари ва ролини, буларнинг барчасини дунё ҳаётидан олдинги вужудга ва дунё ҳаётидан кейинги ҳаётга боғлаган ҳолда тушунтириб беради.

Ислом ўзининг куллий (универсал) табиатига мувофиқ ушбу кенг қамровли ақидавий ёндашувни «ўзига хос мустақил» шаклга солди. Чунки, Ислом ўзининг ушбу табиатига кўра, барча таркибий қисмлари ва тоқатлари билан бир бутун бўлган башарий мавжудотга хитоб қиласди. У «инсон тафаккурига» фақат ақлий мантиқ қолипига солинган совуқ нутқ билан хитоб қилмайди».<sup>2</sup> Шунинг учун у қуруқ фалсафа эмас, балки жонли ақида ҳамда қалбларни ҳаракатга келтирадиган тирик тушунчалар бўлди. Ушбу ақида ва тушунчалар инсон қалбига хотиржамлик баҳш этиш билан унга таъсир ўтказди, инсонни Ислом рисолатини ёйиша йўналтириди ва мутлақ ҳақиқатга етиш ишончини пайдо қилди.

Ислом ушбу ақидавий тасаввур билан турмуш тарзда гавдаланувчи низомга бир хилда эътибор беради. У инсон учун масъулиятларни, бурчлар ва ижтимоий муносабатларни, шунингдек, асос ва таркибий қисмлари бир-бирини тўлдирувчи фалсафани белгилайди. Бу фалсафа ушбу эътиқодий тасаввурдан келиб чиқади ва унга таянади, қолаверса, бутун башариятга алоқадор бўлади. У адолат ва инсоғни рўёбга чиқаради, шахсий ҳуқуқлар билан жамоат манфаати ва жамоат ҳуқуқи ўртасини мувозанатга келтиради. «Шунингдек, у ҳукмларни ниҳоятда аниқ белгилаб бериши билан ажralиб туради. Исломдаги фиқҳий масалаларни, фуқаҳоларнинг фикр ва назарияларини ўрганаётган тадқиқотчи, ўзини худди у билан олмос ўлчанадиган, ўлчовни аниқ кўрсатиб берадиган тарози олдида тургандек ҳис этади. Муташобиҳ (бирдан ортиқ маънога эга бўлган) масалалар ҳар қанча нозик ва чалкаш бўлса ҳам, бу тарози улар ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатиб беради».<sup>3</sup>

Ислом қонунчилиги кенгайиб, барча муаммоларнинг туб ечимини қамраб олади. Ислом муаммоларга ечим беришда, уларни Зайд ёки Убайд каби алоҳида шахсларга тегишли муаммоларнинг ечими сифатида эмас, балки инсон зотига тегишли муаммонинг ечими сифатида беради. Ечим бериш жараёнда бу ечимларнинг

<sup>(1)</sup> Аллоҳ, рубубият, улуҳият, подшоҳлик, сultonлик ҳамда яратиш, тартибга солиш ва тадбир қилиш алоқаси.

<sup>(2)</sup> Исломий ҳазоратнинг хусусият ва асослари – Шаҳид Сайид Қутб роҳимаҳуллоҳ.

<sup>(3)</sup> Доктор Мустафо Зарқо – Исломий қонунчилик хусусиятлари.

ишларга алоқадорлиги жиҳатини эътиборга олади ва ҳукмларни воқеаларга туширади. «Ислом шариати – ҳозирги кунга қадар маълум бўлган қонуннинг барча соҳаларини қамраб олган ҳолда – фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда жамият манфаатларини тартибга солиша турли хил қонуний назарияларга бойлиги билан ажралиб туради. Ушбу қонунлар никоҳ ва мерос каби оиласвий масалалардан тортиб, Исломий давлатнинг уруш ва тинчлик ҳолатида бошқа давлат ва халқлар билан муносабат ўрнатиши натижасида келиб чиқсан ҳалқаро қонун масалаларини ҳам ўз ичига олади. Ислом шариати буларнинг барчасини инсоннинг олий ғояларини асрорчи, қонуний элементни ахлоқий элемент билан пайвандловчи энг адолатли қоидалар, доно ҳукмлар ва юксак тамойиллар билан тартибга солади».

Шунингдек, исломий қонунчилик юксак қадриятлар ва энг яхши хулқлар мажмуасини ўрнатиш билан ҳамда қонунчилик мақсадларини<sup>1</sup> белгилаб бериши билан ажралиб туради. Қонун чиқариш ва уларни татбиқ қилишда Ислом қонунлар билан улардан кўзланган мақсадларни бириктиришни эътиборга олади. Натижада, унинг таъсири бир хилда тузилган, яхлит, бири иккинчисини тўлдирувчи ва самарали низом сифатида ҳис қилинади. Ушбу низом татбиқ этилган пайтда тақво, қадриятлар ва ахлоқ инсон ва жамиятни бир маромда тутиб турувчи омил вазифасини ўтайди. Бу эса, бахтга ва барқарорликка эришишни рўёбга чиқаради. Булар ўзларининг ноқис ақллари билан қонун чиқариб келаётган одамлар англаб етмайдиган ва уларнинг хаёлига ҳам келмаган ишлардир.

Ислом ушбу низом ва ақидавий тасаввурнинг ижтимоий урф кўринишида намоён бўлишига жиддий эътибор билан қарайди. Шунингдек, шариат белгилаган қадриятлар, ахлоқ, миқёс, тушунча ва қаноатларга қарши чиқишини жиноят деб ҳисоблайди ҳамда жиноятнинг ҳажмига (оғирлигига) қараб жазо тайинлайди. Шунингдек, насиҳат қилиш, яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтариш, муҳосаба қилиш, одамларни ҳаққа буюриш ҳамда мункар ишларни қилувчилар билан бирга ўтиришни ман этиш каби ижтимоий масъулияtlарни юклайди. Мункарни ўзгартириш учун куч қўллаш ва жазо чораларини ижро қилиш давлатнинг масъулияти қилиб белгиланади. Булар ва булардан бошқа чекловлар ақидадан келиб чиқадиган қадриятлар, миқёс ва қаноатларни ҳимоя қилишга қаратилган. Булар муайян турмуш тарзни шакллантирадиган, инсонни ислоҳ қилиб, бахтли қиладиган аҳкомлардир. Ушбу аҳкомлардан бошқа низомни ҳаёт низоми

(1) Шаръий ҳукмлар жорий қилинишидан кўзланган асосий мақсадлар.

сифатида қабул қилиш рад этилиши керак бўлган мункар ҳисобланади.

Қози доктор Бақиғ Зайнул Обидин айтади: «Ислом қонунчилиги ахлоқий ва инсоний қадриятларни одамлар тузган бошқа тузумлардан кўра самаралироқ тарзда ҳимоя қиласди. Чунки Исломда ахлоқ қонун доирасидан ташқарида қолмайди ва бу Ислом қонунчилигининг хусусиятларидан биридир. Ислом шариатида жазо чоралари фазилатли ахлоққа зид ишни қилган ҳар қандай жиноятчига қаратилади. Бунда жабрланувчининг розилигига ёки содир этилган жиноятдан ҳеч бир зарар келмаганлигига қаралмайди. Чунки ахлоқни ҳимоя қилиш мақсади жабрланувчининг ўзини ҳимоя қилиш мақсадидан устун туради. Ахлоқни ҳимоя қилиш умумий манфаатларга ва жамиятнинг умумий низомига алоқадор деб эътибор қилинади. Жиноятчи билан жабрланувчининг ўзаро келишиб олиши жиноятчуни яхши одамга ва Аллоҳ ҳаром қилган ишни ҳалолга айлантира олмайди. Шунинг учун шариат хамр ичиш, муртадлик, зино ва гомосексуализм каби жиноятларни содир этувчиларга, ушбу жиноят иштирокчиларининг ўзаро келишиб олишларига қарамай қаттиқ жазо чораларини қўллади. Ҳатто ҳоким ҳам бундай жиноятларни кечириш ваколатига эга эмас. Чунки бундай ишларга лоқайдлик қилиш ахлоқсизлик ёйилиб, жамиятнинг бузилишига ҳамда хавфсизлик издан чиқишига олиб боради».<sup>1</sup>

Ислом қонунчилигининг энг муҳим ўзгачалиги ақидадан келиб чиққанлигига кўринади.<sup>2</sup> У чуқур илдизли, ўзи асосланган ақидага мос ҳамда қарама-қаршилик ва нуқсондан холидир. Ислом қонунчилиги ўзига хос сиёсатга ва фуқароларга ғамхўрлик кўрсатиш хусусиятларига эга. У ўзининг ушбу хусусиятлари билан адолатни рўёбга чиқаради, хавфсизликни таъминлайди, ҳуқуқларни ҳимоя қиласди, келишмовчиликларни ҳал этади, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасини тартибга солади ҳамда даъватнинг ёйилишини ва давлатнинг асоси бўлган тамойилларга риоя қилинишини кафолатлади. Шунингдек, у ижтимоий ва иқтисодий фалсафага ҳам эга. Бу фалсафа ўзининг бутун асослари билан одамларнинг асосий эҳтиёjlари қондириладиган жамиятни барпо этишга қаратилган. «Бу жамиядта аёл билан эркак ҳуқуқлари ҳамда шахс билан жамоат ва жамият ҳуқуқлари бир маромда ҳимоя қилинади. Унда жамоат номидан шахснинг ҳуқуқи оёқ-ости қилинмайди, жамоат манфаати якка шахс, партия ёки

(<sup>1</sup>) Исломдаги «жиноят ва жазо» сиёсатининг ўзгачалиги – Доктор Муҳаммад Вафиқ Зайнул Обидин, Ал-Баён журнали 288 сон.

(<sup>2</sup>) Исломий тасаввурнинг асос ва хусусиятлари – шаҳид Сайид Қутб роҳимаҳуллоҳ.

гурух учун сарфланмайди. Бу жамиятда эркак ва аёлнинг ҳар бирига ўзига лойик вазифа юкланади ҳамда улар ўзаро ҳамкорлик асосида бир-бирини тўлдиради. Барча фуқаролар ҳаёти ўзаро қурашга эмас, балки ҳамкорликка асосланади. Унда мусулмон одам ўзи учун истаган яхшиликни биродари учун ҳам истайди. Чунки бу жамиятда мусулмонлар бир-бирини тўлдириб турадиган бинога ўхшайдилар. Исломий жамиятда бойлар билан камбағаллар баъзи капиталистик жамиятларда бўлгани каби ҳасад, нафрат ва адоват билан эмас, балки ҳамкорлик асосида тинч-тотув яшайдилар. Шунингдек, исломий жамият кўплаб қўшимча касблар, фаолият ва истеъодларни бирлаштиради. Чунки якка шахс зарурий нарсаларнинг ҳаммасини ишлаб чиқара олмайди. Шу боис, дунё ва охират манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма нарсага жамоат орқали эришиш мумкин».<sup>1</sup> Исломий жамиятда давлат томонидан таъмин этиладиган хизматлардан ва умумий бойликнинг тақсимланишидан барча фуқаролар тенг фойдаланадилар.

Исломий жамиятда фуқароларнинг ҳамкорликда тинч-тотув яшаши Ислом низомининг инсон фитратига ва унинг инсоний хусусиятларига мос равишда татбиқ этилишини кафолатлади. Зоро, Ислом низоми инсоннинг ғариза ва узвий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган асосий эҳтиёжлари мувозанатли тарзда (бир текисда) тўғри қондириб, уни ҳайвонлар даражасидан ўзига муносиб инсонийлик мақомига кўтаради. Эҳтиёжлар қондирилиши унинг руҳий истакларига зид келмайди ва айни пайтда инсоний воқелигига мос бўлади. Шунингдек, у бугунги кунда дунёда ҳукмронлик қилаётган низомлардагидек, хоҳиш истакларга ва ўткинчи манфаатларга асосланмайди.

Исломдаги Ушбу Раббоний қонунлар инсоннинг инсонийлигига ва унинг ақлига алоҳида эътибор билан қарайди ҳамда унинг турли муаммоларга тўла моддий дунёда яшашини ҳисобга олади. Ислом қонунчилигининг мўъжизалиги шундаки, у инсон фарзандининг турли муаммоларига ечим бера олади. У бу муаммоларнинг сабаб ва натижаларига чуқур назар ташлаб, инсоннинг ҳаётидаги истак ва эҳтиёжлари хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда унинг муаммоларини тўғри ечиб беради. Бунинг натижасида Ислом низоми тўғри жамиятни барпо этади ҳамда уни ислоҳ қилиб турувчи инсонларни тарбиялаб, инсоннинг манфаатларини тўғри тарзда рўёбга чиқаради. Шунингдек, у эзгуликни рўёбга чиқариб, ёвузликни йўқ қиласи ва адолат ўрнатиб, зулмни тутгатади!

<sup>(1)</sup> Исломдаги ижтимо низомининг хусусиятлари ва мақсадлари – Абдулмуҳсин Сувайийъ.

Ислом қонунчилигининг яна бир мўжизакорлиги қонунларни диний ва ахлоқий қадриятларга боғлашида кўринади. У диний ва ахлоқий қадриятларнинг бузилишига йўл қўймайди ҳамда уларнинг ҳаётда бор бўлишига хизмат қилиб, уларни ҳимоя қилади. Ислом шариатининг бошқа қонунларда топилмайдиган хусусияти шуки, унда миқёслар ақидага асосланади. Шунинг учун одамлар ушбу миқёсларга Аллоҳдан қўрқиш, Уни яхши кўриш билан ҳамда Унинг розилигига эришиш истагида риоя қиласидар. Натижада, одамларни қонунга бўйсундириш учун куч қўллашга зарурат бўлмайди. Улар ҳеч ким кўрмаганида ҳам, омма олдида ҳам қонунга бўйсунадилар. Шунингдек, улар қонуний жавобгарликдан пул тўлаш ёки бошқа бирор нарса қилиш орқали қутулиб бўлмаслигини, Аллоҳ уларни дунёда ҳам, охиратда ҳам жазолашини яхши биладилар.

Ислом ҳазорати шакллантирган ва ижтимоий муносабатларни асоси бўлган ушбу қадриятлар ҳаёт майдонида мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Ислом Уммати ушбу қадриятларни ҳимоя қилиш, уларни бузувчи нарсаларни тақиқлаш орқали уйғонишга ва бошқа халқларни ортда қолдириб, ривожланишга эришди. Исломни тушунишда, ушбу қадриятларни сақлаб қолишда камчиликларга йўл қўйилганидан бошлаб, Ислом Уммати қулашга ва парчаланишга дучор бўлди. Ислом низомининг қулаши билан, Уммат душманлар учун осон ўлжага айланиб, мустамлакачилар чангалида қолиб кетди.

Ислом ақидаси кучли, шариати пухта бўлгани туфайли Уммат ҳамда унинг ҳазорати силкинишларга, салибчилар ва мўғуллар ҳужумларига учраса-да..., ушбу Раббоний низом баъзида яхши, баъзида ёмон татбиқ қилиниб, оғир шароитларни бошдан кечирган бўлса-да йўқолмай сақланиб келди.

Ислом Уммати юксалиши ва тарихдаги ўрнини яна қайта эгаллаши учун ушбу ҳазоратни маҳкам ушлаши..., унинг тушунчаларини қайта тиниқлаштириши..., ушбу қадриятларни ва уларнинг уйғонишдаги ролини яхши англаб етиши..., қолоқлик асрида илашиб қолган аралашмалардан Ислом ҳазоратини тозалаб, ҳар бир фикрни ваҳийга боғлаши ҳамда бошқа ҳазоратлардан кириб келган тушунча ва қадриятларни ундан чиқариб ташлаши лозим. Ислом Уммати буларни қанчалик даражада пухта бажара олса, у яна қайта уйғониш ва тараққиётга эришади.

### **Ҳазорий ўзликнинг заифлашиши**

Ислом Уммати очкўз тамагирларнинг осон ўлжасига айланиб қолганидан кейин, унинг ҳазорий ўзлиги заифлашди. Чунки Ислом ақидаси унинг турмуш тарзидаги кўринмай қолди. Бугунги кунда одамлар турмуш тарзини шакллантириб турган қадриятлар,

уларнинг ўзлари теран тушуниб қабул қилган қадриятлардан йироқлашиб кетди. Яъни бу қадриятлар фикрий мазмундан ҳамда Ислом ақидасига асосланган қаноатлардан йироқлашди. Шунинг учун одамларнинг ғурбатда ва қарама-қаршилик исканжасида яшаётгани очиқ кўриниб қолди.

Бундан ҳам ачинарлиси шуки, мусулмонлар ўз ақидалари ва динларига зид бўлган тузум билан бошқарилмоқдалар. Шунинг учун руҳий изтиробни, қашшоқлик ва таназзулни бошдан кечирмоқдалар.

Бутун дунёда Исломга қарши кампания шу қадар кучли олиб борилдики, ҳатто йигирманчи асрнинг ўрталаридан бошлаб то охиригача Умматнинг аксар қисми капитализм, либерализм, илмонийлик ва социализм тушунчалари билан исломий қараш ва қадриятлар аралашмасидан ташкил топган ақидага риоя қила бошлади. Шунингдек, мусулмонлар ўзлари имон келтирган Раббоний қонунларга зид бўлган Farb қонунларини ҳам қабул қилдилар. Бунинг натижасида мусулмонларнинг баҳтсизликка ва таназзулга учраши муқаррар эди. Ислом Уммати ўз ҳазоратига қайтиб, уни ёт тушунчалардан тозаламагунига қадар уйғонишга ва тараққиётга эриша олмайди.

Шубҳасизки, ҳазорий ўзлигини йўқотган уммат бошқа умматлар ўртасида ўр ўрнини эгаллай олмайди ва бошқа халқлар асло унга раҳм-шафқат қилмайди. Қолаверса, у мустамлакачи босқинчиларга осон ўлжа бўлиб қолаверади. Айниқса, уни кофир Farb манфаатларига мувофиқ бошқарадиган, умматини арзимас мансаблар эвазига сотадиган малай рувайбизалар бошқарар экан, Уммат пасткашлар дастурхонига мўлтираган етимлардан ҳам аянчли аҳволда бўлади. □

## АМИРЛИКЛАР, САУДИЯ ВА МИСР РАҲНАМОЛИГИДАГИ ЯНГИ ДИН (3) МИСРНИНГ ИСЛОМНИ ЎЗГАРТИРИШДАГИ РОЛИ **Ҳомид Абдулазиз**

Сисий 2015 йил январда диний хитобни янгилашга чақириб, уламоларга қарата «Аллоҳга қасамки, мен қиёмат куни сизларнинг ёқангиздан оламан. Мен бугун Аллоҳнинг олдидағи жавобгарлигимдан қутулдим. Зоро, бизда бутун дунё билан тўқнашадиган диннинг бўлиши мумкин эмас», деди. Ушбу чақириққа жавобан расмийлар дарҳол Азҳар ўқув дастурларини қайта ишлашга киришишди. Азҳари шариф вакили Аббос Шумон бу тўғрида бундай деди: «Дарҳақиқат, Азҳар шайхлари Азҳарнинг васатийликка (Ўртачаликка) асосланган манҳажига зид келувчи фикр ва қарашларнинг пайдо бўлиши сабабли Умматнинг нақадар хатарли босқични бошдан кечираётганини ҳис қилмоқдалар. Шунинг учун Азҳарнинг таълим программасини реформа қилиш ташаббусини кўтариб чиқдилар. Айни шу сабабли, ўз маъносидан бошқача тушунилиши мумкин бўлган текстлар ўчириб ташланди». Аббос Шумон аср билан ҳамқадам юриш ва экстремистик фикрларга қарши курашиб учун Азҳар томонидан ҳар уч йилда бир ўқув дастурлари ўзгартириб турилишини қўшимча қилди. У

*أَمِرْتُ أَنْ أُفَاتِلَ النَّاسَ حَتَّىٰ يَشَهُدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ*

«Одамлар Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, дея гувоҳлик бергунларига қадар, уларга қарши уришишга буюрилдим», каби ҳадислар нотўғри тушунилаётгани боис дастурдан олиб ташланганини таъкидлади. У шунингдек, баъзилар бундай ҳадисларни нотўғри тафсир қилаётганини, шу сабабдан ўз маъносидан бошқача тушунилиши мумкин бўлган ҳар бир текст ўчириб ташланганини, ўрнига «ер юзида фасод тарқатиш», «терроризм», «боғийлик» ва «ҳукмдорга қарши чиқишининг ҳукми» билан боғлиқ сўзлар қўйилганини айтиб ўтди.

Азҳарнинг «Ишонч» қўмитаси ҳам диний таълим программаларини қайта кўриб чиқиб, айрим жумлаларни программадан олиб ташлади. Масалан, мана бу жумлани олиб ташлади: «Бугунги кунда Исроилнинг Фаластин халқига қарши содир этаётган қилмишлари терроризм ва экстремизмнинг энг чўққиси хисобланади. Ахир, бутун халқни ўз юртларидан қувиб чиқариб, қочқинга айлантиришни, юртлари ва уй-жойларини

вайрон этиб, зўравонлик билан ҳужум қилишни нима деб аташ мумкин?!». Қўмита ўзининг бу ишини оқлаш учун бу жумлалар «Ўрта мактаб ўқувчиларининг ёшига муносиб эмас. Чунки бу каби иборалар болаларнинг ҳис-туйғуларига тўғри келмайдиган шафқатсиз иборалардир», дея билдири.

Бундан ташқари, хутбаларни бир хиллаштириш, золимларни дуойи бад қилишни жиноят санаш, оғзаки айтилган талоққа қарши курашиш, жума намозини фақат муайян масжидларга чеклаш, ҳатто тарових намозлари учун алоҳида масжид ва имомлар тайинлаш, эътикоф учун фақат мингта масжидни очиб қўйиш, бунга қарши чиққанларни эса, ишдан четлатиш, каби масалалар кўриб чиқилмокда.

**Динни илменийлаштиришга бүлгэн очик чакирик:**

Хозирги кунда Азхар Ислом фикрларини ўзгартиришга ҳаракат қилмоқда, Халифалик давлатини барпо этиш ва ҳокимиятни олиш учун даъват қилаётган исломий ҳаракатларга эса, қарши курашмоқда. У Ислом фикрларининг ўрнига исломий ва диний билимларни сиёсатдан узоқ ҳолда ривожлантиришга қаратилган ўзининг программасини жорий қилишни хоҳламоқда. Шубҳасиз, бу – давлатни илмонийлаштиришга қўшимча, Исломни ҳам илмонийлаштиришга бўлган чакириқдир.

Биз собиқ муфти Али Жуманинг армияга мурожаат қилиб, «уларнинг диний даъволаридан қўрқманглар. Чунки дин сизлар билан, Аллоҳ сизлар билан, Унинг Росули сизлар билан ва мўминлар сизлар билан. Булардан сўнг халқ сизларга ёрдамчидир», дея уни тинч намойишчиларни ўлдиришга чақирганини унугтганимиз йўқ. Шунингдек, судхўрликнинг иллати олтин ва кумуш бўлган, биз эса қоғоз пул билан муомала қиляпмиз, деган «ҳужжат» билан банк процентлари ва депозитларини ҳалол қилиб бергани ҳам ёдимизда. Ўзининг мунофиқона чиқишилари билан Миср режимининг фазовий каналларини доимий меҳмони бўлган Саъдиддин Ҳилолийнинг мана бу гапини ҳам асло унутмаймиз: «Аллоҳ икки киши, яъни Мусо ва Ҳорунни юборгани каби яна икки кишини юборди. Аммо мисрликлардан бирортаси уларни Аллоҳ Азза ва Жалланинг росулларидан, деб ўйламади. (وَمَا يَعْلَمُ جِنُودَ رَبَّكَ إِلَّا هُوَ) Роббингизнинг қўшиналарини фақат Унинг Ўзигина билур)... Мана, Сисий ва Мұхаммадиброҳим чиқди».

## **Халифаликни тарихда қолган эски мафкура, дея тарғиб қилиш:**

Хижрий 1441 йил 2-3 жумодулаввал, милодий 2020 йил 27-28 январда Азъарнинг «Исломий фикрни янгилаш» номли Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. «Мисрийол Явм» газетасига кўра,

конференцияда бир баёнот-хужжат қабул қилинган бўлиб, газета айни баёнотни нашр қилди. Унда Азҳар уламолари «Ҳар хил фитналарни келтириб чиқариб, юртларни парчалаб ташлашга сабаб бўлаётган, Исломни мана шундай нарсаларга боғлаётган ҳамда биродарлик, тенглик ва демократик шўро қадриятларига зид келаётган ёлғон халифалик шиорларини йўқ қилиш»га қарор қилишган. Кейин айни баёнот сўнгига унда айтилган нарсаларга амал қилиш шартлигини «чунки у давлатнинг табиий принциплари ва демократия асосидаги конституциявий фуқаролик бошқаруви таянчларига чекланганини, демократия эса, тарихий халифалик мафкурасидан узоқ равишида адолат, эркинлик ва тенгликни рӯёбга чиқариши»ни таъкидлаши.

Баёнотда ҳокимият-хўкм чиқариш мавзусига ҳам тўхтади. Унда Азҳар уламолари исломий жамоаларга ҳужум қилиб, уларга «экстремизм» тамғасини ёпиштириш орқали ҳокимият сўзини ўзининг асл маъносидан бутунлай ўзгартирishi. Чунки бу жамоалар ҳукм чиқариш фақат Аллоҳники, деганда қонун чиқаришга ёлғиз Аллоҳ Субҳанаҳу ҳақли деган маънони берадилар... Яъни, конституция ва қонунлар Қуръони Карим ва Сунннати шарифдан истинбот қилиниши лозим, буни эса, ижтиход шартлари топилган уламоларгина қила оладилар, деб айтишади. Бироқ, конференциянинг якуний баёнотида Азҳар уламолари исломий жамоаларнинг «ҳокимият Аллоҳники» деган сўзи (бошқарувда одамларга таяниб бўлмайди) деган маънони англатади, дея одамларни адаштиришга уринишиди. Гўё Ислом давлати илоҳий давлатдек ёки уни фаришталар бошқарадигандек! Аслини олганда, Исломий давлат башарий давлат бўлиб, уни инсонлар бошқаради. Фақатгина, уни бошқараётганлар Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритадилар. Демак, бу давлатда Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар бўлади ҳамда шу аҳкомлар билан ҳукм юритадиган инсонлар бўлади. Шу ўринда биз Азҳар шайхидан сўраймизки, сиз ўзингиз айтгандек: «Шариат қоидаларига биноан барпо этилган инсоний ҳукмронлик Аллоҳнинг ҳокимияти-ҳукм чиқаришига зид келмаса, балки Аллоҳ ҳокимиятининг бир қисми» бўлса, унда сиз мақтаган ва ҳимоя қилган шариат қоидалари асосидаги бошқарув қаерда? Аллоҳ ҳокимиятининг бир бўлаги бўлган бошқарув қаерда?

Конференция баёнотида яна бундай дейилди: «Халифалик Росууллоҳнинг саҳобалари танлаган ва уларнинг замонига мос бўлган бошқарув тузумидир. Бу тузум ўша пайтдаги дин ва дунё ишларига мос келган. Қуръонда ҳам, Сунннатда ҳам муайян бир бошқарув тузумини қабул қилиш тўғрисида буйруқ келмаган. Аксинча, шариат одамлар ўртасида адолат, тенглик ва эркинликни

таъминлайдиган, динидан ва миллатидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласидиган ва диннинг ўзгармас тамойилларига зид келмайдиган ҳар қандай бошқарув тузумини қабул қилишга рухсат берган». Бу – Аллоҳнинг дини борасида одамларни алдашдан бошқа нарса эмас.

### **Миср оммавий ахборот воситаларининг роли:**

Ҳеч шубҳа йўқки, бу соҳада Миср режими Амирликлар билан Саудияни доғда қолдирмоқда. Бу режим ўз сиёсатини тарғиб қилиш, исломий ҳаракатларни номини қора қилиш, ҳатто оддий диндорни ҳам бадном қилиш ва жамиятда разолату фаҳш тарқатишига қаратилган фильм ва сериалларни ишлаб чиқиша узоқ йиллик тажрибага эга. Бош ролда Актёр Одил И мом ўйнаган «Террорист» ҳамда «Терроризм ва кабоб» фильмлари бунга ёрқин мисолдир. Ёки Мисрдаги суверен доиралар томонидан бу йил ишланган «Ихтиёр» номли сериални мисол қила оламиз. Бу сериалда Ибн Таймияга ҳужум қилиниб, уни оддий фуқароларни ўлдиришига фатво берган террорист қилиб кўрсатилган. Бундан ташқари, Миср газеталари ва телеканаллари ҳам имом Бухорий ва Салоҳиддин Айюбийга ҳужум қилишга журъат қилди. Ёзувчи Юсуф Зайдон теледастурларнинг бирида қўмондон Салоҳиддин Айюбийни «тарихдаги энг пасткаш кимса», деб атади. Ундан олдин «Қуръонда айтилган Масжидул Ақсо Макка яқинида жойлашган, у Қуддусдаги масжид эмас», деган эди. Телебошловчи Ислом Баҳири ўзининг теледастурларидан бирида имом Бухорийга бир неча ой давомида ҳужум қилиб, қоралади... Ниҳоят суд уни қамоқча ҳукм қилди, аммо президент афви билан озодликка чиқди. Афтидан, Сисий бундай шахснинг қамоқда қолишига чидолмаган кўринади. Чунки Баҳири ҳукумат сиёсатининг фаол тарафдорларидан биридир. Зоро, Миср ҳукумати ўз сиёсатини Американинг РАНД ташкилоти томонидан «мўътадил исломий тармоқларни яратиш» номи остида ўнлаб йил муқаддам чиқарилган ҳисобот асосида юритиб келмоқда. РАНД ҳисоботда замон билан ҳам қадам юриш учун «Исломчиларни эмас, балки Исломни тартибга солиш»га чақирилган. Ҳисоботда шунингдек, Исломнинг асослари ва таниқли Ислом уламоларига ҳужум қилиш орқали унинг инфратузилмасига ёриб киришга чақирилган. Миср режими амалга ошираётган сиёсат мана шудир. У ўзининг кўппакларига турли оммавий ахборот воситалари ёрдамида Исломга, унинг рамзларига ва исломий ҳаракатларга ҳужум қилишни буюрмоқда.

### **Улар айтаётган «диний хитобни янгилаш» ортида қандай мақсад бор?**

Мен бу ҳужумлардан инсонлар дилларида ўрин олган шаръий аҳкомларга зарба бериш мақсад қилинганини кўрдим. Бу билан

мусулмон ўзининг ўзлигини йўқотиб, яратувчисидан узоқлашади ҳамда давлат манфаатларига мос келадиган, вазият-шароитга ва сиёсатчиларнинг хоҳишлиариға қараб ўзгарадиган баъзи бир шаръий бўйруқ-қайтариқлар билан чекланиб қолади. Охир оқибат бу хужум Ислом асосларига етиб боради. Натижада, ҳижоб кийиш бу шаръий нусус томонидан ўрнатилган шаръий қоида эмас, балки фазилатли бир амалга айланаб, буни бажармаган одам айбдор бўлмай қолади. Намоз ҳам шахсий ишга, Қуръон терроризмга қарши китобга айланади. Барча эски тафсирлар бекор қилиниб, замонга мос равишда Қуръонга янги тафсирлар ёзилади. Шундоқ ҳам, йўл-йўлакай қилинган намойишларда баъзи бир исломий китоблар ёқиб юборилди. Шу тарзда Исломнинг қадр-қимматини мусулмонлар қалбидан бутунлай ўчиришга уринишмокда. Бу хусусда шайх Фахд Ажлон бундай дейди: «Агар шариат бўйруқларига мажбурийлик туси берилмаса, қайтариқларига тақиқ қўйилмайдиган бўлса, бу йўл сизни илмонийлик дарвозасига олиб бориб қўяди. Гарчи уни лаънатлаган ва унга тупурган бўлсангиз ҳам. Илмонийлик динни давлатдан ажратишни англатади. Бошқача қилиб айтганда, одамлар риоя қилишлари лозим бўлган умумий тузумдан шариат аҳкомларини узиб ташлашни англатади. Агар шаръий аҳкомлар унга бўйсунгандар мақтовга лойик бўладиган, тарк қилганлар эса, жазоланмайдиган ва бирор тузум ёки ҳокимиятга алоқаси бўлмаган шахсий иш бўлиб қолса, биз илмонийликнинг марказида қолган бўламиз».

### **Фарбнинг парда ортидаги роли:**

#### **1 – Сўфиликни қўллаб-қувватлаш:**

Сўфиликни қўллаб-қувватлаш, айниқса, Мансур Ҳаллож, Ибн Арабий ва шу кабиларнинг йўлини намуна қилиб кўрсатиш Америка бошчилигидаги Farb марказларидан келган кўрсатмаларнинг энг муҳимларидан биридир. Бунга Никсон маркази томонидан ўtkazilgan «Сўфиликни ва унинг АҚШ сиёсатини тузишдаги ролини ўрганиш» номли конференцияни ҳамда АҚШ Мудофаа вазирлиги томонидан тузилган RAND ташкилотининг «мўътадил исломий тармоқларни яратиш» номли ҳисоботини ва айни ташкилотнинг «Демократик фуқаровий ислом» номли тадқиқотини мисол қилиш мумкин. Ушбу тадқиқотларда аниқ кўрсатмалар берилган бўлиб, баъзида сўфилик ҳаракатлари билан муштарак ҳамкорлик асосини яратишга хизмат қиласидиган амалий чора-тадбирлар ҳам кўрсатилган.

Дарҳақиқат, «Оқ уй»га яқин бўлган Бернард Льюис ва Даниэль Пайпс диний ва сиёсий майдонни динни ҳаётдан ажратиш тамоили асосида тўлдириш учун сўфилик тариқатлари билан ҳамкорлик қилишга чақиришиди. АҚШ маъмурияти бу кўрсатмаларни

ишлаб чиқилгандан бошлаб, ҳозиргача татбиқ қилиб келмоқда. Сўфилик ҳаракатлари билан муносабатларни мустаҳкамлаш учун бир қатор тадбирлар ташкил этилди. Бу ишда биринчилардан бўлиб АҚШга эргашган давлат Амирликлар бўлди. У сўфилик ҳаракати ва муассасалари орасига ўз ричагларини пайдо қилди. Ҳатто сўнгги пайтда сўфилик ҳаракатининг бош раҳнамоларидан бири Абу-Даби бўлиб қолди.

Аксарият исломий ҳаракатлар ўзгартериш тариқати, ҳукумат билан сиёсий ҳамкорлик қилиш ва бошқарув шакли каби масалаларда турлича қарашларга эга бўлсалар-да, уларнинг барчаси Уммат муаммоларига эътибор бериш, сиёсат билан шуғулланиш ва воқеликдан ажралмаслик каби масалаларда битта фикрдалар. Сўфилик ҳаракати эса, бунинг акси. У кўпинча иерархик манҳажга асосланган бўлиб, эътиборни шахсий ибодат ва ахлоққа қаратади, сиёсий майдонни эса, мамлакат раҳбарларига топширади. Айни шу нарса давлатларнинг, асосан, айни ҳаракатга рози бўлган Американинг манфаатига жуда муносиб келади.

Сўфилик босқинчига қаршилик кўрсатмагани учун АҚШ ушбу мафкуруни ёйишга ҳаракат қилимокда. Сўфиликдаги энг кўзга кўринган принциплари «халқни Холиққа топшир», «агар Роббинг хоҳлаганда бу юз бермаган бўларди», деган тушунчалардан иборат бўлиб, улар Маҳдийнинг чиқишини кутаётганликларини даъво қилишади. Америкага эса, мана шу керак. Шунингдек, ҳозирда Мұхаммад ибн Зойид ва унинг ортидагилар томонидан жар солиниб, тарғиб қилинаётган «динлар бирлиги» фояси ҳам Халлаж ва Ибн Арабийлар томонидан илгари сурилган. Шу сабабли, бу икки шахснинг номлари улуғланиб, мусулмонлар учун бир намуна қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда.

Дарҳақиқат, Амирликлар ва Миср режимининг сўфилик оқимиiga яқинлашиши ва у билан бирлашишга ҳаракат қилишидан мақсад битта. У ҳам бўлса, ўз мазмунини йўқотган Исломни пайдо қилишдир. Ҳа, уларнинг ягона мақсади – ҳаёт майдонидан чиқариб ташланган ҳамда инсонлар ишларини тартибга солиш ва уларнинг дунёдаги муаммоларини ечиш билан шуғулланмайдиган Исломни пайдо қилишдир.

## 2 – Исломофобия:

АҚШ Тараққиёт Марказининг 2011 йилги ҳисботига кўра, исломофобия бу – Ислом ва мусулмонлардан нафратланиш, улардан қўрқиши ёки уларга нисбатан ҳаддан ташқари душманлик қилишдир. У салбий стереотипларга асосланган бўлиб, мусулмонлар ҳақидаги хурофотга, уларни камситишга, маргинализация қилишга ва уларни жамиятдан четлатишга олиб боради. Америка ишлари бўйича тадқиқотчи Алаа Баюминин

сўзларига кўра, бу нафақат Исломни билмасликдан келиб чиқадиган нафратни, балки Ислом ва бутун мусулмонларни қасддан провокация қилишни англатади.

Марокашлик ёзувчи ва муфаккир Ҳасан Авридинг сўзларига кўра, «Ислом ва мусулмонларга нисбатан нафрат туйғуси бир қатор исломий мамлакатларда Европа мустамлакачилиги тарқалиши пайтида пайдо бўлган. Бундай туйғу Ислом сақофатини фақат хурофотларга асосланган сақофат сифатида кўришдан келиб чиқсан».

АҚШдаги 2001 йил 11 сентябр ҳужумлари ортидан баъзи Farb мутафаккирлари «Ислом таҳди»даги, деган тушунчани тарғиб қилишни бошлашди. Кўп ўтмай, бу термин француз қомусларига киритилиб, қўйидагича таъриф берилди: «Мусулмонларга қарши нафратнинг ўзига хос тури бўлиб, Марокаш мұхожирларига қарши душманлик ҳаракати ва ҳиссиётларида намоён бўлади».

Муфаккир Ҳасан Аврид бу тўғрида бундай дейди: «11 сентябргача исломофобия ҳақида сўз юритилмаган. Ушбу воқеадан сўнг дарҳол Исломга қарши қатор мақолалар ёзила бошлади. Бу мақолаларда Исломни Европа ва Америка учун хавфли душман сифатида тасвирлашга киришилди». Шундай мақолалардан бири италиялик журналист аёл Ориана Фаллачининг мақоласидир. У ўз мақоласида Farbликларни Исломдан эҳтиёт бўлишга ва мусулмонларнинг иммиграция ва никоҳ орқали бутун Европани босиб олишларидан олдин иложи борича тезроқ чора кўришга чақириди.

Бундай муносабат Европадаги мусулмонларга салбий таъсир кўрсата бошлади. 2002 йил 6 майда Бельгия пойтахти Брюсселда даҳшатли воқеа юз берди. Бельгиядаги ўнг қанот экстремистик гурӯҳ аъзоларидан бири Брюсселда яшовчи марокашлик мұхожирлардан бирининг уйига бостириб кириб, оиланинг барча аъзоларини ўлдирди, сўнг уйни ёқиб юборди. Шу тарзда, «Барча мусулмонларни йўқ қилинг» шиори остида ўнг қанот экстремистларининг таҳдидлари ва ҳужумлари кучая бошлади. Бундай ҳодисалар қаторида Яқинда Янги Зеландияда содир бўлган воқеа яна бир бор Исломофобия масаласини кўтарди. Шу билан бирга, воқеа терроризмнинг Ислом билан боғлиқлиги ҳақидаги тушунчани ўзгартирди. Чунки ўнлаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган бу даҳшатли ҳужумни содир этган кимса насроний эди.

Бир қатор тадқиқотчи ва экспертларга кўра, исломофобия бугунги кунда Farb жамиятларида жамоий тенденцияга айланган бўлса-да, бироқ у қасдан келтириб чиқарилмоқда. Чунки бунинг ортида яширин сиёсий мақсадлар бор. Ушбу сиёсий мақсадларнинг

энг муҳимларидан бири мусулмонларни диний кўринишлардан воз кечишига ҳамда «Жамиятга қориш ёки йўқол» шиори остида Farb жамиятлари билан тўлиқ қоришишга мажбуrlашdir.

Бугина эмас, балки, айтишимиз мумкинки, янгилаш, замонга мослаштириш ва модернизация қилиш каби чақириқларнинг барчаси Исломни Farbga мос ва маъқул келадиган тарзда шакллантиришга олиб боради.

### **Хулоса:**

Амирликлар, Саудия Арабистони ва Мисрдан иборат ёвуз учликнинг Аллоҳнинг динини бузишга уринишаётганини ҳамда Ислом душманларининг Умматга зиён етказиш мақсадида кечаю кундуз иш олиб боришаётганини баён қилганимиздан сўнг, иккита зарур масалани эслатиб ўтишни лозим деб топдик.

### **Биринчи:**

Уммат душманларининг бу қилмишлари биринчи марта содир бўлаётгани йўқ ва охиргиси ҳам эмас. Чунки Имон ва куфр ўртасидаги кураш ҳеч қачон тўхтамайди. Ушбу ҳақиқатни тасдиқловчи ояллар жуда кўп бўлиб, биз улардан баъзиларини келтириб ўтамиз. Аллоҳ Таоло айтди:

﴿كَذَلِكَ يَضْرِبُ اللَّهُ الْحَقُّ وَالْبَطَلُ فَمَمَا الرَّبِيدُ فَيَدْهُبُ جُفَاءً وَمَمَا مَا يَنْفَعُ النَّاسَ فَيَسْكُنُ  
فِي الْأَرْضِ كَذَلِكَ يَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْمَالَ﴾

**«Аллоҳ ҳақ билан ботилни мана шундай (мисол билан) баён қилур. Энди у кўпик-чиқинди ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ер юзида қолур. Аллоҳ мисолларни мана шундай баён қилур»** [Раъд 17]

Яна бундай деди:

﴿وَيُجَدِّلُ الَّذِينَ كَفَرُوا بِالْبَطْلِ لِيُدْحِسُوا بِهِ الْحَقَّ وَأَنْخَذُوا عَائِيَتِي وَمَا أَنْذَرُوا هُزُوا﴾

**«Кофири бўлган кимсалар ботил (хужжатлар) билан талашиб-тортишиб, унинг ёрдамида ҳақни енгмоқчи бўлурлар ҳамда Менинг ояtlаримни ва ўзлари огоҳлантирилган нарсани (яъни, охират азобини) масхара қилиб кулурлар»** [Каҳф 56]

Яна бундай деди:

﴿ذَلِكَ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا أَتَبَعُوا الْبَطْلَ وَإِنَّ الَّذِينَ ءامَنُوا أَتَبَعُوا الْحَقَّ مِنْ رَبِّهِمْ كَذَلِكَ  
يَضْرِبُ اللَّهُ لِلنَّاسِ أَمْثَلَهُمْ﴾

**«Бунга сабаб – кофири бўлган кимсаларнинг ботил (йўл)га эргашганлари, имон келтирганларнинг эса Роббилари томонидан бўлган ҳақقا эргашганлариидир. Аллоҳ инсонларга уларнинг мисолларини мана шундай баён қилиб берур»** [Муҳаммад 3]

Бу ва бошқа кўплаб оятлар борки, улар бизга тарих оқимини баён қилиб берган. Аниқроғи, ҳақ билан ботил ва эзгулик билан ёвузлик ҳар доим зиддиятда эканлиги айтилган. Қуръоннинг фурқон (ажратувчи) деб номланганинг сабаби ҳам шунда. Зеро, у бизга ҳақ билан ботилни, ҳидоят билан залолатни ҳамда инсоннинг қонунлари билан Аллоҳнинг қонунларини ажратиб беради.

**Иккинчи:** Ботил қанчалик кучли бўлмасин, дин душманлари қанча-қанча ҳийлалар ишлатмасин, бироқ, оқибат-нусрат Аллоҳнинг тақводор бандалари учун бўлади. Гарчи ботил баъзи жойларда ғалаба қозонган бўлса-да, аммо унинг ғалабалари ўткинчи бўлиб, ҳақиқий муваффақият ва ҳақиқий ғалабалар эмас. Аллоҳ Таоло бу ҳақиқатни кўплаб оятларда баён қилган бўлиб, унда оқибат-нусрат ҳар доим ҳақни кўтариб чиқаётганлар томонида, мағлубият эса, ҳар доим ботилни ҳимоя қилувчилар томонида бўлиши айтилган. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿فَوَقَعَ الْحُقُوقُ وَبَطَلَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

**«Ҳақ қарор топди, уларнинг қилмишлари эса ботил бўлди»**

[Аъроф 118]

﴿إِنَّمَا يُحِقُّ الْحُقُوقُ وَيُبْطِلُ الْبَطْلَ وَلَوْ كَرِهَ الْمُجْرِمُونَ﴾

**«У, гарчи жиноятичи-осийлар ёмон кўрсалар-да, ҳақни ҳақ, ботилни ботил қилиш учун (шундай ирова қилган эди)»**

[Анфол 8]

﴿وَقُلْ جَاءَ الْحُقُوقُ وَرَاهَقَ الْبَطْلُ إِنَّ الْبَطْلَ كَانَ رَهْوَقًا﴾

**«Айтинг: ҳақ келди ва ботил ўчиб-йўқолди. Чунки ботил йўқолгувчи нарсадир»**

[Исро 81]

﴿بَلْ نَقْذِفُ بِالْحُقُوقِ عَلَى الْبَطْلِ فَيَدْمَغُهُ فَإِذَا هُوَ زَاهِقٌ وَلَكُمُ الْوَيْلُ إِمَّا تَصِفُونَ﴾

**«Йўқ, Биз ҳақни ботил устига отурмиз, бас (ҳақ ботилни) эзизб-янчиб, (ботил) йўқ бўлур. Сизлар (мушриклар)га эса, (Аллоҳга ботил) сифатларни берганингиз сабабли ҳалокат бўлур»**

[Анбиё 18]

﴿قُلْ جَاءَ الْحُقُوقُ وَمَا يُبَدِّئُ الْبَطْلُ وَمَا يُعِيدُ﴾

**«Айтинг: «Ҳақ – Қуръон келди (ва ботил-динсизлик йўқ бўлди. Энди (ботил) янги динсизликни) бошлай ҳам олмас, (эски динсизликни) қайтара ҳам олмас»**

[Саба 49]

﴿وَيَمْحُ اللَّهُ الْبَطْلَ وَيَحِقُّ الْحُقُوقُ بِكَلِمَتِهِ إِنَّهُ وَعَلِيهِ بِذَاتِ الصُّدُورِ﴾

**«Аллоҳ Үз сўзлари билан ботил-ноҳақ (гаплар)ни йўқ қилур ва ҳақни ҳақиқатга чиқарур. Албатта У дилларни эгаллаган (сирлар)ни билгувчиdir»** [Шуро 24]

Ушбу Қуръон оятлари Аллоҳнинг яна бир суннатини ҳам бизга кўрсатиб бермоқдаки, у одамларнинг баъзиларини бошқа бирлари билан даф қилиб туриш суннатидир. Эътибор берадиган бўлсак, Аллоҳнинг бу суннати У Зотнинг ҳақ билан ботил ўртасидаги курашдан иборат суннати билан чамбарчас боғлиқ эканини кўрамиз. Даф қилиб туриш суннатига кўра, Аллоҳ Таоло ботилга одамларни бу дунёда қўлиш имконини бермайди. Худди шунингдек, ботил ўзининг мақсадларини амалга ошириш йўлида Аллоҳнинг бандаларини хизматкор қилиб олишига ҳам Аллоҳ Таоло йўл қўймайди. Аксинча, ботилга қарши турувчи ҳақ қавмидан бўлган кишини чиқариб беради ва бу киши ботилнинг барча ҳийла-найрангларини йўққа чиқаради. Қуйидаги оятда Аллоҳ Таолонинг ушбу суннати тўғрисида бундай баён қилинган:

﴿وَلَا دُفْعُ اللَّهِ النَّاسَ بِعَضِهِمْ لَفَسَدَتِ الْأَرْضُ وَلَكِنَّ اللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْعَالَمِينَ﴾

**«Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз, ер фасодга дучор бўлади. Лекин Аллоҳ барча оламлар устида фазлу карам соҳибиdir»** [Бақара 251]

Яъни, агар Аллоҳ Таоло кофирларнинг ҳийла-найранглари ва зулмларини даф қилиб турмаганда ҳамда уларга қарши жиход қиладиган бир гуруҳ мўминлар тоифаси орқали уларни мағлуб қилиб турмаганда, бутун ер юзи йиртқич ҳайвонлар яшайдиган ўрмонга айланиб қолган бўларди.

Ботил ва унинг аҳли кучли ва жуда кўп бўлса-да, бироқ, улар ўзаро келишмовчилик ва бўлинишда яшайдилар. Уларнинг етакчилари ўзларининг пасткаш тобеларига ҳақ ва унинг аҳлига қарши курашишни ҳамда ўз илоҳлари ва раҳбарларига бўйсунишда маҳкам туришни уқтириб, ҳақ даъвати ортида ўзларига тўғри келмайдиган жуда катта нарсалар борлигини айтишади. Бу билан улар аввалги қавмларнинг изидан боришмоқда. Улар Нух, Од ва Самуд қавмларининг ҳамда қозикдек қоқилган баланд эхромлар ва қасрлар эгаси бўлган Фиръавннинг ва ўз юртларида ҳадларидан ошган бошқа қавмларнинг изидан боришмоқда. Зеро, бу мозийдан ўзгармай келаётган суннатидир. Ҳақ билан ботил ўртасидаги мангу кураш ва даф қилиб туриш суннатидир.

Аллоҳ Таоло ушбу Уммат учун бутун тарихи мобайнида тил бириктирувлар, бузғунчиликлар, таъвиллар ва бидъатларни даф

қилиб турадиган зотларни чиқариб келди. Юз йилда бир марта динни янгилайдиган, уни қоим қилиб, мустаҳкамлайдиган кишини чиқаради. Шунинг учун Ибн Зойид, Ибн Салмон ва Сисийнинг режалари ҳеч қачон амалга ошмайди. Улардан олдингиларининг ҳийла-найранглари қандай муваффақиятсизликка учраган бўлса, уларнинг ҳаракатлари ҳам шундай бўлади. Аллоҳу Таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُواْ يُنَفِّقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدُّواْ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنَفِّقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُواْ إِلَى جَهَنَّمَ يُحْشَرُونَ﴾

**«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун сарфлайдилар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар маҳшарга тўпланурлар»** [Анфол 36] □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұмиллар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Озарбайжон-Арманистон уруши: «мусулмонларга қарши глобал уруш»</b>		
<p>Франция газеталарида «Zouaves Paris» (ZVP) номли экстремистик ўңг қанот ташкилоти лидери Марк де Каккере-Вальменирнинг арманлар билан озарларга қарши жанг қилиш учун Қорабоға бораман, деб айтган гаплари нашр қилинди. Ушбу хабарларда қүйидагилар таъкидланган:</p> <p>«ZVP» ташкилоти Озарбайжондаги урушни «Мусулмонларга қарши глобал уруш», деб атади. Де Каккере-Вальменир эса, ўзини «фашист», деб таништириб, ташкилотининг «нео-фашистик» мафкурага асосланганини таъкидлади. У ўнлаб йиллардан бери босиб олинган Қорабоғдаги арман сепаратистлари ва аскарлари «ZVP» ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланишини бир неча бор тасдиқлаб, «Қорабоғда бизнинг қитъамиз ва цивилизациямизнинг келажаги хавф остида», деди. Ҳозирда Қорабоғда Озарбайжонларга қарши арманлар тарафида жанг қилаётган французларнинг сони қанчалиги маълум эмас. Де Каккере-Вальменир арманлар билан ҳамкорликда «чет эллик кўнгиллилар бригадаси»ни тузмоқчи эканини билдирган. Бундан ташқари, Озарбайжон арман тарафда ажнабий аскарларнинг мавжудлигини, Курдистон Ишчилар партияси аскарлари борлигини ҳамда келиб чиқиши арман бўлган турли мамлакатлар фуқароларидан, айниқса, Ливан фуқароларидан таркиб топган қуролли тўдалар мавжудлигини таъкидлади.</p> <p>Бу «эски анъана» доирасида содир бўлмоқда. Зеро, экстремистик ўңг қанот ҳаракати ўтган асрнинг етмишинчи йиллари насронийлар тарафида туриб, Ливандаги жангда иштирок этишган. Ҳатто улар Мьянма ва Ангола сингари бошқа минтақалардаги низоларда ҳам қатнашишган. Яқинда Украинадаги можаро кўплаб француз жангчиларини урушга тортди ва «Зуав» ташкилоти мамлакатда фаол иш олиб борди. «Зуав» сўзи Жазоирни босиб олиш пайтида француз полкнинг номидан олинган. Ўша пайтда полк маҳаллий ва хорижий ёлланма аскарлардан иборат эди.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Исломга қарши уруш яширин ёки ошкора тарзда олиб борилмоқда. Буни давлатлар, якка шахслар ҳамда ҳақдан йироқ бўлган ирқчи гурухлан олиб боришмоқда. Анави арманлар эса, Халифалик давлатидан кўп яхшиликлар кўришган эди... Зеро, Халифалик барча миллатларга яхишилик қилган бўлса, арманларга кўпроқ яхшилик кўрсатган. Сенинг яхшилигингга нонкўрлик қилган одамнинг ёвузылигидан сақлан, деган гап нақадар ҳақдир.</p>		
Ал-Ваъй		39

## АҚШНИНГ «Исроил»ДАГИ ЭСЛЧИСИ: «ТРАМПНИНГ ЮТУФИ КЕЛАЖАКДА ЯҚИН ШАРҚНИ ЎЗ ЙИЛГА ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРАДИ»

«Jerusalem Post» номли инглиз тилида чиқадиган «Исроил» газетаси АҚШНИНГ «Исроил»даги элчиси Дэвид Фридманнинг гапларини нашр қилди. Фридман – Дональд Трамп иккинчи президентлик сайловида ютиб чиқса, у татбиқ қилмоқчи бўлаётган сиёsat Яқин Шарқни келаси юз йилга ўзгартериб юборишини билдириди. Шунингдек, Трампнинг «Исроил» билан муносабатларни нормаллаштириш доирасини кенгайтиришга ҳамда Эронга бўлган босимни кучайтиришга ҳаракат қилишини таъкидлади. Бундан ташқари, Фридман Қўшма Штатларнинг ҳозирги ва эртанги кутилаётган дўстларининг ушбу тинчлик доирасида қолиб, унинг самараларидан баҳраманд бўлажакларини, «анави душманлари эса, бу доирадан ташқарида қолажаклари»ни маълум қилди. Сўнг, Эроннинг тобора кучайиб бораётган босимлардан инграётганини, Фаластинга ёрдам берувчи донорларнинг «қурғоқчиликдан сўлиб-куриб бораётгани»ни таъкидлади. У Араб давлатларининг «Исроил» билан муносабатларни нормаллаштираётгани билан мақтанар экан, «5-10 нафар араб давлатлари биз билан муносабатларни нормаллаштиришга тайёр турибдилар, ана шунда фаластиналар үзларининг тарихий хатога йўл қўйишганини англаб етиб, йўналишларини ўзгартеришади», деган даъвони қилди. Ҳатто бу америкалик элчи «Трампнинг сайловда қайта президент бўлиши бизга қарши курашиб мафкурасини бизнинг самолётга миниш мафкурасига айлантиражак», дейишгача етиб борди.

**Ал-Ваъй:** «Исроил»нинг қўллаб-қувватланишини таъкидлаётган бу яхудий элчига айтар сўзимиз бундай: Эрон ҳам анави нормаллаштирувчи давлатлар йўлидан юрмоқда. Зоро, АҚШ Эронга «Исроил»га қарши зоҳирда душманлик қилиш позициясида туришини тайинлаган. Лекин ҳеч ким тушунолмаётган, фақат Роббилари буйруқларига риоя қилувчи мусулмонларгина яхши билаётган ҳақиқат шундан иборатки, «Исроил»ни битта кучдан ўзга ҳеч бир куч йўқ қилолмайди, у ҳам бўлса, Аллоҳнинг рошид халифаси етакчилиги остидаги куч-қувват әгалари бўлган бандаларидир. Ушбу муборак замин – Аллоҳнинг изни ила – нусрат бўсағаси томон тобора яқинлашмоқда.

### Ливан арманлари Қорабоғ урушига шу тарзда аралашишмоқда

Ливандаги арман маҳалла ва кўчаларида Арманистон гимнлари эшитилаётганидан ҳамда арман халқи ва Қорабоғда жанг

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>қилаётган арман аскарлари учун молиявий ёрдам түпданаётганидан уларнинг Озарбайжон-Арман урушини жиддий қўллаб-қувватлашаётгани сезилиб турибди. Улардан қўйидагича овозлар янграмоқда: «Биз ўз вужудимизни ҳимоя қиласиз», «Жисмимиз Ливанда, руҳимиз Арманистондадир. Жанг майдонида бўлолмаганимиздан ожизлик ҳис этмоқдамиз, аммо қўлимиздан келганча ёрдам тақдим этамиз», «тарихимиз ва тақдиримизни ўзгартириб юборган қатли омдан юз йил ўтиб, яна бизни Арцахда (Қорабоғда) қатли ом қилишга қаратилган ҳаракатни сезиб турибмиз», «Барчамиз ўз хоҳишимиз билан Арманистон армиясига қўшилиб бўлса ҳам, улар учун имконсиз ишларни қиласиз. Чунки ё вужудимиз масаласида қатъий турамиз ёки йўқ бўламиз». Улар жангда қатнашаётган арманларнинг «ёлланган аскарлар», дея аталаётганига норозилик билдириб, уларни «Арманистон ва бутун дунёдаги вужудларини мудофаа қилаётганлар», деб ҳисоблашмоқда. Шундай қилиб, биз Ливандаги арманларнинг кузатиш ва хавотирланиш билан ҳаёт кечиришаётганига гувоҳ бўляпмиз. Оқибатда улардан ўnlабининг ёрдамларни етказиб бериш ёки уларнинг кучлари олдида жанг қилиш ёхуд жангларни кузатиб, уларнинг ривожини сурат ва видеоларга тушириш мақсадида Арманистонга сафар қилишаётганини кўряпмиз. Ливандаги арманларнинг Арманистондаги арманлар билан қариндошлиқ алоқалари мавжуд бўлиб, бу уларни ўлганлар рўйхати орасидан ҳар куни ўз танишларининг номини излашларига мажбур қилмоқда.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Арманлар қаерда яшамасинлар Арманистонни ўз ватанлари, деб, ўзларини битта миллат деб ҳисоблашади ҳамда мусулмонларга барча масалаларда ўз душманлари деб қарашади.</p> <p><b>Амирликлар Макронни ҳимоя қилиб, унинг мусулмонларга қарши ҳар бир позициясини қўллаб-қувватламоқда</b></p> <p>«CNN» телеканали хабарида бундай дейилади: «Абу-Даби валиаҳди шайх Мұхаммад ибн Зойид оли Наҳён Франция президенти Эммануэль Макрон билан телефон орқали суҳбатлашиб, террористик ҳаракатларнинг барча самовий динларга зидлигини ва «Нафратга чақирувчи нутқлар»га қарши эканини таъкидлади. У «Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг чуқур ва мустаҳкам» эканини ва Франция бошдан кечирган террористик ҳужумларни қоралашини билдириди. Шунингдек, «Жинояткорлик, зўравонлик ва террорчилик учун мутлақо оқлов йўқ»лигини билдирилар экан, «Францияда маданий хилма-хиллик борлигини, мусулмонлар бу юртнинг фуқаролари бўлиб, қонун ва давлат</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадидир. Унга зулм килемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
ташкилотлари соясида ҳаёт кечираётгандарини, Франция давлати эса, уларнинг эътиқодлари ва маданиятларини ҳурмат қилаётганини, улар айни доирадаги хуқуқларидан фойдаланаётганини қадрлаши»ни таъкидлади.		
Амирликлар ташқи ишлар вазири Анвар Қорақош ҳам худди шундай нуқтаи назарда. У «Die Welt» газетасига берган интервьюсида «Макрон мусулмонларни четлатиш истагини билдириди», деган фикрни рад қилиб, «Макроннинг нутқида айтган гапларига қулоқ солиш керак. У Farbdagi мусулмонларни изоляция қилмоқчи эмас. У мутлақо ҳақ», деди. У шунингдек, «Франциядаги мусулмонлар чиройлик суратда қоришмоқлари лозим, жамиятдаги экстремизм ва терроризмга қарши кураш билан параллел равишда бу мақсадни амалга ошириш йўлларини излашга Франция давлатининг ҳаққи бор», деда қўшимча қилди».		
<b>Ал-Ваъй:</b> Шайх Мұхаммад ибн Зойид Исломга қарши курашиши ва исломчиларга қарши уруш қилиши билан энг кўп танилган ҳукмдорлардан саналади. Шунинг учун унинг Франция раҳбари билан сўзлашиши Макронни қўллаб-қувватлаётганини ҳамда Исломга қарши кампаниясида нима қилиши кераклиги тўғрисида унга насиҳат қилаётганини англатади.		
<p style="text-align: center;"><b>Британия ҳукумати матбуот котибасининг твиттерда Абу Бакр Сиддиқ сўzlаридан иқтиbos келтириши фаоллар томонидан қўллаб-қувватланди</b></p>		
Британия ҳукуматининг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка масалалари бўйича матбуот котибаси Рози Диаз ўз твиттерида Абу Бакр Сиддиқ (Набий ﷺдан кейинги биринчи рошид халифа)нинг сўzlаридан иқтиbos келтирди. Бу нарса ижтимоий тармоқларидағи фаоллар томонидан кенг суратда қўллаб-қувватланди. Рози ўз ҳисоботида бундай дейди: «Абу Бакр Сиддиқ ﷺ (мевали дарахтларни кесманглар, обод ерларни хароб қилманглар, кўй ва туяларни нобуд қилманглар, ейиш учун сўйсангиз майли, хурмозорларни ёқманг ва сувга фарқ қилманг...), деганлар. Бугун биз яқинда Британияда «26-Иқлим ўзгариши саммити»ни ўtkазишимиз учун ўша замондаги мана шу гапларни такрорлаймиз, барчамиз биргаликда бундай глобал иқлим ўзгариши оғатига барҳам бериш учун ер юзини ҳимоя қилишимиз керак».		
Жазирама иссиқ кунларининг йилига яна йигирма кунга ҷўзилиши, экотизимларнинг бузилиши, бир миллиарддан зиёд одамнинг ўй-жойларини ташлаб чиқиши... буларнинг барчаси 2050 йилгача жамиятни йўқ қилиши мумкин бўлган эҳтимолли сценарийлар ҳисобланади. Агар биз иқлим ўзгаришини тўхтатиш		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>учун зудлик билан кескин чоралар күрмасақ, бизни қоронғи келажак күтмоқда. Бу ҳақда Австралияның собиқ ҳарбий құмандони томонидан құллаб-құвватланувчи тадқиқот маркази ҳисоботида айтилган. Мельбурнда жойлашған иқlim үзгаришини тадқиқ қилиш бүйіча миллий марказнинг ушбу ҳисоботи келажакни жуда қора тасвирлайды. Чунки ҳисоботга күра, бұғун бир миллиарддан зиёд инсон үй-жойларини ташлаб чиққан, озиқ-овқат ишлаб чиқарылыш пастилаган ҳамда дунёning энг ахолиси зич бўлган шаҳарларидан баъзилари қисман тарқ этилиш арафасида турибди...».</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Британия ҳукуматининг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка масалалари бүйіча матбугот котибаси Рози Диазнинг ўз твиттерида Абу Бакр Сиддиқнинг сўзларидан иқтибос келтириши, Исломнинг бутун дунёга покиза истиқболли ҳазорат сифатида келаётганини, бир вақтнинг ўзида, Farb ҳазоратининг муваффақиятсизлиги намоён бўлаётганини күрсатмоқда. Дарҳақиқат, бутун дунё халқларига таҳдид солувчи глобал кризисни пайдо қилған мана шу Farb ҳазоратидир. Зоро, капиталистларда очкўзлик ва манфаатпарастлиқдан ўзга ташвиш йўқ экан, демак, ушбу кризис ҳам асло ҳал бўлмайди.</p>		
<h3 style="text-align: center;">Хитой минглаб үйғур болаларини ота-оналаридан айримоқда</h3>		
<p>Британияда чиқадиган «Гардиан» газетасининг ёзишича, Хитойдаги «оилаларни ажратиш бүйіча мунтазам сиёsat»дан минглаб үйғур мусулмон болалари азият чекмоқдалар. Чунки болаларнинг оталари ёки оналари ёхуд уларнинг ҳар иккиси Хитой ҳукумати томонидан ё ҳибсда сақланмоқда, ёки қамоқ ва турли қамоқ муассасаларида ҳукм ўташмоқда. Тадқиқотчи Адриан Зенц бундай дейди: «Пекиннинг Шинжондаги беқарор озчиликларни бўйсундириш стратегияси фақат қамоққа ташлашга чекланмай, ҳатто уларни узоқ муддатли ижтимоий назоратда ушлаб туриш даражасида кенгаймоқда. Бундай уруш эса, келаси авлодлар диллари ва ақлларига салбий таъсир қилмоқда». БМТ ҳисоботида Шинжонда бир миллиондан зиёд мусулмоннинг қамоқда ётгани айтилади. Инсон ҳуқуқлари фаоллари ва тадқиқотчиларига кўра, ушбу қамоқларда инсониятга қарши жиноятлар ва қатли омлар содир этилмоқда. Бундай қилмишлардан маҳаллий маданиятни йўқ қилиш ва үйғур ахолиси ўсишини тұхтатиш кўзланган. Бу ёқда эса, хитойлик расмийлар үзларининг айни сиёsatларини «қашшоқликни камайтириш ва терроризмга қарши кураш» дастаги билан оқлашмоқда. Кўп ҳолларда бу болалар давлатга қарашли</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخُرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадидир. Унга зулм килмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
етимхоналарга ёки кучайтирилган хавфсизлик чоралари ўрнатилган мактаб-колонияларга юборилмоқда. Хитой ҳукумати ўқувчиларни ўша ердан яқиндан назорат қилишга муваффақ бўляпти. Болалар ўрта мактабнинг барча синфларида ўз она тилларида эмас, балки шимолий Хитой тилида гаплашадилар. Тъъкидлаш жоизки, Қўшма Штатлар Хитойни Шинжондаги уйғур ва бошқа мусулмон озчиликка нисбатан муносабатини қоралаб келади ҳамда қонунбузарлиқда айблангандан хитойлик расмийларга қарши санкцияларни жорий қилмоқда.		
<b>Ал-Ваъъ:</b> Дунёдаги бошқа мусулмонлар қатори уйғур мусулмонлари ҳам ўз динлари сабабли азоб-уқубатлар чекмоқдалар. Биз Америка бу қонунбузарликларни қоралаяпти, деган гапни эшиштаган бўлсак-да, бироқ ўз навбатида, Американинг ўзи мусулмонларга қарши Хитойдан кўпроқ жиноятлар содир этмоқда, ҳатто бу борада Хитойнигина эмас ҳаммани доғда қолдирган. Бу давлатларнинг бари ўзларининг айни қилмишларини «терроризмга қарши кураш», деган иддао билан содир этишмоқда. Америка Хитойга қарши ўзининг совук уруши пайтида мана шундай айловлардан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўляпти...		
Уйғурларнинг азоб-уқубатлари дунёдаги бошқа барча мусулмонларнинг азоб-уқубатларидан фарқсиз ўлароқ, Аллоҳнинг изни ила яқинлашиб келаётган Халифалик давлатисиз асло ҳал бўлмайди. Мудом мусулмонлар барча азоб-уқубатларининг тугашини истаётган бўлсалар олдиларида фақат мана шу битта йўл бордир.		
<b>Марокаш билан «Исройл» ўртасидаги хавфсизлик келишуви очиқ-ошкор нормаллашувнинг бошланишидир</b>		
Марокашнинг хавфсизлик бўйича юқори даражадаги делегацияси «Исройл» пойтахтидаги меҳмонхонада бир ҳафталик яширин сафарда бўлган. Бу ҳақда «Исройлия» канали хабар берди. Сафар давомида «Қўшма ҳамкорлик» деб номланган келишувга эришилган. Аслида, Марокаш-«Исройл» ҳамкорлиги бугунга келиб пайдо бўлиб қолмаган. Бироқ, ҳозирча, жамоатчилик эътиборидан узокда, муносабатларни нормаллаштириш доирасида ҳамкорликнинг янги босқичи бошланди. Дарҳақиқат, Марокаш-«Исройл» муносабатлари иқтисодий жиҳатдан, оммавий ахборот воситаларидан узок ҳолда илгариламоқда. Ҳолбуки, икки давлат ўртасидаги савдо айирбошлишда катта ўсиш ва фаоллик кузатилмоқда».		

**Ал-Ваъй:** Марокаш Исройл билан муносабатларни яширинча нормаллаштирган араб давлатлари орасидаги уларнинг энг пешқадамларидан бири. У «Қуддус қўмитаси»га раҳбарлик қилиб келмоқда. Агар у муносабатларни очиқ-оидин нормаллаштиришга қадам қўйса, унинг ушбу қўмитани бошқаришдаги яширин роли ошкор бўлиб қолади. Зеро, у Фаластин масаласини ҳар томонлама назорат остида ушлаб туришга қаратилган ролларнинг бўлинишида катта роль ўйнаган. Унинг бу ишини мусулмонлар учун ёмон, деб ўйламаслик керак. Балки бу нарса мусулмонлар учун яхшиликдир. Зеро, муносабатларнинг нормаллашиши – ҳукмдорларнинг нормаллашиши бўлиб, мусулмонлар бундан мутлақо покдирлар. □

## ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

﴿إِلَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَإِنْ تُبَدُّوا مَا فِي أَنفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ يُحَاسِبُكُمْ بِهِ إِلَهٌ فَيَغْفِرُ لِمَنْ يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

**«284. Самовот ва ердаги бор нарса Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади ва Ўзи истаган кишини мағфират қилиб, Ўзи истаган кишини азоблади. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир»** [Бақара 284]

Мана бу уч оят Бақара сурасининг хотимасидир. Сура қайси мавзуда бошланган бўлса, ўша мавзуда ниҳояланяпти. Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, Мұхаммад ға ва бошқа пайғамбарларга нозил қилинган ҳукмларга имон келтириш.

Суранинг бошланишида мўминларнинг нажот топишлари айтилган бўлса, охирида ҳам саҳобалар тили билан айтганда фараж (кенглик, ғамларнинг ариши, бемалоллик), яъни, Аллоҳнинг диллардан ўтадиган гуноҳларни кечириши, фақат зоҳирий амаллардангина ҳисоб олиши, Ўз раҳматининг бепоёнлиги, мўминларга раҳмли ва шафқатли экани ҳақидаги оят нозил бўлди.

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا أَكْتَسَبَتْ﴾

**(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилимайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир).**

Ҳа, Аллоҳнинг фазлу марҳамати бепоён. Мўминларга раҳмли ва шафқатли бўлган Аллоҳ уларга қалбларни ўйғотадиган, дилларни яйратадиган ўша машхур дуони ўргатди.

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تُخْمِلْ عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْنَا وَعَلَى الَّذِينَ

من قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُخْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ وَأَعْفُ عَنَّا وَأَغْفِرْ لَنَا وَأَرْجُمَنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانْصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

**(Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизига биздан илгари ўтганларнинг буйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни**

**ағв эт, (гұноҳларимизни) мағфират қил, (холимизга) раҳм айла! Үзинг хожамизсан! Бас, бу коғириң қавм устига Үзинг бизни ғолиб қил!.**

Бу буюк суранинг якунида келган мана шу уч оятда Буюк Аллоҳнинг мүмин бандаларига нисбатан фазлу марҳамати баён қилинганды. Буюк арш Парвардигори Аллоҳ ҳар қандай нүқсондан покдир.

### **Аллоҳ Таоло бу оятларда қуидагиларни баён қилади:**

1 – Аллоҳ осмонлару ернинг улар орасидаги нарсаларнинг Эгасидир. Үзи истаганча иш тутади. Унинг ҳұммити ҳеч ким рад эта олмайды. Ошкорға қилинганды ишларни ҳам, дилдаги яширин үйларни ҳам билади. Ҳар бир амалдан ҳисоб олади. Хоҳлаган одамини мағфират қилади, хоҳлаганини азоблайды. Аллоҳ ҳар ишга Қодирдир.

Мұслим Ибн Аббосдан ривоят қилади:

﴿وَإِن تُبْدُوا مَا فِي أَنفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ يُحَكِّمُ بِهِ اللَّهُ﴾

**(Ичингиздеги нарсаны хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади)** ояты нозил бўлганда уларнинг дилларига олдин кирмаган нарсалар ҳам кирди. Шунда Пайғамбар ﷺ,

«فُلُوا سِعْنَا وَأَطْعَنَا وَسَلَّمْنَا. قَالَ: فَأَلَقَ اللَّهُ الْأَيْمَانَ فِي فُلُوْبِهِمْ فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى»

«Эшитдик, итоат этдик ва таслим бўлдик, деб айтинглар, дедилар. Ровий айтади: Бас, Аллоҳ уларнинг дилларига имонни ташлади ва

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

**(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди)** оятыни нозил қилди».<sup>1</sup>

Мұслим ва Аҳмадлар Абу Ҳурайра رضдан чиқарған бошқа бир ривоятда шундай дейилади: «Пайғамбар ﷺ га

﴿وَإِن تُبْدُوا مَا فِي أَنفُسِكُمْ﴾

**(Ичингиздеги нарсаны хоҳ ошкор қилинг)** ояты нозил бўлгач, саҳобаларни унинг юки босди ва Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسالہ وآلہ وسالہнинг олдиларига келишиб, эй Аллоҳнинг пайғамбари, бизга намоз, рўза, жиҳод, садақа каби тоқатимиз етадиган ишларни юкланды, Аллоҳ Таоло мана бу оятни нозил қилди, биз унга тоқат қила олмаймиз, дейишди. Шунда Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسالہ وآلہ وسالہ уларга, **сизлар аҳли китобларга ўхшаб,**

<sup>(1)</sup> Мұслим: 180. Термизий: 2918. Аҳмад: 1 / 233. Ибн Ҳибон: 11 / 458.

﴿سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا﴾

**(Эшитдик ва бўйсунмадик) демоқчи бўляпсизларми, аксинча, сизлар**

﴿سَمِعْنَا وَأَطْعَنَا عُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمُصِيرُ﴾

**(Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз)** деб айтинглар, дедилар. Қавм бу гапни маъқуллаб, ўша гапни тилларидан чиқаргандаридан кейин ортидан

﴿ءَمَّا مَنْ أَرَسَوْلُ﴾

**(Пайғамбар имон келтирди)** ояти нозил бўлди. Улар шу ишни қилишгач, Аллоҳ Таоло уни насх қилиб,

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

**(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди)** оятини нозил қилди».<sup>1</sup>

Мана шу икки оятдан кўриниб турибдики,

﴿وَإِنْ تُبَدِّلُ مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ يُحَاجِبُكُمْ بِهِ اللَّهُ﴾

**(Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қиласи)** ояти

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

**(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди)** ояти билан насх қилинган. Бу гап инсоннинг дилидаги ўйларидан ҳисоб олинишига доир гап.

﴿أَوْ تُخْفُوهُ يُحَاجِبُكُمْ بِهِ اللَّهُ﴾

**(Яширсангиз ҳам, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қиласи)**

а) Бу ерда, қандай қилиб хабар насх қилинади,

﴿وَإِنْ تُبَدِّلُ مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ يُحَاجِبُكُمْ بِهِ اللَّهُ﴾

**(Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қиласи)** ояти хабар сийғасида келяпти-ку, дейилмайди. Негаки, у гарчи хабар сийғасида келаётган бўлса-да, унда қилмаслик талаби ҳам, яъни, зоҳирий амалларингиз ҳам, ботиний амалларингиз ҳам фақат яхшилик бўлсин, Аллоҳ зоҳирий ишларингиздан ҳам, ботиний ишларингиздан ҳам ҳисоб олади, дейиляпти. Лўндароқ қилиб

(1) Муслим: 179. Аҳмад: 1 / 332.

айтганды, унда ёмонликни ошкора қилишдан ҳам, күнгилдан ўтказишдан ҳам қайтариляпты. Шунинг учун саҳобалар ундан ёмонликни ошкора ҳам қилмандар, дилинглардан ҳам ўтказманглар, деган таклиф (буйруқ) маъносини үқсанлар. Шунинг учун бу оят, яғни, дилдан ўтган ўй учун ҳам ҳисобга тортилиш уларга оғирлик қилған. Чунки улар кишининг хаёлидан ҳар хил ўйлар ўтаверади, Аллоҳдан қўрқиш ва жаннатни эслаш уларни амалга оширишдан қайтаради, деб ҳисоблардилар. Дилдан ўтган ўй учун ҳам ҳисобга тортилиш улар учун жуда оғир бўлиб туюлган.

Шунга кўра, оятдаги хабар сийғаси (дарак гап) – жумлалай шартия қилмасликка буюриш маъносида келяпты. Яғни, унда зоҳирий ёки ботиний бўлишидан қатъий назар, ёмон ишни қилишдан ва ёмон гапни айтишдан қайтариляпты.

Бу оят Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ عِشْرُونَ صَدِّرُونَ يَعْلَمُوْ مَا تَنْتَيْنَ﴾

**«Агар сизлардан йигирмата сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзта (душманни) енгар!»** [Анфол 65]

деган ояти кабидир. Бу ерда ҳам хабар сийғаси – жумлаи шартия буйруқ маъносида келяпты. Яғни, бу оятдан сизлардан биттангиз коғирлардан ўнтаси билан жанг қилсин, деган маъно англашиляпты. Кейин бу оят

﴿الَّهُنَّ حَفَّ اللَّهُ عَنْكُمْ وَعَلِمَ أَنَّ فِيهِنَّ مَنْ كُمْ مِائَةً صَابِرٌ يَعْلَمُوا مَا تَنْتَيْنَ﴾

**«Энди Аллоҳ сизларнинг (юкингизни) енгил қилди, сизларда ожизлик борлигини билди. Бас, сизлардан юзта сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзта (коғирни) енгар!»** [Анфол 66]

ояти билан насх қилинган. Яғни, бир киши улардан иккитасини енга олади.

6) «Шунингдек, кишининг ичидә, күнглида яширган нарсаси ақидага алоқадор бўлса, Аллоҳ уни бу тўғрида ҳисоб қиласи. Бу ҳукм боқийдир. Насх эса ҳукмни бекор қилиш демакдир. Шунга биноан, бу ерда насх йўқ, балки бу оят шаръий ҳукмлар ҳақидаги

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

**(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди)** ояти билан хосланяпты», дейилмайди.

Негаки,

﴿وَإِنْ تُبَدُّوا مَا فِي أَنفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ يُحَاسِبُكُمْ بِهِ اللَّهُ﴾

**(Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қиласи)** ояти

ақида ҳақида әмас, шаръий ҳукмлар ҳақидадир. Бунга қарина оят якунидаги

﴿فَيَغْفِرُ لِمَن يَشَاءُ﴾

(**Ўзи истаган кишини мағфират қилади**), деган иборадир. Мағфират ақидага тегишли әмас. Чунки дилга шак-шубҳа кириши күфөдір. Аллоҳ ширкни кечирмайды.

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَن يُشْرِكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَن يَشَاءُ﴾

**«Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечируг»** [Нисо 48]

Зоҳирий ёки ботиний ишларнинг мағфират қилиниши эҳтимоли борлиги бу оятнинг ақида ҳақида әмас, шаръий ҳукмлар ҳақида нозил бўлганини кўрсатувчи ҳужжатдир.

в) Шунингдек, оятни насхдан четлатишга уринишнинг ҳечам ҳожати йўқ. Масалан, у гувоҳликни ошкора ё маҳфий қилишга алоқадор ёки очиқча ёмонлик қилишинглар ё яширин ёмонлик қилишингларга алоқадор,

﴿تُبَدُّوْ مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

(**Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг**), дегани гувоҳликни ёки ёмонликни ошкора қилиш маъносида бўлиб,

﴿أَوْ تُخْفُوا﴾

(**Хоҳ яширинг**), дегани эса гувоҳликни ёки ёмонликни яширин қилиш маъносидадир, дейишга ҳожат йўқ. Чунки бу ердаги мавзу ошкора ёки яширин қилиш мавзусидир.

﴿تُبَدُّوْ مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

(**Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг**),

﴿أَوْ تُخْفُوا﴾

(**Хоҳ яширинг**),

﴿مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

(**Ичингиздаги нарсани**), деган гап шуни кўрсатади. Лекин агар бир гап ёки иш ошкора ёки яширин қилинса, у

﴿وَإِن تُبَدُّوْ مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

(**Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг**), деган гапга тегишли бўлиб қолади. Чунончи, бир кишидан гувоҳлик қилиш сўралса ва у рад этса ёки гапнинг бир қисмини яшириб, қолган қисмини гапирса ёки ўзgartирса, ўрин алмаштирса, бу иш

﴿أَوْ تُخْفِهُ﴾

**(Хоҳ яшириңг),** деган гапга әмас,

﴿وَانْ تُبَدِّلُوا﴾

**(хоҳ ошкор қилинг),** деган гапга тегишли бўлади. Чунки оятдаги махфий қилиш сўз ёки амал билан ошкор қилмаслиkdir. Бунга қарина

﴿فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

**(Ичингиздаги)** деганидир. Шунинг учун

﴿أَوْ تُخْفِهُ﴾

**(Хоҳ яшириңг),** деган гапни бундай тафсир қилиб бўлмайди. Модомики, лафз таъвилсиз ҳам шундоқ кўриниб турган экан, насхни четлатиш учун оятни узоқ маъно билан таъвил қилиш дуруст әмас. Бу бир томондан Иккинчи томондан юқорида айтиб ўтганимиз бу оятнинг нозил бўлиши ҳақидаги ривоятларда бу оятнинг насх қилингани айтилган. Кўп сонли саҳобалар ﷺ ҳам шу гапни айтганлар.

г) Агар

﴿مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

**(Ичингиздаги нарсани)** деган гапдан мурод кўнгилга келадиган ўй бўлса, Аллоҳ бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани таклиф қилган бўлиб қолади, чунки дилдаги ўйларни қамраб бўлмайди, яъни, оят насх бўлишидан олдин тоқат қилиб бўлмайдиган нарсани таклиф қилиш бўлиб қолади, деган гап ҳам айтилмайди.

Негаки, оятдаги махфий қилиш кўнгилга келадиган ўйларга әмас, дилга бир ёмонликни туғишига алокадордир. Масалан, кимдир дилида ўғирлик ё зино қилмоқчи ёки кимнидир сўкмоқчи бўлади ю лекин уни амалда бажармайди. Мана шу дилга тугилган ишлар бўлиб, инсон уларни қамраб олишга қодир. Демак, оятдан тоқат қилиб бўлмайдиган ишни таклиф қилиш маъноси чиқмайди.

Оят насх бўлишидан олдин Аллоҳ Таолонинг шу ишлар учун (гарчи улар амалга оширилмаган бўлса-да), ҳисоб олишини ифодаларди. Шунинг учун мусулмонлар буни оғир кўрдилар. Чунки нафс ёмонликка буюрувчидир. Бундай ўйлар гоҳида кишининг дилига келади, лекин у Аллоҳдан қўрқиб, уларни қилмайди. Агар очиқчасига қилинмаган ишлар учун ҳам жазо бор бўлса, уни кўтариш оғир.

Лекин агар фақат очиқ қилингандан ишни айтилган гап учунгина ҳисоб берилса, осонроқ бўлади. Гоҳида бир ёмонликни кўнглига тугади ю лекин Аллоҳнинг ғазабидан, жаҳаннам азобидан қўрқиб,

фикаридан қайтади ва у ишни қилмайди. Демак, мусулмонларға ҳали очиқ қилмаган ишлари ёки айтмаган гаплари фақат дилларидан үтгани учунгина жазоланишлари, ҳисобға тортилишлари оғирлик қилған.

Аллоҳ уларнинг дуоларини ижобат қилиб, уларга раҳм қилиб, бу оятни насх қилди. Бундан буён таклиф, ҳисоб ва жазо банданинг очиқ қилған ишига нисбатан қўлланадиган бўлди. Диляда ўйлаган ёмон иши ёки гапи учун эса у ҳисоб бермайдиган бўлди.

Пайғамбар ﷺ мана бу саҳих ҳадислари ҳам шу маънени таъкидлайди:

«إِنَّ اللَّهَ تَجَوَّزُ عَنْ أُمَّقَىٰ مَا حَدَّثَتْ بِهِ نَفْسَهَا مَا لَمْ تَفْعَلْ أَوْ تَتَكَلَّمُ»

**«Модомики, Умматим очиқ бир ишни қилмаган ёки бир гапни айтмаган экан, унинг кўнглидан үтган ёмонликни Аллоҳ кечиради».**<sup>1</sup>

Муслим Абу Ҳурайра йўлидан чиқарған мана бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ هُمْ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلُهَا كُتِبَتْ لَهُ حَسَنَةٌ وَمَنْ هُمْ بِسَيِّئَةٍ فَعَمِلَهَا كُتِبَتْ لَهُ عَسْرًا إِلَى سَعْيٍ  
مِائَةً ضِعْفٍ وَمَنْ هُمْ بِسَيِّئَةٍ فَلَمْ يَعْمَلُهَا لَمْ تُكْتَبْ وَإِنْ عَمِلُهَا كُتِبَتْ»

**«Ким бир яхшиликни қилмоқчи бўлсаю қилмаса, унга бир яхшилик ёзилади. Ким бир яхшиликни қилмоқчи бўлса ва қилса, унга ўнтадан етти юз мартағача кўпроқ яхшилик ёзилади. Ким бир ёмонликни қилмоқчи бўлса, лекин қилмаса, унга ёмонлик ёзилмайди. Ким бир ёмонликни қилмоқчи бўлса ва қилса унга ёзилади».**

Демак, оят насх бўлишидан олдин, киши ўғирлик қилиш, зино қилиш, кимгадир тажовуз қилиш каби бирор ёмонликни ўйласа, лекин уни сўзда ҳам амалда ҳам бажармаса-да, барибир ҳисобға тортилади, деган маънени англатган. Насх қилинганидан кейин эса фақат иш ёки сўз очиқ бажарилганидан кейингина банда ҳисобға тортиладиган бўлган. Дилядан үтган ёмонликни эса Аллоҳ кечирган. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳаматидир.

Шунинг учун ҳам мусулмонлар унинг насх қилинишини ўзлари учун фараж (кенглик, бемалоллик) деб эътибор қилишиди. «То Аллоҳ фаражни нозил қилгунича», деган гап Аллоҳ Таолонинг

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

**(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди),** деган ояти хусусида айтилганди.

<sup>(1)</sup> Бухорий: 5269. Муслим: 201, 202.

﴿فَيَغْفِرُ لِمَن يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَاءُ﴾

(*Ўзи истаган кишини мағфират қилиб, Ўзи истаган кишини азоблайди*), Аллоҳ Таоло мағфиратни жазодан олдинга қўйяпти. Негаки, У Зотнинг раҳмати ғазабидан муқаддамдир. Бу билан мўминлар мағфират сўрашга, Аллоҳга яқинлик қилишга, Аллоҳнинг ғазабидан, азобидан қўрқишга ундаляптилар.

﴿وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

(*Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир*) У Зот бандалари устидан Фолибидир. Унинг ҳукмини ҳеч ким рад эта олмас. Агар кечирса, бас, У Кечиримли, Раҳмли Зотдир. Агар азобласа, бас, Азиз ва Ҳакимдир.

2 – Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ ва у кишига эргашган мўминларни эъзозлаб, бизга уларнинг Аллоҳга, У Зотнинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига қатъий имон келтирғанларини хабар қиляпти. Бу Пайғамбар ﷺning ва у кишининг изидан борган мўминларнинг қилган ишига Аллоҳнинг гувоҳлиги, демакки, уларнинг ўзларини эъзозлашидир.

Аллоҳ уларни имонлари содик ва ихлослари қаттиқ бўлгани учун, Аллоҳга қулоқ согланлари ва итоат этганлари учун, бир куни Аллоҳга қайтиб боришларига имон келтирғанлари учун, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан умидвор бўлганлари учун, шу билан бирга Аллоҳнинг ҳамма пайғамбарларига ишонганлари ва уларни бир-бирларидан ажратмаганлари учун эъзозлади. Аллоҳнинг пайғамбарлари пайғамбарликлари жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилмайдилар. Лекин Аллоҳ уларга айрим имтиёзлар ҳам берган. Масалан, Мұхаммад ﷺning рисолатини якуний рисолат қилиб, у билан олдинги пайғамбарларнинг шариатларини насх қилган. Буни

﴿تِلْكَ الرَّسُولُ فَضَّلَنَا بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ﴾

**«Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик»**  
[Бақара 253]  
ояти билан

﴿لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْ رُسُلِهِ﴾

(*Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз*) ояти ўртасида зиддият йўқлигини шарҳлаган пайтимизда айтиб ўтгандик. Ўшанда кейинги оят пайғамбарлик жиҳатидан фарқланмаслик ҳақида, дегандик. Демак, пайғамбарлар пайғамбарлик жиҳатидан бирдирлар, улар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Аллоҳ Таоло Ўзининг Китобида мана шундай баён қилди. Пайғамбар ﷺ ўзларининг суннатларида мана шундай баён қилдилар. Мўминлар эса у кишининг изларидан бориб, қулоқ солдик, итоат этдик, Парвардигоро, мағфиратингни сўраймиз, қайтиб бориш Ўзингадир, дедилар. Олдин эса Аллоҳ Таоло айтганидек,

﴿كُلُّ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرَسُولِهِ لَا نُفَرَّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْ رُسُلِهِ﴾

(*Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига имон келтирган ҳар бир киши* (айтди): «*Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз*») дегандилар. Улар мўминлардир, содиқлардир, қулоқ соладилар, итоат этадилар, аҳли китобларга, кофириларга ўхшаб

﴿سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا﴾

**«Эшитдик ва бўйсунмадик»**

[Бақара 93]

демайдилар. Шунингдек, улар ҳар лаҳза Аллоҳдан мағфират сўрайдилар, охиратга, ўзларининг осмонлару ерни яратган Зотга қайтишлари аниқлигига имон келирадилар. □

## **ҚУРЬОНИ КАРИМНИНГ ФАЗИЛАТИ ВА ҚИРОАТИНИНГ САВОБЛИГИ ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР**

– Анас رضдан ривоят қилинган ҳадисда Росуулulloҳ айтадилар:

«إِنَّ لِلَّهِ تَعَالَى أَهْلِينَ مِنَ النَّاسِ. قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَنْ هُمْ؟ قَالَ: هُمْ أَهْلُ الْقُرْآنِ، أَهْلُ اللَّهِ وَخَاصَّةً»

**«Одамлар орасида Аллоҳнинг иккита аҳли** (суюкли дўсти) **бор.** Сўрадилар: Эй Аллоҳнинг Росули улар ким? Росуулulloҳ айтадилар: **Улар Қуръон аҳли ва Аллоҳнинг хос бандалариdir.** Саҳиҳул жоме китобидан. Мусулмон киши учун бундан кўра шарафлироқ сифат борми?!

– Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилинган ҳадисда Росуулulloҳ шундай дейдилар:

«إِنَّ مِنْ إِحْلَالِ اللَّهِ إِكْرَامَ ذِي الشَّيْبَةِ الْمُسْلِمِ، وَحَامِلِ الْقُرْآنِ غَيْرُ الْغَالِي فِيهِ وَاجْهَافُ عَنْهُ، وَإِكْرَامٌ ذِي السُّلْطَانِ الْمَقْسِطِ»

**«Кекса мусулмонни,** (Қуръонга амал қилишда) **ғулув кетмаган ва ундан йироқлашмаган** (яъни, ўрганганларини ўзлаштирмасдан ташлаб қўймаган) **ҳофизи Қуръонни ҳамда адолатли сultonни ҳурмат қилиш Аллоҳни улуғлашдир.** Абу Довуд ривоят қилган ва уни ҳасан саҳих ҳадис деган.

– Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилган ҳадисда Росуулulloҳ айтадилар:

«مَنْ قَرَأَ حِرْفًا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ فَلَمْ بِهِ حَسَنَةٌ، وَالْحَسَنَةُ بِعِشْرِ أَمْثَالِهَا، لَا أَقُولُ الْمَحْرُفُ، وَلَكِنْ أَلِفُ حِرْفٌ وَلَامٌ حِرْفٌ وَبِيمْ حِرْفُ»

**«Кимки Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бир яхшилик бўлур ва бу яхшилик ўзининг ўн баробари миқдорича бўлур. Мен Алиф лом мим битта ҳарф деб айтмаяпман, балки алиф битта ҳарф, лом битта ҳарф ва мим битта ҳарфdir.** Термизий ривоят қилган ва ҳасан саҳих ҳадис деган.

– Усмон ибн Аффон  ривоят қилган ҳадисда Росулуллох  айтадилар:

«خَيْرُكُمْ مَنْ تَعْلَمَ الْقُرْآنَ وَعَلِمَهُ»

«Сизларнинг энг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, ўргатганинглардир». Бухорий ривояти.

– Абу Умома Боҳилий ривоят қилган ҳадисда Росулуллох  айтадилар:

«أَقْرَءُوا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يُأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعًا لِأَصْحَابِهِ»

«Қуръонни ўқинглар, чунки у қиёмат куни ўз эгасини шафоат қилгувчи бўлиб келади». Муслим ривояти.

– Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ  шундай дейидилар:

«يُقَالُ لِصَاحِبِ الْقُرْآنِ إِقْرَأْ وَارْتَقِ وَرَتَنْ كَمَا كُنْتَ تُرْتَنُ فِي الدُّنْيَا فَإِنَّ مَنْزِلَكَ عِنْدَ آخِرِ آئِيَةٍ تَقْرُؤُهَا»

«Қуръон соҳибига, дунёда ўқиганингдек Қуръонни қироат билан ўқи ва юксал, чунки сенинг мақоминг охирги ўқиган оятинг даражасида бўлади, дейилади». Саҳиҳул Жоме китобидан.

– Жобир  айтади:

«كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَجْمُعُ بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ مِنْ قَتْلَى أَخْدٍ فِي ثُوبٍ وَاحِدٍ، ثُمَّ يَقُولُ: أَيُّهُمْ أَكْثَرُ أَخْدًا لِلْقُرْآنِ، فَإِذَا أُشِيرَ لَهُ إِلَى أَخْدِهِمَا قَدَّمَهُ فِي الْلَّهِدِ»

«Росулуллоҳ  Уҳудда қатл қилинган икки кишини битта кийимга жамладилар, сўнгра: Иккисидан қайси бири қуръонни кўпроқ ёд олган, дедилар. Шунда улардан бирига ишора қилинган эди, уни қабрга олдин қўйдирдилар». Саҳиҳ Бухорий.

– Абу Ҳурайра Пайғамбаримиздан шундай ривоят қиласи:

«مَا اجْتَمَعَ قَوْمٌ فِي بَيْتٍ مِنْ بَيْوَتِ اللَّهِ تَعَالَى يَتَلَوَّنَ كِتَابَ اللَّهِ وَيَتَدَارَسُونَهُ بَيْنَهُمْ، إِلَّا نَزَّلْتُ عَلَيْهِمُ السَّكِينَةُ، وَغَشِّيَّتْهُمُ الرَّحْمَةُ، وَحَفَّتْهُمُ الْمَلَائِكَةُ، وَذَكَرَهُمُ اللَّهُ فِيمَنْ عِنْدَهُ»

«Қайсики қавм Аллоҳнинг уйига йиғилиб, Аллоҳнинг китобидан тиловат қилса ва ўзаро дарс қилишса, уларга хотиржамлик тушади. Шунингдек уларни раҳмат чулғайди, фаришталар ўраб олади ва Аллоҳ

**Ўзининг ҳузуридагиларга уларни мақтайди».** Муслим ривояти.

— Абу Ҳурайра Пайғамбаримиздан шундай ривоят қиласы:  
«يَحِيٰ صَاحِبُ الْقُرْآنِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَيَقُولُ: يَا رَبِّ حَلَّهُ، فَيُلْبِسُ تَاجَ الْكَرَامَةِ، ثُمَّ يَقُولُ: يَا رَبِّ زَدْهُ، فَيُلْبِسُ حُلَّةَ الْكَرَامَةِ، ثُمَّ يَقُولُ: يَا رَبِّ ارْضَ عَنْهُ، فَيَرْضِي عَنْهُ، فَيُقَالُ لَهُ: إِقْرَأْ، وَارْقْ، وَيُزَادُ بِكُلِّ آيَةٍ حَسَنَةً»

**«Қиёмат куни Қуръонни ёд олган киши келади, шунда Қуръон: Эй Роббим унинг либосини кийидир, дейди. Шунда унга ҳурмат тожи кийидирилади, Қуръон эса: Унинг ҳурматини янада күтар, дейди. Унга ҳурмат либоси кийидирилади. Сўнгра Қуръон: эй Роббим ундан рози бўл, дейди. Кейин унга ўқи ва жаннатдаги юқори даражаларга кўтариш дейилади ва ҳар бир ўқиган ояти учун қўшимча яхшилик берилади».** Термизий ривоят қилган ва ҳасан саҳих ҳадис деган.

— Умар رضдан ривоят қилинган ҳадисда Росууллоҳ رض айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ يُرْفَعُ بِهَذَا الْكِتَابِ أَقْوَامًا، وَيَضْعُفُ بِهِ آخَرِينَ»

**«Албатта Аллоҳ бу Китоб билан бир қанча қавмларни юксалтиради, бошқаларни эса пастлатади».** Муслим ривояти.

— Абу Мусо Ашъарий Росууллоҳ رضдан шундай ривоят қиласы:

«مَثَلُ الْمُؤْمِنِ الَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ كَمَثَلِ الْأَتْرَجَةِ؛ رِجُلُهَا طَيْبٌ وَطَعْمُهَا طَيْبٌ، وَمَثَلُ الْمُؤْمِنِ الَّذِي لَا يَقْرَأُ الْقُرْآنَ؛ كَمَثَلِ التَّمَرَةِ لَا رِيحٌ لَهَا وَطَعْمُهَا حُلُونٌ. وَمَثَلُ الْمُنَافِقِ الَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ مَثَلُ الرَّيْحَانَةِ؛ رِجُلُهَا طَيْبٌ وَطَعْمُهَا مُرٌّ، وَمَثَلُ الْمُنَافِقِ الَّذِي لَا يَقْرَأُ الْقُرْآنَ كَمَثَلِ الْحَنْظَلَةِ لَيْسَ لَهَا رِيحٌ وَطَعْمُهَا مُرٌّ»

**«Қуръон ўқийдиган мўмин, таъми ҳам, бўйи ҳам ширин утружжа (цитрон) мевасига ўхшайди. Қуръон ўқимайдиган мўмин, таъми ширину, ҳиди йўқ бўлган ҳурмога ўхшайди. Қуръон ўқийдиган мунофиқ, бўйи ширину, таъми аччиқ райхонга ўхшайди. Қуръон ўқимайдиган мунофиқ, таъми ҳам аччиқ, ҳиди ҳам аччиқ заққумга ўхшайди».** Муттафақун алайҳ.

– Абу Ҳурайра Росулуллоҳ ﷺ шундай деган эди дея кўп тақрорлаган:

«مَا أَذْنَ اللَّهُ لِشَيْءٍ مَا أَذْنَ لِلنَّبِيِّ أَنْ يَتَغَيَّرَ بِالْقُرْآنِ»

**«Аллоҳ Пайғамбарининг Қуръон ўқиганини тинглаганчалик ҳеч нарсани тингламаган».** Бухорий ва Муслим ривояти.

– Уқба ибн Омир Жұханий айтади: Биз суфада (айвонда) ўтирган эдик, Росулуллоҳ ﷺ олдимизга чиқиб шундай дедилар:

«إِيُّكُمْ يُحِبُّ أَنْ يَعْدُوا إِلَى بُطْحَانَ، وَالْعَقِيقِ. فَيَأْخُذُ نَاقَتِينَ كَوْمَاتِينَ زَهْرَاوِينَ بِغَيْرِ إِثْمٍ بِاللَّهِ، وَلَا قَطْعَ (قَطْعَةً) رَحْمٌ؟ قَالُوا: كُلُّنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: فَلَأَنْ يَعْدُوا أَحَدُكُمْ كُلَّ يَوْمٍ إِلَى الْمَسْجِدِ، فَيَعْلَمُ آيَتِينَ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ حَيْرًا لَهُ مِنْ نَاقَتِينِ، وَإِنْ ثَلَاثْ فَتَلَاثٌ، مِثْلُ أَعْدَادِهِنَّ مِنْ الْإِبْلِ»

**«Қайси бирингиз ҳар куни эрталаб Бутхон ва Ақиқа бориб, гуноҳ қилмасдан (яъни ўғирлик қилмай) ва қариндошликини узмай иккита түя (қўлга киритиб) олиб келишни хоҳлайди деди. Улар эй Аллоҳнинг Росули барчамиз дейишиди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ: Унда ҳар куни масжидга келиб, Аллоҳнинг китобидан икки оят ўрганишингиз иккита туядан яхшироқдир. Уч оят эса учта туядан яхшироқ. Оятни қанча кўп ўргансангиз у шунча туядан яхшироқдир».** Муслим ривояти.

– Абу Ҳурайра Росулуллоҳ ﷺдан ривоят қиласи:

«إِذَا قَرَأَ ابْنُ آدَمَ السَّجْدَةَ فَسَجَدَ اعْنَزَ الشَّيْطَانُ يَبْكِي يَقُولُ: يَا وَيْلَهُ»

**«Агар одам боласи масжидда Қуръон ўқиса ва сажда қилса, шайтон ҳолига вой бўлсин дея йиғлаган ҳолда узоқлашади».** Абу Курайбнинг ривоятида эса:

«يَا وَيْلِي، أَمْرَ ابْنَ آدَمَ بِالسُّجُودِ فَسَجَدَ فَلَهُ الْجَنَّةُ، وَأَمْرَتُ بِالسُّجُودِ فَأَبَيَّثُ فَلِي النَّارُ»

**«Холимга вой бўлсин, одам боласи саждага буюрилган эди, сажда қилди ва унга жаннат бўлди. Мен эса саждага буюрилган эдим, бош тортдим ва менга дўзах бўлди»,** дейилади. Саҳиҳ Муслим.

– Абу Сайд Худрий Муовиядан ривоят қилишича:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ عَلَى حَلْقَةٍ مِنْ أَصْحَابِهِ، فَقَالَ: مَا أَجْلَسْتُكُمْ؟ قَالُوا: جَلَسْنَا نَدْكُرُ اللَّهَ وَنَحْمَدُهُ عَلَى مَا هَدَانَا لِلْإِسْلَامِ، وَمَنْ بِهِ عَلَيْنَا، قَالَ: إِنَّ اللَّهَ مَا أَجْلَسْتُكُمْ إِلَّا ذَاكَ؟ قَالُوا: وَاللَّهِ مَا أَجْلَسْنَا إِلَّا ذَاكَ، قَالَ: أَمَا إِنِّي لَمْ أَسْتَحْلِفُكُمْ تُهْمَةً لَكُمْ، وَلَكِنَّهُ أَتَانِي جَرْبِيلٌ فَأَخْبَرَنِي أَنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يُبَاهِي بِكُمُ الْمَلَائِكَةَ»

«Росууллоҳ саҳобалар ҳалқа бўлиб ўтиришган жойга келиб, нима қилиб ўтирибсизлар, дедилар. Улар: Аллоҳни эслаб ва бизни Исломга ҳидоят қилгани ва бизга уни неъмат қилиб бергани учун у зотга ҳамд айтиб ўтирибмиз, дейишди. Шунда Росууллоҳ: Сизлар фақат шунинг учун ўтирибсизми? дедилар. Улар эса: Аллоҳга қасамки фақат мана шу учун ўтирибмиз, дейишди. Шунда Росууллоҳ: Мен сизлардан шубҳа қилиб, қасам ичишингизни сўрамадим. Лекин менинг олдимга Жаброил фаришта келиб, сизларни фаришталарга мақтаётганини хабарини берди», дедилар. Саҳиҳ Муслим.

– Наввос ибн Самъон анзорий шундай ривоят қилади: «Қиёмат куни Қуръон ва унга амал қилганлар олиб келинади. Сўнгра Бақара ва Оли Имрон сураси келади. Росууллоҳ у иккиси учун уч нарсани зарбулмасал қилдилар, уларни ҳеч қачон эсимдан чиқармадим. Пайғамбар бундай дедилар: бу икки сура ўртасида нур бўлган икки қора булат ёки икки соя ёки қушларнинг икки тўдаси бўлиб келиб, шафоат сўраб ўз эгасини талашадилар». Саҳиҳи Муслим.

– Оиша айтади: Росууллоҳ айтадилар:

«الْمَاهُرُ بِالْقُرْآنِ مَعَ السَّفَرَةِ الْكِرَامِ الْبَرَّةِ، وَالَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ وَيَتَسَعَّنُ فِيهِ، وَهُوَ عَلَيْهِ شَاقٌ، لَهُ أَجْرًا»

«Қуръон соҳасида моҳир киши улуғ, итоатли мирзолар (яни, фаришталар) билан бирга бўлур. Қуръон ўқишида қийналганидан, тутилиб қоладиган киши учун икки ажр бордир». Муттафақун алайх.

– Бурайда айтади: Мен Росууллоҳ нинг шундай деб айтаётгандарини эшитганман:

«إِنَّ الْقُرْآنَ يَلْقَى صَاحِبَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حِينَ يَنْشَقُ عَنْهُ قَبْرُهُ كَالرَّجُلِ الشَّاهِبِ، فَيَقُولُ لَهُ: هَلْ تَعْرِفُنِي؟ فَيَقُولُ: مَا أَعْرِفُكَ، فَيَقُولُ لَهُ: أَنَا صَاحِبُ الْقُرْآنِ الَّذِي أَظْمَأْتُكَ فِي الْمَوَاجِرِ، وَأَسْهَرْتُ لَنِيلَكَ، وَإِنَّ كُلَّ تَاجِرٍ مِنْ وَرَاءِ تِجَارَتِهِ، وَإِنَّكَ الْيَوْمَ مِنْ وَرَاءِ كُلِّ تِجَارَةٍ، فَيُعْطَى الْمُلْكَ بِيَمِينِهِ، وَالْخُلْدَ بِشَمَائِلِهِ، وَيُوَضَّعُ عَلَى رَأْسِهِ تَاجُ الْوَقَارِ، وَيُكَسِّي وَالْدَّاهَ حُلَّتَيْنِ، لَا يَقُومُ لَهُمَا أَهْلُ الدُّنْيَا. فَيَقُولُانِ: إِنَّمَا كُسِّبَنَا هَذِهِ؟، قَالَ: فَيُقَالُ: بِأَخْذٍ وَلَدُكُمَا الْقُرْآنَ، مَمْ يُقَالُ لَهُ: اقْرَأْ وَاصْعَدْ فِي دَرَجَةِ الْجَنَّةِ وَغُرْفَهَا، فَهُوَ فِي صُعُودٍ مَا دَامَ يَقْرَأُ هَذَا كَانَ أَوْ تَرْتِيلًا»

«Қиёмат куни Қуръонни ёд олган кишини қабри очилган пайтда Қуръон унинг олдига ҳолдан тойган кишига үхшаб келади. Сўнгра унга мени танияпсанми дейди. Ҳофизи Қуръон эса: йўқ танимаяпман, дейди. Шунда Қуръон мен сени иссиқда чанқатган ва тунда бедор қилган дўстинг Қуръонман. Ҳар бир тохир тижорати ортидан кун кўради, албатта сен бугун барча тижоратдан устунсан. Сўнгра унинг ўнг қўлига мулк ва чап қўлига абадийлик берилади ва бошига виқор тожи кийдирилади. Ота онасига эса, дунё аҳли тенг келмайдиган либос кийдирилади. Шунда улар: бу либос нима учун бизга кийдирилди? - дея сўрашганда, уларга ўз фарзандингизга Қуръонни таълим берганингиз учун дейилади. Сўнгра ҳофизи Қуръонга ўқи ва жаннатнинг юқори қисми ва даражаларига кўтарил дейилади. Шунда у Қуръонни ўқир ёки тартил қиласар экан, юксалаверади». Ушбу ҳадис сахих бўлиб, уни Имом Аҳмад ва Ибн Можжа ривоят қилган.

- Абу Саид Ҳудрий Росулуллоҳ ﷺдан шундай ривоят қилади: Барча шериклардан пок Аллоҳ Таоло айтади:

«مَنْ شَعَلَةَ الْقُرْآنَ وَذَكْرِي عَنْ مَسْأَلَتِي أَعْطَيْتُهُ أَفْضَلَ مَا أَعْطَيْتُ السَّائِلِينَ، وَفَضْلُ كَلَامِ اللَّهِ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى عَنْ سَائِرِ الْكَلَامِ كَفَضْلِ اللَّهِ تَعَالَى عَلَى حَلْقِهِ»

«Қуръон қайси бир кишини Мени зикр қилиш ва Мендан сўрашдан чалғитиб қўйса, унга сўровчиларга берган нарсамдан кўра афзалроғини бераман. Аллоҳ каломининг бошқа каломлардан афзаллиги худди

**Аллоҳнинг ўз ҳалқи устидан бўлган афзаллигига ўхшайди».** Ушбу ҳадисни Термизий ривоят қилган ва ҳасан фариб ҳадис деган.

– Абдуллоҳ ибн Масъуд Росууллоҳ dan ривоят қилади:  
«اَفْرُءُوا الْقُرْآنَ, فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَنْ يَعْدِبَ قَلْبًا وَعَيْنَ الْقُرْآنَ. وَإِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ مَذَبِّهُ اللَّهِ, فَمَنْ دَخَلَ فِيهِ فَهُوَ آمِنٌ, وَمَنْ أَحَبَّ الْقُرْآنَ فَلَيُبْشِّرْ»

**«Қуръонни ўқинглар, чунки Аллоҳ Таоло Қуръонни идрок қилган қалбни азобламайди. Бу Қуръон Аллоҳнинг зиёфатидир, ким унга кирса, омонда бўлади. Ким Қуръонни яхши кўрса, хурсанд бўлсин».** Доримий ривояти.

– Муоз ибн Анас Росууллоҳ dan ривоят қилади:  
«مَنْ قَرَأَ الْقُرْآنَ وَعَمِلَ بِمَا فِيهِ أَبْسَرَ اللَّهُ وَالَّدِيْهِ تَاجًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ ضَوْءُهُ أَحْسَنُ مِنْ ضَوْءِ الشَّمْسِ فِي بُيُوتِ الدُّنْيَا, فَمَا طَنَّكُمْ بِالَّذِي عَمِلْتُمْ بِهِذَا»

**«Кимки Қуръонни ўқиса ва ундаги нарсаларга амал қилса, Аллоҳ Таоло қиёмат куни унинг ота-онасига тож кийдиради. Унинг нури дунё уйларидағи қүёш нуридан ёруғ бўлади. Мана шундай мукофот учун амал қилган киши қандай ҳам баҳтилидир».** Абу Довуд ривояти.

– Ибн Умар Росууллоҳ dan ривоят қилади:  
«لَا حَسَدَ إِلَّا فِي الشَّتَّىِنِ: رَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ الْقُرْآنَ, فَهُوَ يَقُولُ بِهِ آنَاءَ اللَّيْلِ وَآنَاءَ النَّهَارِ, وَرَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا, فَهُوَ يَنْفَقُهُ آنَاءَ اللَّيْلِ وَآنَاءَ النَّهَارِ»

**«Фақат икки кишига ҳасад қилса бўлади: Аллоҳ томонидан Қуръон берилган ва кечаю-кундуз уни ўқиб, амал қилган кишига ҳамда Аллоҳ томонидан мол берилган ва кечаю-кундуз уни инфоқ-эҳсон қилган кишига».** Муттафақун алайҳ.

– Ибн Аббос dan ривоят қилади:  
«إِنَّ الَّذِي لَيْسَ فِي جَوْفِهِ شَيْءٌ مِنَ الْقُرْآنِ كَالْبَيْتُ الْحَرِبِ»

**«Қорнида Қуръондан ҳеч нарса бўлмаган киши хароба уйга ўхшайди».** Термизий ривоят қилган ва ҳасан саҳих ҳадис деган. □

## АҚЛИНГНИ ИШЛАТ ВА МОСЛАШУВЧАН БҮЛИБ ҚОЛМА

А. Ёсир Абу Валид

Аллоҳ Субханаху ва Таоло инсонга ақл неъматини ато этиш билан уни бошқа маҳлуқотлардан ажратиб, унга икром күрсатди, ақлни таклиф ва вазифалар боғланадиган жой (манотут таклиф) қилиб қўйди. Инсон ақлни ишлатиш орқали Аллоҳ Таолонинг борлиқ ҳақиқатини топади, коинотдаги буюк оят ҳужжатларини тушунади ҳамда Аллоҳнинг коинот, инсон ва ҳаётни яратишдан кўзлаган мақсадини идрок этади.

Ислом мусулмонга фикрлаш тариқатини ва ақл юритишнинг тўғри кайфиятини белгилади. Шунингдек, унинг нафсиасини шаръий аҳкомларга боғлади. Шунинг учун мусулмон фикр ва қарор эгаси ҳамда тушунадиган, боғлай оладиган, идрок қила оладиган, бундан ташқари тўғри натижаларга эришиш учун мустаҳкам асосга таянадиган мумтоз шахсия бўлди. Қуръон ояtlари ва Пайғамбаримиз ҳадислари мусулмонни тадаббур қилиш, ақл юритиш ва тафаккур қилишда ақлни ишлатишга ундейди. Дарҳақиқат Аллоҳ Таоло ушбу ибодатни амалга оширганларни мақтар экан, шундай дейди:

﴿الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بَطِّلًا سُبْحَنَكَ فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ﴾

**«Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): «Парвардигоро, бу (борлиқ)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асрагил!»**

[Оли Имрон 191]

Бунга муқобил ўлароқ, ақлни ишлатмаган, уни ташлаб қўйган ва бошқасига тобе бўлиб қолган ва фикрлашдан узоқ бўлиб қолганларни қаттиқ азоб кутиб турганидан огоҳлантиради ва қоралайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَقَدْ ذَرَانَا لِهِنَّمَ كَثِيرًا مِنَ الْجِنِّ وَالْإِنْسِ لَهُمْ قُلُوبٌ لَا يَفْقَهُونَ بِهَا وَلَهُمْ أَعْيُنٌ لَا يُبَصِّرُونَ بِهَا وَلَهُمْ إِذَا نَأْذَنُ لَا يَسْمَعُونَ بِهَا أُولَئِكَ كَالْأَنْعَمُ بَلْ هُمْ أَضَلُّ أُولَئِكَ هُمُ الْغَافِلُونَ﴾

**«Биз жин ва инсдан кўпларини жаҳаннам учун яратганимиз муҳаққақдир. Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлари бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшийтмайдилар. Улар чорвалар кабидирлар, йўқ, улар (беақл, бефаҳмликда) чорвалардан ҳам баттардирлар. Ана ўшалар гафлатда қолган кимсалардир»**

[Аъроф 179]

Абдуллоҳ ибн Масъуд: Мослашувчан бўлиб қолманг деганида, мослашувчан деганинг нимаси? – деб сўраши. Шунда у киши: Кимки мен одамлар билан биргаман, улар тўғри йўлга эргашса, эргашаман, адашса, адашаман деса, у мослашувчандир, деди.

Буюк саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд бизнинг назаримизни буриб, Исломий Умматга сизиб кириши мумкин бўлган мослашувчанликдан огоҳлантироқда. Бундай ҳолат аввалги умматларда мавжуд эди. Аллоҳ Таоло Қуръони каримда шундай ҳолатга тушиб қолган ва яшаш тарзини ўшанга кўра юргизадиган бўлиб қолган халқлар тўғрисида бир неча мисоллар келтирган. Бугун эса, биз Умматимиз вакилларига айнан шу ҳолат сизиб киргани ва уларга таъсир қилаётганини кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Ҳар бир одамга мен сен билан биргаман дейдиган ва фикри заифлигидан бирор нарсада сабот билан турмайдиган мослашувчанлар ҳақида Аллоҳ Таоло шундай дейди.

﴿وَإِذَا لَقُوا أَذْيَانَ ءَامَنُوا قَالُوا إِنَّا ءَامَنَّا وَإِذَا خَلَوْا إِلَى شَيْطَنِيهِمْ قَالُوا إِنَّا مَعَكُمْ إِنَّمَا نَحْنُ مُسْتَهْزِئُونَ﴾

**«Имон келтирган зотларга йўлиққанларида: «Биз ҳам имон келтиридик», дейдилар. Ўзларининг шайтонлари (бошликлари) билан холи қолганда эса: «Биз албатта сизлар билан биргамиз, фақат (уларнинг устидан) кулмоқдамиз, холос», дейишади»**

[Бақара 14]

Мослашувчан киши мабда эгаси бўлган шахснинг аксидир. Чунки мабда эгаси бўлган шахс ҳаёт ҳақида муйян дунёқарашга ва яшаш тарзини юргизишда унга таянадиган тушунчалар тўпламига эга бўлади. Унинг фикр ва амаллари мабдай дунёқарашига таянади. Шунингдек, у қарор чиқаришда мустакил ҳамда фикр ва таъсир эгаси бўлади. Аммо мослашувчан киши эса, ҳар қандай фикрдан холи, қатъиятсиз шахсия бўлади. Оқим қаёққа қараб юрса, ўша томонга кетаверади. Баъзида ҳамроҳ бўлса, баъзида мунофиқлик қиласи. Унинг суянадиган тушунчаси бўлмайди, балки ўзи эргашаётган кишининг тушунчасига суянади ҳамда фикрлари ўзгарувчан бўлади. Аллоҳ ундан кишилар ҳақида шундай дейди.

﴿مَذَبَّدِينَ بَيْنَ ذَلِكَ لَا إِلَى هَنْوَلَاءَ وَلَا إِلَى هَنْوَلَاءَ﴾

**«Улар на ўёқлик, на буёқлик бўлмай икки орада сарсон ҳолда қолганлар»**

[Нисо 143]

Унинг ҳаётдаги шиори: мен бир раққосага ўхшайман, агар у адашса адашаман, тўғри йўл топса, топаман.

Исломий халқлар узоқ вақт Фарб давлатларига эргашганлари учун мана шундай ҳолатда яшамоқдалар. Улар шу орқали мусулмонларни бирлаштирган ришталарни парчалашга ҳаракат қилишиди. Сўнгра

исломий дунёқараш ўрнига Farb дунёқарашини бериш орқали сақоғий ҳужум бошлишди ва мусулмонлардаги тушунчаларга зарба бериши. Кейин мусулмонлар билан исломий дунёқараш татбиқ қилинаётган вужуд (давлат) ўртасида жарлик пайдо қилишди. Улкан ҳаракатлардан сўнг Халифалик низомига барҳам бериш мақсадида ушбу вужудни парчалашди. Натижада, Халифалик вайроналари узра мослашувчанлик сифатига эга бўлган, Farb давлатларига қарам ҳамда ички ва ташки сиёсатида қарорга эга бўлмаган сохта давлатчалар пайдо бўлди. Бу давлатлар бирор фикрга эга бўлмаган, ўз халқининг заарига бўлса-да хўжайнларини рози қилиш учун ҳаракат қиласидиган ҳамда гарчи ўз халқлари эътиқодига зид бўлса ҳам ўзи эргашаётган давлатнинг дунёқарashi ва қонунини татбиқ қиласидиган давлатлар эди.

Дарҳақиқат, мусулмон халқларга хато тушунчаларни сингдириш ва уларнинг мослашувчанлигини кучайтиришда медиа катта роль ўйнади. Медиа мусулмонларга Farbdagi маданий кўринишни ҳамда илмий, сақоғий, меъморий, иқтисодий тараққиётни ва сохта эркинликни мақтаб кўрсатди. Медиа бу билан мусулмонларда Farb намунасига бўлган қаноатни пайдо қилишга уринди ва мусулмон фақат ушбу намунани қабул қилиш ва уни татбиқ қилиш орқалигина уйғонади, деб тушунтириди.

Таълим соҳаси ҳам асалга заҳар қўшишда ўз ролини бажарди. Чунки у исломий тарихни бузиб кўрсатиб, шахсияси заиф авлодни яратишга ҳаракат қилди. Таълим соҳаси ўз программасида ёмон ном қолдирган шахсияларни марказий ўрнига қўйди ва уларни ўрнак олинидиган, эргашиш шарт бўлган шахсиялар сифатида кўрсатди.

Сўнгра мослашувчанлик давлатлардан халқларга кўчди ва у кенгайиб жамиятларни буза бошлади. Онгнинг бузилиши оммавий ахборот воситаларида фикрлаш тариқати, кийиниши, овқатланиши ва барча ҳаракатлари намойиш этилган шахсияларга эргашиша очиқ кўрина бошлади. Ушбу шахсиялар орасида диний арбоблар, медиа ходимлари, муфаккирлар, тадқиқотчилар, сиёсатчилар, қўшиқчилар ва раққосалар бор бўлиб, уларга эргашиш фахр ва эъзозга айланди.

Натижада, аҳволимиз ҳаводан сўзламайдиган ва фақат рост гапирадиган Пайғамбаримиз ﷺ сифатлаганидек бўлиб қолди. Абу Саид ؓ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ шундай деганлар:

«لَتَبْعُنَّ سَنَنَ مِنْ قَبْلَكُمْ شَبِرًا وَذِرَاعًا بِذرَاعِ، حَتَّىٰ لَوْ سَلَّكُوا جُحْرَ صَبْرٍ لَسْلَكُتُهُمُوهُ»

Фълана: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ الْيَهُودُ وَالنَّصَارَى؟ قَالَ النَّبِيُّ: فَمَنْ؟!

«Албатта сизлар олдингиларнинг йўлига қаричма-қарич ва қулочма-қулоч эргашишда давом этасизлар. Ҳатто улар

**калтакесакнинг инига кирсалар сизлар ҳам кирасизлар.** Шунда саҳобалар: Эй Аллоҳнинг Росули яхуд ва насронийлар йўлигами дея сўрашган эди, Росулуллоҳ ﷺ: **Бошқа ким бўлиши мумкин?!** дея жавоб бердилар». Икки шайх ривояти.

Исломий Уммат аламли воқеликда ҳаёт кечирар экан, биз мусулмонлар жамоатини парчалаб ташлаган бундай мослашувчанлик ҳолатидан уларни қутқариш учун аниқ ечимларни ўртага ташлашимиз лозим. Энг муҳим қадам шуки, биз намуна олиб эргашишимиз керак бўлган Мұхаммад ﷺнинг сийратига эргашиб, у зот жоҳилият жамиятидаги мавжуд тушунчаларни қандай ўзгартирган бўлсалар биз ҳам худди шундай ҳаракат қилмоғимиз лозим. Дарҳақиқат, жоҳилиятдагиларнинг ҳолати, яъни аждодларига эргашиши, одат ва анъаналари бизларнинг ҳолатимиздан анча ёмон бўлган эди.

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ أَتَبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَنْفَقَنَا عَلَيْهِ إِنَّا أَوْلَئِكَ أَنَّا عَابَأْوُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْءًا وَلَا يَهْتَدُونَ﴾

**«Қачон (мушрикларга): «Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсалак, ўшангэ эргашамиз», дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар, ҳам-а?»** [Бақара 170]

Ха, уларнинг ҳолати шундай бўлган эди. Лекин Росулуллоҳ ﷺ эски яроқсиз тушунча ва фикрларни йўқ қилиб, уларнинг ўрнига тиник исломий тушунчаларни бердилар. Уларга белгилари ва мақсадлари аниқ ва тўғри йўлни чизиб бердилар ҳамда уларни ўша йўлга чақириб, сабр қилишларини тавсия қилдилар. Шу билан бирга саҳобаларни шундай тарбияладиларки, улардан мабда ва фикр соҳиблари бўлмиш етакчиларни чиқардилар. Шунингдек, ички ва ташқи сиёсатида мустақил, қонун ва ҳукмларини шариатдан оладиган мабдаий давлатга асос солдилар. Ушбу давлат буюк Умматни пайдо қилди, одамлар бу давлатга яхшилик қиласидими ёки ёмонликми бундан қатъий назар уларга яхшилик қилди ва уларга зулм қилмади.

Шундай экан, барчамиз Умматимизни заифлик ва қарамлиқ ҳолатидан озод қилишга ҳамда уни ўзининг ҳақиқий мақомига, яъни Одамлар учун чиқарилган энг яхши Уммат мақомига қайтариш учун ҳаракат қиласидик.

Эй мусулмон, албатта Аллоҳ Таоло ўз неъматлари таъсирини бандаларида кўришни яхши кўради. Ақл эса энг буюк неъматdir. Шундай экан ушбу неъматнинг шукрини адо эт, «Ақлингни ишга сол ва мослашувчан бўлиб қолма». □

## РОШИД ХАЛИФАЛАР БҮСТОНИДАН

### БИРИНЧИ РОШИД ХАЛИФА АБУ БАКР СИДДИҚ

Ислом Уммати тарихда кўплаб синовларни бошдан кечирган бўлиб, бу қийинчиликлар бугунги кунда бошдан кечираётган қийинчиликлардан кам бўлмаган. Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз даъват йўлида енгиб бўлмайдиган қийинчиликларни енгиб ўтганлар. Пайғамбаримиздан кейин унинг буюк саҳобалари ҳам бу қийинчиликларга дуч келишган. Бу қийинчиликлар айниқса, Абу Бакр Сиддиқ Халифалик мансабини эгаллаган пайтда жуда хавфли тус олган эди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Зоро, мусулмонлар шуни яхши билиши лозимки, ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш тўхтамайди ва у қиёматга қадар тўхтамаслиги керак... Абу Бакрнинг Халифалик даврида юз берган ҳодисалар Халифалик Пайғамбарликдан кейин Ислом ва мусулмонлар ишини бевосита бошқариши лозимлигига очиқ далилдир. Бу ишга эътиборсизлик билан қараб бўлмайди ва ҳаёт бусиз юриши мумкин эмас. Аввалгиларнинг Халифаликни Ислом қалқони ва унинг мустаҳкам қўрғони деб тарифлаши ажабланарли эмас. Аллоҳнинг дини ва мусулмонлар Халифалик билан кучаяди, куфр ва унинг аҳли у туфайли хор бўлади. Ислом Халифалик орқали татбиқ қилинади ва даъват у билан ёйилади... Халифанинг роли эътибор жиҳатидан Пайғамбарнинг ролидан кейинги ўринда бўлиб, у одамлар орасида ҳақ ва адолатни тиклайди, мусулмонларнинг манфаатлари ва ҳурматларини химоя қиласи, уларнинг тарқоқликларини бирлаштириб, бутунлигини сақлайди. Шунинг учун Росууллоҳ  ўзидан кейин халифаларни қолдирган. Абу Ҳурайра шундай ривоят қиласи: Росууллоҳ  айтди:

«كَاتَتْ بُنُو إِسْرَائِيلَ تَسْوُسُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ، كُلُّمَا هَلَكَ سَيِّدٌ خَلَفَهُ سَيِّدٌ، وَإِنَّهُ لَا تَبِيَّ بَعْدِي،  
وَسَتَكُونُ خَلَفَاءُ فَكَثُرُ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُوَ بِيَعْيَةِ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلِ، وَأَعْطُوهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنْ  
اللَّهُ سَائِلُهُمْ عَمَّا اسْتَرْعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайғамбарлар сиёsat юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: **биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглар ва уларнинг ҳақларини беринглар, зоро Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди**. Муттафақун алайх. Яна Пайғамбар  айтади:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَاحٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَتَقَبَّلُ بِهِ»



## «Имом бамисоли бир қалқондир. Унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади».

Росууллоҳ вафот этишлари биланоқ ушбу мансабнинг Исломдаги аҳамияти кўринди ва Ислом усиз давом этмаслиги билинди. Шунинг учун бу мансаб ҳақиқатда Росууллоҳ нинг ўринbosари мансаби бўлди. Бу мансаб мусулмонлар ҳаётидан йўқолмаслиги ва унга эътиборсиз қаралмаслиги лозим. Йўқса унинг гуноҳи барча мусулмонларга бўлади ҳамда Халифалик бекор қилиниши туфайли қанча ҳукмлар бекор қилинса, ўша бекор қилинган ҳукмларнинг гуноҳи барча мусулмонларга тушади. Бу қандай ҳам ёмон мусибатдир! Ибодатгўйларнинг ибодати ва рўздорларнинг тутган рўзаси Халифаликни тикламасдан ўтириб олиш гуноҳини ўчира олмайди. Бугун айнан шу нарса рўй бермоқда... Ҳа, Росууллоҳ вафот этиб, Абу Бакр у кишининг ўрнига Исломдаги биринчи халифа бўлиб танланди. Шунда мусулмонлар хатарли вазиятларга дуч келишди. Агар Аллоҳнинг ҳимояси ва Абу Бакрнинг шу мансабда сабот билан туриши бўлмаганда Ислом йўқ бўлиб кетишига оз қолган эди. Байҳақий Абу Ҳурайрадан шундай ривоят қиласи: **«Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасамки, агар Абу Бакр халифа бўлмаганда Аллоҳга ибодат қиладиган киши қолмаган бўлар эди. Абу Ҳурайра бу сўзни икки ва уч марта тақоррлади».**

Биринчи халифа Абу Бакр қийин пайтларда энг яхши қарорларни қабул қилди ва давлатни сақлаб қолди. Унинг қарорларидан кўриниб турибдики, Халифалик Исломда давлат ва Умматни сақлаб қолиш, шунингдек, динни ўрнатиб, Аллоҳнинг розилигини олиш учун сув ва ҳаво каби зарурдир. Бундан ташқари, Росууллоҳ ўзидан кейин ушбу оғир омонатни кўтарадиган кишиларни тайёрлаганини кўришимиз мумкин. Бу жараёнда биринчилардан бўлиб тайёрланган ва тарбияланган киши Росууллоҳ нинг фордаги шериги Абу Бакр Сиддиқ бўлди. Ушбу саҳоба етакчилик курсисига ўтириши биланоқ, бу ёш давлат ва унинг дини муртадлар хужумига дуч келди. Чунки айrim қабилалар закот беришдан бош тортиди, закот эса Исломнинг энг асосий рукнларидан бўлиб, усиз дин қоим бўлмайди. Айrim қабилалар Ислом ва мусулмонлар билан бўлган келишувларини бузишиди. Яна бошқалари эса янги етакчиликка бўйсунишдан бош тортишди. Макка ва Мадинадан бошқа шаҳарларда жуманинг ўрни қолмади. Мусулмонлар ва уларнинг ёш давлатининг аҳволи шу даражага етдики, ҳеч ким ишларнинг бундай тез суратда авж олиб кетишини кутмаган эди. Лекин бунинг ажабланарли жой йўқ бўлиб, одамлар Ислом динида янги эдилар. Сайф ибн Умар Ҳишом ибн Урвадан, у

эса отасидан шундай ривоят қиласи: «**Абу Бакрга байъат қилиниб, ансорлар ўзлари келиша олмаган ишлари борасида йиғилгач, Абу Бакр бундай деди: Усоманинг қўшини юборилади. Дарҳақиқат араблар ҳар бир қабиладан ёки омматан ёки якка тартибда муртад бўлишди. Келишмовчилик бошланиб, яхудий ва насронийлар бош кўтарди. Мусулмонлар Пайғамбарларини йўқотганлари, кам сонликлари ва душманларининг кўплиги туфайли қоронғи тунда адашиб қолган қўй подасига ўхшаб қолдилар».**

Росулуллоҳ  вафотларидан олдин Усома қўшинини Шомга боришга тайёрлаб, қўшин сафиға кибор саҳобаларни қўшган эдилар. Расулуллоҳ  саҳоба бўлиш шарафига эришишда бирортаси ундан ўтиб кета олмаган ушбу буюк саҳоба мусулмонлар етакчилигини эгаллагач, ушбу муаммони муртад ва итоатдан бош тортганлардан кутилиш учун кибор саҳобалар берган маслаҳатлари бўйича ҳал этишдан бош торти. Уша кибор саҳобалар ичиди Умар ибн Хаттоб ҳам бор эди. Лекин Абу Бакр бундан қаттиқ бош торти ва қўшинни юборишга қаттиқ туриб олди. Сўнг бошқа кибор саҳобаларда бўлмаган даҳшатли исломий тушунча билан шундай деди: «**Аллоҳга қасамки, Росулуллоҳ  боғлаб кетган тугунни ечиб ташламайман. Бизга осмондан қушлар ҳужум қилиб, йиртқичлар Мадинанинг чор атрофини ўраб олсалар ҳам, итлар мўминлар оналарининг оёқларидан таласа ҳам, албатта Усоманинг қўшинини юбораман**». Одамлар унга: Анавилар мусулмонларга қийинчилик түғдирди, араблар ўзинг кўриб турганингдек сенга сенинг шаънингни пастга урди. Сен мусулмонлар жамоасини бўлма деган эдилар, у: «**Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, агар йиртқичлар бизни олиб кетсалар ҳам, Росулуллоҳ  буюрганидек Усоманинг қўшинини юбораман. Агар қишлоқда мендан бошқаси қолмаса ҳам уни юбораман**», деди.

Абу Бакр шундай бўлган эди. Қосим ва Умрадан қилинган ривоятда Мўминлар онаси Оиша у кишини шундай сифатлайди: «**Росулуллоҳ  вафот этгач, араблар барчаси муртад бўлишди ва келишмовчилик бошланди. Аллоҳга қасамки, бу нарса менга шунчалик оғир ботдики, агар у мустаҳкам тоғларга тушганда, уларни парчалаган бўлар эди. Чунки Мұҳаммад  саҳобалари қоронғи тунда, йиртқич ҳайвонлар кезиб юрадиган жойда адашиб қолган қўй подасига ўхшаб қолган эди. Аллоҳга қасамки, агар улар бирор нарсада келиша олмай қолсалар, отам уни пасайтирас, жиловини тортар ва ҳал қиласи**».



Ха, мана шундай вақтда Усома қўшинининг чиқиши катта манфаат эди. Абу Бакр ўзининг соғлом тушунчаси ва шариатга қаттиқ боғлангани туфайли буни тушунди. Чунки қўшин ҳали арабларнинг битта маҳалласидан ўтмасдан ундан даҳшатга тушишди ва айтишдиди: Албатта бу қўшин қаерга бормасин, у ерни мустаҳкам эгаллади. Абу Ҳурайра бу ҳақида шундай дейди: «Росууллоҳ Усома ибн Зайдни етти юз сонли қўшин билан Шомга юборган эди. Қўшин Зу Ҳашаб деган жойга тушгач, Росууллоҳ вафот этдилар ва Мадина атрофидаги араблар муртад бўлишди. Шунда Росууллоҳ нинг саҳобалари Абу Бакрнинг олдига йиғилишиб: Эй Абу Бакр қўшинни Румга боришдан қайтар, чунки Мадина атрофидаги араблар муртад бўлишди дейишибди. Шунда у: **«Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган зотга қасамки, агар итлар Росууллоҳ нинг аёллари оёқларидан тортсалар ҳам, у киши юборган қўшинни ортга қайтармайман, Росууллоҳ тиккан байроқни туширмайман»**, деб, Усомани юборди. Қўшин кетар экан, йўлдаги араблар бу қўшинни кўриб, «Улар шундай қўшинни юборишган бўлишса, демак ўзларида ҳам худди шундай қўшин қолган», дея Мадинага ҳужум қилишга ботинишолмади. Усома қўшини Рум қўшинини мағлуб қилиб, эсон-омон, Исломга маҳкам ёпишга ҳолда қайтиб келди.

Дарҳақиқат, Абу Бакр ўз буйруқлари борасида мусулмонлардан эътиrozларга учради. Бу эътиrozларнинг етакчиликни душманга қарши курашишдан бошқа томонга буриб юборишда таъсири катта эди. Лекин улар тезда барҳам топар эди. Чунки одамлар Аллоҳнинг Росули замонига яқин, имони кучли, Исломни маҳкам ушлаган ва итоат қилишга иштиёқи баланд эди. Гўё Росууллоҳ уларнинг орасида тирикдек эди. Сайф ибн Умар Абу Замрадан, у Абу Амрдан ва улардан бошқалар Ҳасан Басрийдан ривоят қилишича, Абу Бакр Усома қўшинини тайёрлашга қаттиқ туриб олгач, айрим ансорлар Умарга шундай дейишибди: Унга бориб айтинг, бизга Усомадан бошқасини амир этиб тайинласин. Умар Абу Бакрга бориб, уларнинг сўзларини етказган эди, у Умарнинг соқолидан тутиб: **«Онанг фарзандсиз қолгур эй Умар, Росууллоҳ нинг амиридан бошқасини амир этиб тайин қиласми»**, деди. Сўнг тепаликка чиқиб, Усоманинг қўшинига юзланди ва уларни юришга буюрди. Абу Бакр улар билан пиёда юрди, Усома эса отлик эди. Абдурроҳман ибн Авф Абу Бакрнинг уловини етаклади. Шунда Усома: Эй Росууллоҳнинг халифаси ёки сиз отга мининг, ёки мен отдан тушай деди. Абу Бакр: **«Сен отингдан тушма, мен эса отга минмайин»**, деди. Сўнг Усомадан Умарни қўшиндан қолдиришини сўради. Чунки Умар қўшин таркибида эди. Шунда

Усома Умарни қўшиндан озод қилди. Умар шундан кейин Усома билан учрашмади. Умарнинг Усомага айтган охирги сўзи «**Сенга саломатлик тилайман, Эй амир**», дейишлик бўлди.

Энди сийрат китобларида ушбу мавзу ҳақида келган айрим ҳикояларга тўхталсак. Ибн Касир Бидоя ва ниҳоя китобининг олтинчли қисмида шундай келтиради:

**Абу Бакр Сиддиқнинг муртад ва закот беришдан бош тортган одамларга қарши жанг қилишга ташаббус кўрсатиши ҳақидаги бўлим**

Росууллоҳ  вафот этгач, аксар араблар муртад бўлишди, Мадинада келишмовчиликлар бошланди. Бану Ҳанифа ва Ямомалик кўпчилик одамлар Мусайлиматул кazzобга қўшилишди. Бану Асад ва Тойиқ қабилалари ҳамда кўпчилик одамлар Тулайха Асадийга қўшилишди. Тулайха Мусайлиматул кazzобга ўхшаб ўзини пайғамбарман деб даъво қилди, натижада ташвиш кўпайиб, аҳвол қийинлашди. Абу Бакр Усоманинг қўшинини юборгач, унинг олдида озчилик қўшин қолди. Кўпчилик арабларда Мадинага ҳужум қилиш истаги пайдо бўлди. Шунда Абу Бакр Сиддиқ Мадинанинг кириш жойларига соқчилар қўйди ва улар қўшин билан бирга унинг атрофида тунайдиган бўлишди. Али ибн Абу Толиб, Зубайр ибн Авом, Талҳа ибн Абдуллоҳ, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдуроҳман ибн Авф ва Абдуллоҳ ибн Масъудлар ўша соқчиларнинг амирлари эди. Арабларнинг элчилари Мадинага келиб, намозга иқор бўлсаларда, лекин закот беришдан бош тортишар эди. Улардан айримлари закотни Абу Бакрга беришдан бош тортишди. Улар Аллоҳ Таолонинг:

 خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُظَهِّرُهُمْ وَتُرَكِّيْهِمْ إِنَّ صَلَوَاتَكَ سَكُنٌ لَّهُمْ

«(Эй Мухаммад), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа сифатида олинг ва уларнинг ҳақларига дуо қилинг. Албатта, сизнинг дуоингиз улар учун ором-осойишталик бўлур» [Тавба 103] деган қавлини ҳужжат қилишди. Сўнгра: Биз закотимизни дуоси биз учун ором осойишталик бўладиган кишигагина берамиз дейишди. Айримлари эса, шундай байт айтишди:

Аллоҳнинг Росули орамизда экан, унга итоат қилдик. Энди кунимиз Абу Бакрга қолдими?

Дарҳақиқат сахобалар закот беришдан бош тортаётганларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ва қалбларига имон ўрнашгунича улар билан дўстона муюмалада бўлиш ва шундан сўнг улар закот берishi ҳақида Абу Бакр билан сўзлашишди. Лекин Абу Бакр бундан бош тортиди. Ибн Можжадан бошқа барча жамоат ўз китобларида Абу

Хурайрадан келтиришича Умар ибн Хаттоб Абу Бакрга: Нима учун одамлар билан жанг қиласиз, ахир Росууллоҳ

«أُمِرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّىٰ يَشْهُدُوا أَنَّ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّداً رَسُولُ اللَّهِ. فَإِذَا قَاتَلُوهَا عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءُهُمْ وَأَمْوَالُهُمْ إِلَّا بِحَقِّهَا»

**«Одамлар Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Мұхаммад унинг элчиси деб гувоҳлик бермагунларича улар билан жанг қилишга буюрилдим. Агар шуни айтсалар жонларини ва молларини мендан ҳимоя қилиби. Фақат Исломда кўрсатилганларигина олинади»,** деганлар-ку деди. Шунда Абу Бакр: Аллоҳга қасамки, агар улар Росууллоҳ тага беришлари лозим бўлган туяниг арқонини олиб қолсалар ҳам, мен уларга қарши урушаман. Албатта закот молнинг ҳаққидир, Аллоҳга қасамки, ким намоз билан закотниг орасини ажратса, унга қарши урушаман», деди. Умар айтади: Мен Аллоҳ Таоло Абу Бакрниг қалбини уруш қилишга йўллаб қўйганини кўргач, уни ҳақ эканини билдим.

Хофиз ибн Асокир Шабоба ибн Сивордан, у Исо ибн Язид Мадинийдан, у эса Солих ибн Кайсондан ривоят қилиб айтади: Муртадлар бош кўтарганда Абу Бакр одамлар олдига чиқиб, Аллоҳга ҳамд айтди ва шундай деди: Бизни ҳидоятлаб кутқарган, инъом ато этиб бойитган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Албатта Аллоҳ Мұхаммад таги юборган пайтда Ислом ғарип бўлиб унинг илми ҳимоясиз қолган, бирлиги бузилиб аҳли залолатга ботган эди. Аҳли китоблар Аллоҳнинг китобларини ўзгартириб, унда бўлмаган нарсаларни унга қўшишгани учун Аллоҳ улардан нафратланди, шунинг учун уларга яхшиликни рано кўрмади ва улардан ёмонликни бурмади. Омонликда яшаган араблар эса, Аллоҳдан ҳимоядамиз деб ҳисоблаб, Унга ибодат қилишмади, ундан сўраб дуода бўлишмади. Аллоҳ уларнинг ҳаётини қийинлаштириди, булатлари бўла туриб, ерини қаттиқ қилиб қўйди. Аллоҳ Таоло Мұхаммад таги Пайғамбарларнинг сўнггиси қилди, арабларни ўрта (адолатли) уммат қилди, уларга эргашганлар орқали уларга ёрдам берди ва бошқаларга қарши уларга нусрат берди. Сўнг уларнинг Пайғамбари Мұхаммад таги вафот этдилар. Мана шундан кейин шайтон туширилган жойига (арабларнинг елкаларига) қайта минди ва қўлларидан етаклаб, ҳалокатга бошлади.

﴿وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَّتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّؤْسُلُ أَفَيْنَ مَاتَ أَوْ قُتِلَ أَنْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَىٰ عَقِبَيْهِ فَأَنَّ يَضْرَرَ اللَّهُ شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّكَرِينَ﴾

**«Мұхаммад фақат бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандир. Бас, агар у (яни Мұхаммад**

**алайҳиссалом) вафот қилса ёки ўлдирилса, кетингизга (куфрга) қайтиб кетасизми?! Кимда-ким кетига қайтиб кетса, Аллоҳга бирон зиён етказа олмас,** (балки фақат ўзига зарар қиласди, холос). **Аллоҳ эса (Йўлларидан қайтмай) шукр қилгувчи бандаларини муносиб мукофотлайди»** [Оли Имрон 144]

Атрофингиздаги араблар қўйлари ва туяларини беришдан бош тортishi ва диндан чиқишиди.

Уларнинг ҳозирги ахволидан кўра динга қайтишлари ўзлари учун яхшидир. Сизларнинг барчангиз кифоя қилгувчи хожангизга қайтурсиз, у Зот сизларни адашганингизда ҳидоятлади ва камбағал ҳолда топиб сизларни бойитди.

﴿وَكُنْتُمْ عَلَىٰ شَفَاعَ حُفْرَةٍ مِّنَ النَّارِ فَأَنْقَدْتُمْ مِّنْهَا﴾

**«Сизлар дўзах чоҳининг ёқасида турган эдингиз, сизларни ундан холос қилди»** [Оли Имрон 103]

Аллоҳга қасамки, Аллоҳ ўз ваъдасини рўёбга чиқармагунича, аҳдини бажармагунича, биздан ўлдирилганлар шаҳид бўлмагунича ва ер юзида унинг халифа ва зурриёди қолгунича уруш қиласвераман. Аллоҳнинг қазоси ҳақдир ва У Зот ўз сўзига хилоф иш қилмайди.

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءامَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لِيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا أَسْتَخَلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُكِنَّ لَهُمْ دِيَتُهُمُ الَّذِي أُرْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ حَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

**«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (имон-эътиқодли) зотларни халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг хавфу хатарларидан сўнг (Мадинада) тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир»** [Нур 55]

Ҳасан, Қатода ва бошқалар Аллоҳ Таолонинг

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا مَنْ يَرْتَدَ مِنْكُمْ عَنِ دِينِهِ فَسَوْفَ يَأْتِيَ اللَّهُ بِقَوْمٍ يُجْهِهُمْ وَيُحِبْبُهُمْ وَإِنَّهُمْ لَا يَرْجِعُونَ﴾  
**«Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар»** [Моида 54]

қавли ҳақида: Абу Бакр ва унинг дўстлари муртадлар ва закотдан бош тортганлар билан уришишини тушунганлар дейишган.

Мұхаммад ибн Исҳоқ айтади: Ресулуллоҳ вафот этгач, Макка ва Мадинадан ташқаридаги араблар муртад бўлишди. Асад ва Фатафон муртад бўлганда коҳин Тулайҳа ибн Ҳувайлид Асадий уларга етакчилик қилди. Кейин Ашъас ибн Қайс Киндий етакчилигидаги Кинда ва бошқалар муртад бўлди. Сўнгра коҳин Асвад ибн Каъб Ансий етакчилигидаги Музҳиж ва бошқалар муртад бўлди. Кейин Робиа ва Маърур ибн Нўймон ибн Мунзир муртад бўлди. Бану Ҳанифа эса, Мусайлиматул Каззоб билан тил бириктириди. Бану Сулайм Анас ибн Абду Ялил исмли киши билан ва Бану Тамим коҳинлар билан муртад бўлди.

Қосим ибн Мұхаммад айтади:

Асад, Фатафон ва Тойий қабилалари Тулайҳа Асади бошчилигига бирлашиб, Мадинага элчи юборишди. Элчилар Мадинага келиб, одамлар ҳузурига тушишди. Лекин Аббос уларни қаршиламади. Шунда одамлар уларни Абу Бакрни ҳузурига олиб боргандарида, улар намоз ўқишларини, лекин закотни бермасликларини айтишди. Бироқ, Аллоҳ Таоло Абу Бакрнинг қалбига тўғри қарорни солиб қўйди. Абу Бакр уларга қаратади: «Агар улар тую боғлайдиган арқонни беришдан бош тортсалар ҳам улар билан уришаман», деди ва уларни рад этди. Улар ўз қабилаларига бориб, Мадинада аскар озлигини хабар беришди ва уларда Мадинага ҳужум қилиш истаги туғилди. Абу Бакр эса, Мадинанинг кирадиган жойларига соқчилар қўйди ва одамларни масжидга келишларига буюрди. Сўнгра уларга: одамлар коғир бўлиб кетди. Келган элчилар сизларнинг озчилик эканингизни кўришди. Душман тунда келадими ёки кундузими ҳеч ким билмайди. Зеро, улар сизлардан бир қанча масофа узоқликда турибдилар. Улар ўзларига нисбатан яхши муносабатда бўлишимизни, шартларини қабул қилишимизни хоҳлашмоқда. Биз эса, бундан бош тортидик. Шундай экан, тайёр туринглар», деди. Уч кун ўтмай, улар Мадинага ҳужум қилишди ва ярим одамларини ўзларига қалқон бўлишлари учун Зул Ҳасий деган жойда қолдиришди. Шунда соқчилар уларнинг бостириб келганининг хабарини етказиш учун Абу Бакрга одам юборишиди. Абу Бакр уларни ўз ўринларидан қимиirlамасликка буюрди. Сўнгра масжиддаги мусулмонларга вазиятни тушунириб, душман томон йўл олди. Душманлар чекинди ва мусулмонлар уларни Зул Ҳасийгача кузатиб боришиди. Шунда у ерда қалқон бўлиши учун қолдириб келишган гуруҳ чиқди ва ўртада шиддатли жанг бошланиб, мусулмонлар ғалаба қозонишиди.

Жумодуссоний ойида Абу Бакр Сиддиқ Мадина аҳолиси ва амирлар билан бирга мусулмонларга ҳужум қилган Мадина атрофидаги арабларга борди. Душманлар Бану Абс, Бану Мурра, Зибён ва Бану Кинона бўлиб, уларга Тулайҳа ва унинг ўғли Хабол

ёрдам берди. Икки тараф тўқнашгач, душманлар ҳийла қилишди. Уларнинг ҳийласи шундан иборат эдики, улар териларни ёқиб, тоғнинг тепасидан ота бошлашди. Абу Бакр ва у билан бирга бўлган одамларнинг туялари ҳуркиб ҳар тарафга тарқалиб кетди. Улар тунгача ҳеч нарса қила олмай Мадинага қайтишди.

Шундан сўнг одамлар мусулмонларни қўрқяпти деб гумон қилиб, бошқа тарафдаги уруғларига элчи юборишди ва улар йигилишди. Абу Бакр  эса, тунда одамларни тайёрлаб, тонгга яқин чиқди. Унинг ўнг томонида Нўймон ибн Муқрин, чап томонида унинг укаси Абдуллоҳ ибн Муқрин ва орқасида уларнинг укаси Сувайд ибн Муқринлар бор эди. Тонг отгач улар душман жойлашган майдонга кириб боришди. Душманлар мусулмонларнинг келганини сезишига ҳам улгурмай, уларга қилич солишиди. Шундай қилиб, қуёш чиқмасдан уларни чекинишга мажбур қилишди. Мусулмонлар улар устидан ғалаба қилишди ва Хабол ўлдирилди. Абу Бакр уларни Зул Қисса деган жойгacha қувиб борди ва бу биринчи ғалаба бўлди. Унда мушриклар хор ва мусулмонлар азиз бўлишди. Бану Зибён ва Бану Абс қабилалари ўз ораларидаги мусулмонларни тутиб ўлдиридилар. Шундан кейин бошқа қабилалар ҳам ўз ораларидаги мусулмонларни ўлдиришни бошлади. Кейин Абу Бакр қайси қабилада қанча мусулмон ўлдирилган бўлса, ўша қабиладан ўшанча мушрикни, балки унданда кўпроғини ўлдиришга қасам ичди.

Ушбу воқеа Ислом ва мусулмонларнинг ғалаба қилишига катта ёрдам берди. Чунки ҳар бир қабиладаги мусулмонлар азиз ва ҳар бир қабиладаги кофирлар хор бўлди. Абу Бакр Мадинага кучли, нусратга эришган, соғлом ва ўлжаларни қўлга киритган ҳолда қайтди. Тунда Мадинага Адий ибн Хотам, Сафвон ва Забарқон садақалари келди: уларнинг биринчиси туннинг аввалида, иккинчиси туннинг ўртасида ва учинчиси туннинг охирида келди. Уларнинг ҳар бирини Мадинанинг дарвоза амирлари келтирди. Сафвон ҳақида Саъд ибн Абу Вақос, Забарқон ҳақида Абдурроҳман ибн Авф ва Адий ибн Хотам ҳақида Абдуллоҳ ибн Масъуд хушхабар келтирди. Абу Қатода  айтади: Бу воқеа Росууллоҳ  вафотининг етмишинчи кечасида бўлиб ўтди.

Ушбу воқеадан бир неча кеча ўтиб Усома ибн Зайд келди ва Абу Бакр уни Мадинада ўзининг ўрнига қолдириб, уларни дам олишларига буюрди. Ўзи эса, олдинги воқеада иштирок этганлар билан бирга Зул Қиссага йўл олди. Мусулмонлар унга: Ўзингиз Мадинада қолиб, бошқасини юборсангиз ҳам бўлади-ку дейишган эди, у: Аллоҳга қасамки унданай қилмайман, балки сизлар билан бирга бўламан, деди. Сўнг Зул Хуса ва Зул Қиссага чиқди. Муқриннинг Нўймон, Абдуллоҳ ва Савид исмли ўғиллари

олдингидек у билан бирга чиқиши. Абрақ деган жойдаги Зубда ахлига келишган эди, у ерда Бану Абс, Зибён ва Кинонадан бир гурухи бор экан. Шунда Абу Бакр улар билан жанг қилди ва Бану Хорис ва Бану Авфни мағлуб қилди. Ўша ерда Ҳатиа асирга олинди ва Бану Абс ва Бану Бакр қочди. Абу Бакр Абрақда бир неча кун турди. Ўша пайт Бану Зибён бир қанча жойларни эгаллаб олди. Шунда Абу Бакр: «Бану Зибён ушбу юртларга эгалик қилиши ҳаромдир. Чунки бу ерларни Аллоҳ бизга ўлжа қилиб берган», деди. Абу Бакр Абрақ ва Рабазанинг бир қанча ҳудудларини ҳимоя қилиб турди. Кейинчалик, Бану Абс ва Бану Зибён қабилалари қочиб кетгач, мусулмонлар Талҳага ёрдам бергани боришиди, у Базоха деган жойга тушган эди.

### **Абу Бакрнинг Зул Қиссага чиқиши ва ўн бир амир байроғини тикиши**

Бу воқеа Усоманинг қўшини ҳордиқ чиқариб дам олганидан кейин рўй берди. Абу Бакр исломий қўшин билан қилич яланғочлаб Мадинадан Зул Қиссага чиқди, у Мадинадан анча узоқда эди. Али ибн Абу Толиб Абу Бакр Сиддиқнинг уловини етаклаб олди. Саҳобалар, шу жумладан Али ва бошқалар ундан Мадинага қайтиши ва ўзининг ўрнига араблар билан уришиш учун кўрқмас ва ботир саҳобаларни юбориши ҳақида сўрашди. Шунда Абу Бакр уларга жавоб берди ва ўн битта амир тайинлади. Дориқутний ибн Умардан ривоят қилишича: Абу Бакр Зул Қисса томон бориш учун ўзини кўрсатган эди, Али ибн Абу Толиб унинг улови тизгинини ушлаб: Эй Росууллоҳнинг халифаси қаёққа кетяпсиз? Мен сизга Росууллоҳ  Уҳуд куни айтган гапни айтаман: «Қиличингизни жойига солинг, бизни оғир аҳволга солманг», Мадинага қайтинг, агар сизни йўқотсан, бундан кейин ҳеч қачон Ислом учун низом бўлмайди.

Сайф ибн Умар Саҳл ибн Юсуфдан, у эса Қосим ибн Мұхаммаддан ривоят қиласи: Усома ва унинг қўшини дам олиб, улардан ортиб қоладиган кўп садақотлар келгач, Абу Бакр вазифаларни бўлишди. Сўнгра ўн икки жойга ҳарбий раҳбар тайин қилди: Биринчи Холид ибн Валидни раҳбар қилиб, унга Тулайха ибн Хувайлидга боришини буюрди. Агар уни бир ёқлик қилса, Батоҳдаги Молик ибн Нувайрага боришини буюрди. Икрама ибн Абу Жаҳлни Мусайlamага боришини буюрди. Шураҳбил ибн Ҳасанани унинг ортидан Мусайлиматул Каззобга сўнгра Бану Қузоага боришини буюрди. Муҳожир ибн Абу Умайяни Ансийнинг қўшинига боришини, Холид ибн Саъд ибн Осни Шом тепаликларига боришини ва Амр ибн Осни Қузоа, Вадиа ва Харис қабилаларига боришини буюрди. Хузайфа ибн Муҳсин Фатафонийни Дабо, Арфажа, Ҳарсама ва бошқа жойларга, Тарафа ибн Ҳожибни Бану

Сурайм ва Ҳавозинга боришини буюрди. Сувайд ибн Мукринни эса, Яманнинг Тахомасига ва Ало ибн Хазрамийни Баҳрайнга боришини буюрди.

Абу Бакр ҳар бир амирга мактуб ёзиб, уларнинг ҳар биридан алоҳида аҳд олди. Зул Қиссада ҳар бир амирнинг ўз қўшинини ажратиб берди ва ўзи Мадинага қайтиди. Қуйида Рабаза аҳлига ёзилган мактубнинг нусхасини келтирамиз:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Росулуллоҳнинг халифаси Абу Бакрдан ушбу мактубим етиб борган ҳар бир якка ва барча одамларга, Исломни маҳкам ушлаган ва ундан қайтиб кетганларга!

Ҳидоятга эргашган, сўнг ундан қайтиб кетмаганларга салом бўлсин. Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, Аллоҳ ягона ва шериги йўқ деб ва Мұхаммад унинг бандаси ва Росули деб гувоҳлик бераман. Биз Мұхаммад  олиб келган нарсани тасдиқлаймиз ва уни инкор қилган кишини рад этамиз ва унга қарши уришамиз.

Аммо баъд, Аллоҳ Таоло Ўз бандаларига жаннатдан хушхабар берувчи, дўзахдан огоҳлантирувчи ҳамда Ўз динига даъват қилувчи Пайғамбарини юборди. У Зот Мұхаммад  тирик бўлганки одамни огоҳлантириши ва кофиirlар устига сўз-азоб ҳақ бўлиши учун юборди. У кишининг даъватига эргашганларни Аллоҳ Таоло ҳидоят қилди, юз ўғирганларга эса, Росулуллоҳ  уруш очдилар. Натижада, улардан баъзилари ихтиёрий равишда, бошқалари эса, куч билан Исломга таслим бўлди. Дарҳақиқат, Росулуллоҳ  Аллоҳнинг амрларига итоат қилдилар, Умматига ҳам шундай қилишни буюрдилар. Вазифаларини бажарганларидан сўнг, Аллоҳ Таоло Ўз Росулини қайтариб олди. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло ўз Росули ва мусулмонларга юборган китобида баён қилиб шундай деди:

﴿إِنَّكَ مَيِّتٌ وَإِنَّهُمْ مَيِّتُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), ҳеч шак-шуҳасиз, сиз ҳам ўлгувчиидирсиз, улар ҳам ўлгувчиидирлар» [Зумар 30]

﴿وَمَا جَعَلْنَا لِبَشَرٍ مِنْ قَبْلِكَ أَحَلَّدُ أَفَإِنْ مِثْ فَهُمُ الْخَالِدُونَ﴾

«Ёки улар (яъни мушриклар) ернинг ўзидан (яъни, тош, ёғочлардан), (ўликларни) тирилтира оладиган «худоларни» топиб олдиларми?!» [Анбиё 34]

﴿وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَّتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَّأَنْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَبِكُمْ﴾

﴿وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَىٰ عَقِبَيْهِ فَلَنْ يَضُرَّ اللَّهُ شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّكِيرِينَ﴾

«Мұхаммад фақат бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандир. Бас, агар у (яъни Мұхаммад алайҳиссалом) вафот қилса ёки ўлдирилса, кетингизга

**(куфрга) қайтиб кетасизми?! Кимда-ким кетига қайтиб кетса, Аллоҳга бирон зиён етказа олмас, (балки фақат ўзига зарар қилади, холос). Аллоҳ эса, (йўлларидан қайтмай) шукар қилгувчи бандаларини муносиб мукофотлайди» [Оли Имрон 144]**

Шундай экан, ким Мұхаммадга ибодат қилган бўлса, албатта Мұхаммад вафот этди. Ким Аллоҳга ибодат қилган бўлса, Аллоҳ доим тирик ва ўлмайди. Аллоҳ на ухлайди ва на мудроқ босади, у ўз ишини сақловчи ва душманидан ўч олувчи зотидир.

Мен сизларга Аллоҳдан қўрқиши васият қиласман, ўз насибангизни олинг. Пайғамбарингиз олиб келган нарсани олинг, унинг ҳидоятига эргашинг ва Аллоҳнинг динини маҳкам ушланг. Кимники Аллоҳ ҳидоятламаса, у адашгандир, кимгаки Аллоҳ ёрдам бермаса, унга ҳеч ким ёрдам бера олмас. Кимки Аллоҳнинг ҳидоятидан бошқасига юрса, у адашгандир.

﴿مَن يَهْدِ اللَّهُ فَهُوَ أَمْهَدٌ وَمَن يُضْلِلْ فَلَن تَجِدَ لَهُ وَلِيًّا مُرْشِدًا﴾

**«Кимни Аллоҳ ҳидоят қиласа, бас, ўшагина ҳидоят топгувчиdir. Кимни йўлдан оздирса, бас, унинг учун тўғри йўлга йўллагувчи бирон дўст топа олмассан» [Кахф 17]**

Исломга иқрор бўлмагунича бу дунёда бирор банданинг амали қабул бўлмайди. Менга етиб келишича сизлардан айримларингиз Исломни тасдиқлаб, унга амал қилганидан кейин, Аллоҳга кибр қилиб, буйруқларини менсимай ва шайтоннинг йўлига кириб динидан қайтиби. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَذِقْنَا لِلْمَأْتِيَّةِ أَسْجَدُوا إِلَيْنَا إِبْلِيسَ كَانَ مِنَ الْجِنِّ فَقَسَقَ عَنْ أَمْرِ رَبِّهِ فَتَخَذَّلَ عَنْهُ وَدَرَيَّتَهُ وَأَوْلَيَاءَ مِنْ دُونِي وَهُمْ لَكُمْ عَدُوٌّ بِئْسَ لِلظَّالِمِينَ بَدَلًا﴾

**«Эсланг, (эй Мұхаммад), фаришталарга Одамга таъзим қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат иблис (сажда қилмади). У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйсунишдан бош тортди. Энди сизлар (эй Одам болалари)» Мени қўйиб, уни (яъни, иблисни) ва зурриётларини дўст туурмисиз?! Улар сизларга душман-ку! У (иблис) золим кимсалар учун (Аллоҳнинг ўрнига ибодат қилинадиган) нақадар ёмон «бадал ўринбосардир»** [Кахф 50]

﴿إِنَّ الشَّيْطَانَ لَكُمْ عَدُوٌّ فَلَا تَنْهَذُوهُ عَدُوٌّ إِنَّمَا يَدْعُو حِزْبَهُ وَلِيَكُونُوا مِنْ أَصْحَابِ السَّعِيرِ﴾

**«Аниқки, шайтон сизларга душманdir, бас уни душман тутинглар! Шак-шубҳасиз у, ўз фирмасини (яъни ўзига эргашган кимсаларни) дўзах эгалари бўлишлари учун даъват қилур»** [Фотир 6]

Мен мұхожир, ансор ва тобинилардан иборат қўшинни сизларга юборар эканман, уларга Аллоҳга имон келтиришдан бошқа ҳеч

нарсани қабул қилмасликни буюрдим. Улар Аллоҳнинг динига даъват қилмасдан ҳеч кимни ўлдирмайдилар. Ким уларнинг даъватига жавоб берса, уларга зарар беришмайди ва динни ўрганишда уларга ёрдам берадилар. Ким бу қўшиннинг даъватини рад этса, бу қўшин уларга қарши Аллоҳнинг амри билан жанг қиласди. Мусулмонлар уларнинг сўнгги кучларини йўқотгунча жанг қиласдилар. Шунингдек, уларни ўтда ёндирилмасликка, хунук суратда қатл қилмасликка ҳамда аёллар ва болаларни асир олишга ва ҳеч кимдан Исломдан бошқасини қабул қилмасликка буюрдим. Бу аскарлар Исломдан бошқа ҳеч нарсага рози бўлмайдилар! Ким Исломга эргашса, ўзи учун яхшидир. Ким Исломдан бош тортса, Аллоҳга ҳеч қандай зарар етказа олмайди. Мен ўз элчиларимни юбораётганимда, сизларга Аллоҳнинг Китобини ўқиб беришни буюрдим. Бу аскарлар қайси халқдан аzon садоларини эшитсалар, уларга тегмайдилар. Агар улар азонни эшитмасалар, уларнинг олдига бориб, динни етказадилар. Агар бу одамлар мусулмонларнинг даъватини рад қилсалар, мусулмонлар уларга қарши курашадилар ва агар қабул қилсалар, мусулмонлар диний вазифаларини уларга ўргатадилар». Буни Сайф ибн Умар Абдуллоҳ ибн Саиддан ривоят қилган, у Абдурроҳман ибн Каъб ибн Моликдан ривоят қилган». Сайф ибн Умар Абдуллоҳ ибн Саиддан, у Абдурроҳман ибн Каъб ибн Маликдан ривоят қилган.

Бу – Росулуллоҳнинг биринчи халифаси боғларидан (баракаларидан) озгинаси, холос. У киши Аллоҳнинг изни билангина мана шундай муваффақиятларга эришган. Бугунги кунда мусулмонлар мана шундай Халифаликда яшаб, уни орзу қилмоқдалар. Дарҳақиқат, Аллоҳ тўғри йўлга ҳидоят қилгувчи зот...

Аллоҳим, бу Умматни тўғри йўлга ҳидоят қил. Аллоҳим, ушбу умматга биринчи рошид халифалар давридек улкан ва қудратли Халифаликни барпо этишида Ўзинг ёрдам бер! Омин! □

## **(ИСРОИЛ) ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИ МАНИПУЛЯЦИЯ ҚИЛИБ, УЛАРНИ ҮЗ МАНФААТИ ЙÜЛИДА ИШЛАТМОҚДА**

Британиянинг «Middle East Eye» сайти ҳисоботида (Гугл, Фейсбук, Твиттер ва Ютуб) каби ижтимоий медиа компаниялар қабул қилган қарорлар ҳаётимиизга зарарли таъсир кўрсатмоқда деган хавотир кучайиб бораётгани таъкидланади. Унда айтилишича, уларни сиёсий жиҳатдан нейтрал платформа деб ҳисоблаш ахмоқлик ва уларни фойда келтирадиган тармоқлар дейиш мутлақо нотўғридир. Силикон водийсида ишлаган собиқ телевидение ходимлари ушбу тармоқлар сабабли инсониятни зулматли келажак кутаётганидан огоҳлантиришган. Ҳисоботда келишича, (Исроил) одамларнинг тасаввури ва позицияларини манипуляция қилишда ушбу тармоқларнинг аҳамияти катта эканини бошқа йирик давлатлардан олдин англаған. Унда айтилишича, (Исроил)ни қўллаб-қувватловчи медиа лобби 2008 йилдан бери интернетдаги википедия энциклопедиясига яширинча сизиб киришга уринади. Ундан мақсад (Исроил) учун қулай йўллар билан маълумотларни таҳрир қилиш ва (тариҳни қайта ёзиш)дир. (Исроил) армияси 2011 йили ижтимоий тармоқларни янги «жанг майдони», деб эълон қилган эди. 2015 йилда эса, (Исроил) ташки ишлар вазирилиги интернет орқали бўладиган жангга раҳнамолик қилиш учун собиқ аскарларни сафарбар этиш ва жосуслик ширкатларини таъсис этиш учун кўшимча марказ очган. Ушбу марказ медиа бизнеснинг ажралмас қисмига айланган. 2017 йили Act.IL иловаси ишга туширилди ва (Исроил) мобил тарафдорлари йиғилиб, (Исроил) жосуслик бюроси билан боғланишди. Сўнгра ундан маълумотлар (шу жумладан видео лавҳаларни) ўчиришда уларга ёрдам беришни сўрашди. (Исроил) адлия вазирилиги 2016 йили Гугл, Фейсбук ва Ютуб тармоқлари (Исроил)нинг маълумотларни ўчириш хақидаги талабларининг 95 % ни бажараётгани билан фахрланди.

Диффамацияга (туҳматга) қарши кураш ассоциацияси, (яъни Фаластин ташкилотлари ҳамда (Исроил)ни танқид қилувчи яхудий жамоалар обрўсини тўкишауда ўзига яраша тарихи бўлган медиа лобби) «Интернетдаги нафрратни қўзғовчи сўзларни» кузатиш учун 2017 йили Силикон водийсида «марказий бошқарма» ташкил этди. Айнан шу йили ушбу марказ Ютуб тармоғининг «Ишончли хабарчи»си деб эълон қилинди. Бу шуни англатадики, ушбу марказ маълумотларни биринчилардан бўлиб ўчирадиган бўлди. Шу йилнинг май ойида Фейсбук тармоғи янги кузатув кенгаши (Исроил)нинг интернетдаги Фаластинликларга қарши репрессив сиёсати муҳандисларидан бири Эми Палморни мудир қилиб олаётгани ҳақида эълон қилди. 2018 йилнинг бошида Фаластин оммасининг ғазаби янада ортди ва Фейсбукни байкот қилишни талаб қилишди. Бунда улар Фейсбукни «Оккупациянинг бошқача юзи» деб айблашди.

**Ал-Ваъй:** Ушбу шубҳали тармоқларнинг хатари (Исроил)гагина чекланиб қолмайди, балки улар Исломга қарши курашнинг энг муҳим қуролларидандир. Чунки улар мусулмонлар онгини эгаллаб олишга ҳамда уларнинг тақдирий масалалари борасидаги қарашлари ва позицияларини динларидан узоқлаштиришга ҳаракат қиласди. Ушбу қурол хатарига фақат исломий давлат орқали барҳам бериш мумкин. Аммо ҳозир мусулмонлар ушбу қуролга барҳам бериш учун ўзларининг тақдирий масалалари атрофида бирлашишлари, бу масалада шаръий нусулларга мурожаат қилишлари, шаръий нусулларга биноан позиция билдиришлари лозим. Шунингдек, қалбларга ҳаёт баҳш этадиган жиҳодий ва қаҳрамонона позицияларни тирилтиришлари ҳамда Халифалик давлатининг мусулмонлар ҳаётида, яъни, ўтмишда, ҳозирда ва келажакда нақадар аҳамиятли эканини таъкидлашлари лозим. □

## «ФАРБ – ЎҒРИЛАР ҲАЗОРАТИДАН БОШҚА НАРСА ЭМАС»

Америка сиёсатига салбий қараашлари билан танилган ва (Истроил)ни «дунёдаги энг иркчи мамлакат» деб атаган бельгиялик журналист Коллон Мишелнинг баёnotи ҳашакка ўт кетгандек тарқалди. Чунки у Фарб Ҳазорати дунё халқларини эксплуатация қилаётганини фош қилди. Унинг баёnotи оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда аввал кузатилмаган тарзда кенг тарқалди. Чунки «Фарб – ўғрилар ҳазоратидан бошқа нарса эмас», деб номланган баёnotот ҳамманинг кўз ўнгидаги ҳақиқатга тўғри келади. Баёnotда жумладан шундай дейилади: «XVII асрда Испания ва Франция давлатлари бойиб кетди. Бунинг сабаби шундаки, улар Лотин Америкасида ҳиндуларни ўлдириб, ҳеч қандай тўловсиз олтин ва кумушларини ўғирлаб келишиди. Франция, Буюк Британия ва Қўшма Штатлар Африка халқларини тунаш ва кул қилиш орқали бойишган. XIX асрга келиб эса, Бельгия ва Голландия жуда бойиб кетди. Чунки улар Африка ва Осиёдан хом ашёни товоңсиз ўғирлаб келишган эди. Сўнгги беш аср давомида бизнинг Фарб жамиятларимиз учинчι олам давлатларининг бойликларини талон-торож қилиб келишиди. Африкадаги ҳар бир қашшоқ юртларнинг бойлигини ким ва қандай талон-торож қилганини жадвал шаклида айтиб беришимиз мумкин. Хулоса қилиб айтганда, биз ёки баъзиларимиз ҳақиқий ўғрилармиз. Шу сабабли бошқалар ҳисобига бойидик».

**Ал-Ваъй:** Инсоният ҳеч қачон капитализм каби ваҳший ва иккюзламачи ҳазоратни кўрмаган. Бу ҳазорат «динни ҳаётдан ажратиши» номли куфр ақидасига ҳамда қора танли одамларни қул қилиб, ҳиндуларни йўқ қилишга асосланган ҳазратdir. У ўзининг қонли юришларини биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари орқали бошлаган. Ушбу ҳазорат эгалари ўзларининг жирканч мафкуралари ва ғояларини «озодлик» шиори остида тарқатиб, одамларни қулга айлантириш ва бойликларини талашда мустамлака йўлини танладилар. Шунингдек, улар одамларни бошқариш осон бўлиши учун уларни заифлаштириб, миллатчилик, мазхабпарастлик ва тоифачилик асосида бўлиб ташлашди ва ораларига нифоқ уруғини экиши. Ушбу ҳазорат дунёнинг ҳар бир бурчагига инқироз ва фожия бўронларини олиб келди. Масалан: уруш, эксплуатация, талон-торож қилиш, қашшоқлик, адашиш, жаҳолат ва кўчириб юбориш ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам бу ҳазорат инсоният тарихидаги энг ёмон ҳазорат бўлди. У ҳанузгача олам давлатлари ва халқлари узра шафқатсиз жиноятларини давом эттироқда. Ушбу жиноятларга чек қўйиш вақти келди. Бунга чек қўйишнинг энг яхши йўли ушбу ҳазоратни ағдаришдир. Бу ҳазорат ўзининг узоқ ва машаққатли саёҳатидан кейин қулаш арафасига келиб қолди. Шунинг учун ҳам бутун дунёда «халқаро тизимни ўзгартириш» ҳақида гапирилмоқда. Бугунги кунда олам шундай бир нозик босқичдаки, Коронавирус пандемияси тарқалиши сабабли, халқаро низомни ўзгартириш ҳақида гапирилмоқда. Америкадаги сайловларда ҳам шу мавзу ўртага ташланиб, демократиянинг маркази бўлган мамлакатда демократиянг барбод бўлиши ҳақида сўз юритилди. Исломга қарши глобал уруш олиб бораётган мамлакатларнинг ҳеч кимга сир бўлмай қолган зулмлари ҳам уларнинг ҳазорати қулашига турткি бўлмоқда. Масалан, Макрон ўзини қулашга оз қолган илмонийлик ва демократияни ҳимоя қиласётган қилиб кўрсатмоқда. У илмонийлик ва демократияни шу қадар жирканч тарзда ҳимоя қилишга уриндики, ҳатто илмонийлик ва демократияни ҳимоя қиласидиган бир қатор муфаккир ва сиёсатчилар ҳам Макрон ва унинг «сўз эркинлиги»га қарши баёnotлар беришиди. Шундай қилиб, ушбу ҳазоратни қўллаб-қувватловчилар ҳам унинг нақадар бузуқлиги ҳақида баёnot берадиган бўлиб қолди. Бу эса, журналистнинг «Фарб – ўғрилар ҳазоратидан бошқа нарса эмас» деган гапини тасдиқлайди. □